

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ**

**Қосимов Қабул Қосимович, Нарбаев Зафар Комилович,
Хусанов Шоятбек Рустамжонович, Каримова Зебинисо Хакимжановна.**

**“ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ”
ФАНИДАН
“ҚУЛОҚ, ТОМОҚ ВА БУРУН КАСАЛЛИКЛАРИДА ШИФОБАХШ
ЎСИМЛИКЛАРНИ ҚЎЛЛАШ”
Ўқув қўлланмаси**

**Магистратура –
Клиник ординатор –**

**Оториноларингология 5А510104
Оториноларингология 14.00.04**

(Магистрлар ва клиник ординаторлар учун)

Андижон – 2023 йил

Муаллифлар:

- Қосимов Қ. Қ - Андижон давлат тиббёт институти оториноларингология
кафедра мудири профессор т.ф.д
- Нарбаев З.К. - Андижон давлат тиббёт институти оториноларингология
кафедраси доценти т.ф.н.
- Хусанов Ш.Р. - Андижон давлат тиббёт институти оториноларингология
кафедраси ассистент
- Каримова З.Х. - Андижон давлат тиббёт институти оториноларингология
кафедраси докторанти

Рецензентлар:

- Далиев А.Г. - Андижон давлат тиббиёт институти дипломдан кейинги
таълим факультети травматология-ортопедия,
оториноларингология, болалар анестезиология ва
реаниматология кафедраси доценти, т.ф.д.
- Вохидов У.Н - Тошкент давлат стоматология институти
оториноларингология кафедраси доценти т.ф.д.

Аннотация

Хозирги кунда ЛОР беморларни даволашда шифобахи ўсимликларнинг қўллашни ўрни беқиёс бўлиб қолди. Турли синтез йўли билан олиниб, амалиётда қўлланилаётган дори воситаларини кўпинча асоратлар келтириб чиқараётганлиги, уларни танқислиги, нархининг қимматлиги, шифобахи ўсимликлардан фойдаланишга эътиборни кучайтириб юборди. Шунга қарамасдан хозирги кунда ЛОР амалиётида шифобахи ўсимликлардан фойдаланиш хақида бирорта қўлланма чоп этилмаган.

Республикамиз худудида 4200 га яқин ўсимлик турлари ўсади, улардан 580 таси эса шифобахи дори сифатида ишлатилади. Шу ўсимликлар хақида маълумотлар келтирилган, уларни териби олиш вақти, сақлаш усуллари ва улардан ЛОР беморларни даволаш хақида мазкур монографияда кенг баён қилинган.

Ушбу монография ЛОР врачларига, клиник ординатор ва магистрлар ҳамда доришунослар учун кенг қамровли қўллашга мўлжалланган.

Annotation

Today, the role of medicinal plants in the treatment of ENT patients has become invaluable. The fact that the drugs used in practice, obtained by various syntheses, often cause complications, their scarcity, high cost, has led to increased attention to the use of medicinal plants.

About 4,200 plant species grow in the country, of which 580 are used as medicinal plants. Information about these plants is given, the timing of their collection, methods of storage and treatment of ENT.

This monograph is intended for wide application to ENT physicians, clinical ordinators and masters, as well as pharmacists patients from them are described in detail in this monograph.

Аннотации

Сегодняшняя роль лекарственных растений в лечении больных ЛОР патологии стала неоценимой. Тот факт, что применяемые на практике препараты, полученные путем различных синтезов, часто вызывают осложнения, их дефицитность, дороговизна, привело к повышенному вниманию к использованию лекарственных растений.

В стране произрастает около 4200 видов растений, из которых 580 используются как лекарственные. Приведены сведения об этих растениях, сроки их сбора, способы хранения и лечения от них ЛОР больных подробно описаны в данной монографии.

Эта монография предназначена для широкого применения ЛОР-терапевтами, клиническими ординаторами и магистрами, а также фармацевтами.

Изохли луғат

ЛОР	- кулоқ, томоқ ва бурун
ДВ	- дори воситалари
ШЎ	- шифобахш ўсимликлар
Д	- дамлама
Қ	- қайнатма
ДА	-дорилар асорати
ДБҚ	-дамламадан боғлов қилиниш
ЎТ	-ўсимлик тури
ЎҚ	-ўсимликларни қуритиш
ЎЙ	-ўсимликларни йиғиш
СТ	- сурункали тонзиллит
ЛА	-лакунар ангина
ЎФ	-ўткир фарингит
ЎЎО	-ўткир ўрта отит
ЎЛ	-ўткир ларингит
ЙО	-йиғиб олиш

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	10
АЛОЭ.....	11
АНОР.....	12
АНЖИР.....	14
АНЖАБОР.....	16
АРПАБОДИЁН.....	17
АРЧА.....	18
БЕХИ.....	19
БИНАФША.....	20
БОДРЕЗОҚ.....	21
БОДОМ.....	23
БЎЙМАДАРОН.....	24
ГАЗАКЎТ.....	25
ГАЗАНДА.....	27
ГАНГИТУВЧИ БОЗИЛБАНГ	28
ГИЛОС.....	29
ГУЛХАЙРИ.....	31
ГУЛСАФСАР.....	32
ДАЛА ҚИРҚБЎҒИНИ.....	34
ДАЛАЧОЙ.....	35
ЕРҚАЛАМПИР.....	37
ЕТМАК.....	39
ЖАҒ-ЖАҒ.....	40
ЖИЙДА.....	41
ЖУМУРТСИМОН ЧАКАНДА.....	43
ЖЎКА.....	44
ЗАЪФАРОН.....	45
ЗИРА.....	47

ЗИРК.....	48
ЗИҒИР.....	50
ЗУБТУРУМ(БАРГИЗУБ)	51
ИСИРИҚ.....	53
ИСМАЛОҚ.....	54
ИТУЗУМ.....	55
КАВРАК.....	57
КАНАДА СОЛИДАГОСИ.....	58
КАРАМ.....	59
КЕЛИН ТИЛИ.....	61
КУНЖУТ.....	62
ЛИМОН.....	63
МАЙМУНЖОН(ПАРМАНЧАК)	65
МАКЛЕЯ.....	66
МАРЖОН ДАРАХТ.....	67
МАРМАРАК.....	69
МИНГДЕВОНА.....	70
МОЙЧЕЧАК.....	71
НАЪМАТАК.....	73
НЎХАТ.....	75
ОЛХЎРИ.....	76
ОДДИЙ КАЛЛУНА.....	77
ОДДИЙ ҚАРАҒАЙ.....	79
ОЙБОЛТИРҒОН.....	80
ОШЛОВЧИ СКУМПИЯ.....	81
ОШҚОВОҚ.....	82
ОҚ ВИСКУМ.....	84
ОҚ ҚАЙИН.....	85
ОҚҚАЛДИРМОҚ (КЎКА)	86
ПАТСИМОН МИНГТУҒАР.....	87

ПИЁЗ.....	89
ПОЛИГАЛА.....	91
РОЗМАРИН.....	92
САБЗИ.....	93
САНГВИЗОРБА(ДОРИВОР КЎКАТ)	95
САРИҚНУФАР.....	96
САРИМСОҚ.....	97
САХРО ЖЕНЬШЕНИ(ОЛТИН ТОМИР).....	99
САЧРАТҚИ.....	100
СЕДАНА	102
СЕМИЗ ЎТ.....	103
СИГИР ҚУЙРУҚ.....	104
СОЛАБ.....	106
ТИРНОҚГУЛ.....	107
ТОҒ АРНИҚАСИ.....	109
ТОҒ ЖАМБИЛ.....	111
ТОҒ ҚОРА РАЙХОНИ.....	112
ТОҒ ҚУДДУСИ	113
ТУГМАЧАГУЛ.....	115
ТУРП.....	117
ТУТ.....	118
УЧҚАТ.....	119
ХАНТАЛ.....	120
ЧУЧУКМИЯ(ҚИЗИЛМИЯ)	122
ШАФТОЛИ.....	123
ШИЛДИРБОШ.....	125
ШИРЧОЙ.....	126
ЭВКАЛИПТ.....	127
ЭМАН.....	129
ЭРМОН.....	130

ЯЛШИЗ.....	131
ЁНҒОҚ.....	133
ҚАРИҚИЗ.....	134
ҚАТТИҚ СИМФУТУМ.....	136
ҚАШҚАРБЕДА.....	138
ҚИЗИЛЧА-ЛАВЛАГИ.....	139
ҚОВУЛ.....	141
ҚОРА АНДИЗ.....	142
ҚОРА ҚАРАҒАЙ.....	143
ҚОРА ТОМИР.....	145
ҚОРА ҚОРАҚАТ.....	146
ҚЎЙ ПЕЧАК.....	148
ҚУРУҚ ЗУФО	149
ҚУЛОҚ,ТОМОҚ ВА БУРУН КАСАЛЛИКЛАРИ НИ ДАВОЛАШДА	
ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР	
ЙИҒИНДИСИДАН ФОЙДАЛАНИШ.....	151
АМАЛИЙ ТАВСИЯНОМА.....	160
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....	161

СЎЗ БОШИ

Қадим замонлардан шифобахш ўсимликларнинг беморларни даволаш, турли касалликларнинг олдини олишда ўрни бекиёс бўлган. Доривор ўсимликлардан ўринли фойдаланиш сирлари авлоддан-авлодга ўтиб, бойиб борган. Бу соҳада Шарқнинг машхур табиблари Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Исмоил ал-Журжоний каби алломалардан мерос бўлиб қолган бебаҳо асарларнинг hozirги кунда ҳам тиббиёт учун ахамияти катта.

Кимё фанининг тез ривожланиши туфайли синтез йўли билан кўп миқдорда дори моддалар олиниб, амалиётда қўлланилмоқда, бундай усул билан олинган дориларнинг танқислиги, нархининг қимматлиги, қолаверса, кўпинча асоратлар келтириб чиқараётганлиги сўнгги йилларда яна шифобахш ўсимликлардан фойдаланишга эътиборни кучайтириб юборди.

Аммо шифобахш ўсимликлар ҳақида тўлиқ маълумот олмай туриб, уларни қўллаш фойда ўрнига зарар келтириши мумкин. Ана шу эҳтиёж туфайли тиббиётнинг айрим соҳаларида доривор ўсимликлардан фойдаланишга бағишланган илмий асарларни чоп этиш ҳаракати бошланди.

Ер юзида 500 минг хил ўсимлик мавжуд бўлса, унинг фақат 18 минг тури шифобахш хусусиятга эга. Маълумки, Республикамиз ҳудудида 4200 га яқин ўсимлик турлари ўсади, улардан 580 таси эса шифобахш дори сифатида ишлатилади. Шунга қарамай, hozirги кунгача кулоқ, томоқ ва бурун касалликларини даволашда доривор ўсимликлардан фойдаланишга бағишланган китоб деярли нашр этилган эмас, ваҳоланки, аксарият касалликларнинг келиб чиқиши асосан юқори нафас йўлларида бошланади.

Юқорида баён қилинган мулоҳазалар ва мамлакатимиз аҳолисининг ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ушбу рисолада кулоқ, томоқ ва бурун хасталикларини даволашда қўлланиладиган ва республикамиз ҳудудида кўп тарқалган дори ўсимликларни шифобахш хусусияти ҳақида тўлиқ маълумот беришга ҳаракат қилдик.

Мухтарам китобхонларни асар юзасидан билдирган фикр-мулохазаларини муаллифлар мамнуният билан қабул қиладилар.

АЛОЕ

АЛОЕ ДЕРЕВОВИДНОЕ

ALOE ARBORESCENS

Алоенинг ватани Жанубий Америка бўлиб, ҳозирги вақтда Грузиянинг Кора Денгиз бўйларида ва Ўрта Осиёда доривор ўсимлик сифатида хонадонларда ва иссиқхоналарда ўстирилади. Алое таркибида антрогликозидлар аралашмаси, алое, катрон, эфир мойи ва аччик моддалар бор.

Дори сифатида барги ишлатилади. Алоенинг янги узилган баргини эзиб, майдалаб яраларга қўйилади. Сиқиб олинган Алоэ ширасига спирт ёки ўсимлик мойлари қўшиб аралашма тайёрланиб малхам тайёрланиб, ишлатилади.

Халқ табобатида алоэ шираси ошқозон-ичак касалликларида (гастрит, йўғон ичак яллиғланишида, ошқозон яраси ва сурункали қабзиятда) қўлланилади. Спирт билан консерваланган алоэ шираси, терининг йирингли яралари, суякнинг йирингли жароҳатларига қўйилади.

Алоэ ширасидан олинган биостимуляторлар (Extr Aloes fluidi), кўз касалликларида, бўғим яллиғланишида, бронхиал астмада яхши фойда беради.

Алоэ малхами тери экземасида, тери нур билан жароҳатланганда, куйган жойларини даволашда малхам сифатида суртилади. Алоэни темир тузлари билан аралаштирган холда ишлатиш кам қонликни даволашда яхши натижа беради, оғиз бўшлиғидаги яраларда шираси билан чайилади.

Ибн Сино амалётида эзилган, урилган яраларга, милк шилинишида алоэи шарбатини асалга қўшиб малхам тайёрлаб ишлатган. Соч тўкилишида алоэни шаробга қўшиб бошга суртган. Бош оғриқларида алоэни гул мойига

қўшиб пешона ва чаккага боғлаган. Меъда шиллиқ пардалар яллиғланишида алоэ ширасини илиқ сувга аралаштирилиб истеъмол қилишни тавсия қилган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида алоэ шираси бурунни ўткир яллиғланишида кунига 2-4 мартаба 3-4 томчидан томизилади. Қулоқни йирингли яллиғланишида алоэ ширасининг спиртли эритмаси йиринг тозалангандан сўнг кунига 2-3 махалдан дока пиликка шимдирилиб қўйилади.

Бурун ва кулоқ чипқонларида алоэ малхами кунига 2 мартабадан суртилади ёки докага қўйиб боғланади.

Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида алоэ шираси қайнатиб совутилган сувда тенг миқдорда аралаштириб, кунига 4-6 мартаба овқатдан сўнг томоқ чайилади. Хиқилдоқнинг атрофик яллиғланишида кунига бир махалдан 6-8 кун давомида алоэ шираси билан ингальяция қилинади. Бурун ва халқумни атрофик яллиғланишида шиллиқ ости қисмига шприц орқали кунига бир махалдан 6-8 кун инъекция қилинади.

Алоэ- мол ёғи бирга айла жам,

Қиздиру кулоққа куйгин ўша дам.

Шу билан кулоқнинг дарди бўлар даф,

Аммо сиркадан келар шундай наф.

Юсуфий

АНОР

ГРАНАТ ОБЫКНОВЕННЫЙ

PUNICA GRANATUM

Совуқ ўлкалардан ташқари хамма жойда ўсадиган кўп йиллик бутасимон ўсимлик.

Таркиби: Тана пўстлоғида алколоидлар, елим, ошловчи модда ва бўёқлар бор.

Дори сифатида ўсимликнинг тана ва мева пўстлоғи, ҳамда меваси ишлатилади.

Тана пўстлоғи эрта баҳорда, мева пўстлоғи эса сентябрь-октябрь ойларида йиғиштириб олиниб, салқин жойларда қуритилади. Қоғоз халталарда қуруқ жойларда сақланса, 2 йилгача ўз шифобахш хусусиятини йўқотмайди.

Анор пўстлоғидан дамлама тайёрланиб ишлатилади. Бунинг учун 50 гр. қуритилиб майдаланган анор мева пўстлоғини 400 мл. сувга солиниб, сув хаммомида 30 дақиқа қайнатилади, сузилади ва 4 кун давомида ишлатса бўлади.

Анор меваси малхами: Ширасидан тозаланган анор меваси қуритилиб келичада майдалаб туйилади ва 50 гр. олиб 100 гр. асалга ёки 100 мл. ўсимлик мойига аралаштириб малхам тайёрланади.

Халқ табобатида ошқозон-ичак касалликларида, ички қон кетишда, оғриқ қолдирувчи ва гижжа хайдовчи дори сифатида ишлатилади.

Анор уруғини қовурилган холда кўкнори уруғи билан аралаштириб ич кетганда ва қуруқ, йўталларда ичилади.

Ибн-Сино анор тана пўстлоғини ички қон кетишда, тишларни мустахкамлаш учун, танадаги турли яраларни даволашда дамлама холида ичишни тавсия қилган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида ташқи ва ўрта қулоқни ўткир йирингли яллиғланишида анор мева пўстлоғи дамламаси билан кунига 2 маҳал ювилади ва шу дамлама шимдирилган дока билан кунига 2-3 боғлоқ қилинади. Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида, анор мева пўстлоғи дамламаси билан кунига 3-4 маҳал илиқ холда чайилади.

Бурун ва қулоқ чипқонларида анор уруғи малхами билан кунига 1 маҳал боғланади.

Бундай даволашда оғриқ кам бўлади, чипқон тез етилиб ёрилади.

Анор пўстлоғидан оларсан бироқ,

Олти сир оқар сув билан қайнатгин.

Бир сир қолганда дархол тўхтатгин,
Шу сувдан ичарсан хар куни нахор,
Чувалчанг қуртлари қолмагай зинхор.

Юсуфий

АНЖИР

АНЖИР ОБЫКНОВЕННЫЙ

FICUS CARICA

Анжир Ўрта Осиёда, Қиримда ва Кавказда кенг тарқалган.

Таркиби: меваси – қанд (40%), пектин (5%), каротин, лимон, аскорбин ва олма кислоталари, витаминлар В1, В2, калий (1160 мг %), фосфор (263 мг %), калций (227 мг %), магний (117 мг %), темир (46 мг %), моддалардан иборат. Барги таркибида фуурокумарин алкалоиди бор. Тиббиётда анжирнинг барги ва меваси шифобахш дори сифатида ишлатилади.

Анжирнинг меваси пишгандан сўнг узиб олиниб, салқин жойда қуритилади ва қоқисини қоғоз халталарида бир йил давомида сақлаш мумкин.

Анжирдан дори сифатида: мевасини янги узилган холда истеъмол қилинади. Қуритилган анжир мевасини қайнатма холида ишлатиш мумкин. Бунинг учун 2 дона қуритилган анжир меваси 200 мл сутда 5-6 дақиқа қайнатилади. Мевасидан мураббо тайёрлаб ишлатиш мумкин.

Қуритилган баргидан қайнатма тайёрланади, бунинг учун 2 чой қошиқ қуритилган анжир барги 200 мл қайнатилган сувда 15 дақиқа дамланади, сўнгра сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади.

Табобатда: анжир ўткир сийдик хайдовчи, ич юритувчи, терлатувчи ва иситма туширувчи дори сифатида ишлатилади.

Қон томирлар тромб касалликларида ва юрак хасталикларида анжир меваси кўп истеъмол қилиш тавсия қилинади. Анжир мевасини сутдаги қайнатмаси юқори нафас йўллари яллиғланишида балғам кўчирувчи дори

сифатида қўлланилади. Турли йирингли яраларни етилтириш учун анжир меваси ёки барги боғлов қуйилади. Анжир барги дамламаси йўталда ва ич кетганда ичилади. Анжир барги сутини юздаги сепкилларни кетказишда ва теридаги оқ доғларни йўқотиш учун суртилади. Илмий табобатда анжирдан олинган «Псаберон» дориси туғма пёс касаллигини даволашда ишлатилмоқда.

Ибн Сино анжир баргининг шираси ва хом мевасини теридаги сўнгал ва доғларни кетказишда ишлатган. Анжир мевасини тутқанок дардини даволашда қўллаган. Қулоқ атрофидаги шишларга анжир меваси боғлов қўйиб даволаган. Томоқда бодомча безлари яллиғланганда анжир мевасини истеъмол қилишни тавсия қилган. Шарбати эса кўкрак сутини кўпайтириш учун аёлларга тавсия қилган. Анжир меваси ва баргининг ширасини буйрак тошини хайдашда қўллаган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида халқумни ўткир ва сурункали яллиғланишида (ўткир фарингит, ангиналарда, милк яллиғланишида) анжир мевасининг сутдаги қайнатмаси кунига 3-4 махалдан 50-60 мл. дан ичилади. Хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида анжирни сутдаги дамламаси билан кунига 2-3 махалдан 6-8 кун давомида инголяция қилинади ва бир вақтнинг ўзида кунига 4-6 махалдан иссиқ холида 50-60 мл. дан ичилади. Бодомча безларини ўткир яллиғланишида кунига 4-6 маротаба анжирнинг сутдаги қайнатмаси билан томоқ чайқалади.

Халқумни атрофик яллиғланишида анжирнинг янги узилган мевасидан кунига 2-3 махал истеъмол қилинади ёки шарбати билан томоқ кунига 5-6 марта илиқ холда чайилади.

Қулоқ оғриқларида анжир шарбати тенг миқдорда хантал дамламаси билан аралаштирилиб, илиқ холда докага шимдирилиб, кунига бир махал боғлов қилинади.

Йўталу балғамдан қутилишга зор,
Мевали дамламасин ичиши даркор.
Асал билан бўлсам омухта агар,

Кўзни шамоллашин кетгазгум бадар.

Ўктам Мухаммад Мурад

АНЖАБОР

ГЕРАН ХОЛМОВАЯ

GERANIUM PRATENSE

Анжабор кўп йиллик ўсимлик ҳисобланади. Ер шарининг совуқ ўлкаларидан ташқари барча жойларида кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятлари тоғ ён бағирларида ўсади. Хонадонларда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

Анжаборни дори сифатида гули, пояси, илдизи фойдаланилади.

Анжаборни гули қийғос гуллаган вақтда, барги эса август ойларида териб олинади, илдизи куз ойларида ковлаб олинаиб, салқин жойларда қуритилади. Қуруқ жойларда сақланса 2 йилгача ўз шифобахш хусусиятини йўқотмайди.

Таркибида: ошловчи моддалар, алкалоидлар, витамин С, каротинлар бор.

Дори сифатида анжабор дамламаси ишлатилади, бунинг учун бир ош қошиқ майдаланган ўсимлик гули, пояси ёки илдизи 400,0 мл совуқ сувда 8-10 соат дамланади, сўнгра сузилади ва 4-6 кун давомида ишлатишга тайёр бўлади.

Анжабор қайнатмаси: 10 гр майдаланган ўсимлик гули ёки баргини 200 мл сувга солиб, усти берк идишда, сув хаммомида 10-15 дақиқа қайнатилади. Совутилгандан сўнг сузилади ва ишлатишга яроқли бўлади.

Халқ табобатида ўраб олувчи, яллиғланишга қарши, микробларни ривожланишини тўхтатувчи, қон ивишини оширувчи дори сифатида ишлатилади.

Буйрак тош касалликларида, ошқозон-ичак аъзолари яллиғланишида, бўғимлар бод касаллигида, подаграда, қон кетганда қўлланилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида бурундан қон кетганда анжабор дамламаси доқа пиликка шимдирилиб, кунига 2 маҳал тиқилади.

Бир вақтнинг ўзида анжаборни совуқ сувда тайёрланган дамламаси 50-60 мл. дан кунига 5-6 маҳал ичилади. Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида қайнатмаси кунига 5-6 маҳалдан 4-6 кун давомида томоқ чайқалади. Буруннинг ўткир яллиғланишида ўсимлик дамламаси докали пликка шимдирилиб кунига 2 маҳал 2-3 соатга бурунга тикилади.

Халқ севиб ишлатар, мени шамоллашларга қарши,
Йўқолар ичилса, буйрак-тош ва ичак хастаси.
Ва яна дориман бурундан оққанда қон,
Пиликда бурунга қўйилса, сизга яна хам бўлади осон.

Хаким Барот

АРПАБОДИЁН

АНИС ОБЫКНОВЕННЫЙ,

ANISUM VULGARE GAERTH

Ўсимлик Россияни қоратупроқ ўлкаларида, Украинада, Ўрта Осиёда, Ўзбекистонни ҳамма вилоятларида ўстирилади.

Таркиби: эфир мойлари, анетол, метилховикол, анис спирти ва анис кислотаси ва ёғлардан иборат.

Шифобахш дори сифатида арпабодиённи уруғи ишлатилади. Арпабодиён меваси пишиб етилгандан сўнг ўриб олинади ва салқин жойда қуритилади, сўнгра янчилиб мевалари ажратилади. Қуруқ жойда 3 йилгача сақлаш мумкин. Арпабодиёндан дори сифатида дахлама холида ишлатилади.

Дамлама тайёрлаш: 5 г уруғи сирланган идишга солиниб, 200 мл. қайноқ сув қуйилади, усти беркитилади ва сув хаммомида 15 дақиқа қайнатилади, совутилгач сузилади ва тайёр бўлган дахламани 2 кун мобайнида ишлатиш мумкин.

Арпабодиёни нашатир спиртдаги дахламаси тайёрлаш: Арпабодиён мойи - 3,3 г, аммиак эритмаси - 16,7, 96° спирт 80 г. нисбатда аралаштирилиб тайёрланади.

Табобатда арпабодиён балғам кўчирувчи, спазмолитик ва дезинфекцияловчи дори сифатида қўлланилади. Юқори нафас йўллари шамоллашида балғам кўчирувчи дори сифатида, ошқозон-ичак яллиғланишида, эмизувчи аёлларнинг кўкрак сутини кўпайтириш мақсадида кенг қўлланилади.

Ибн Сино кўзни равшанлаштиришда, овқат хазм қилишда ва хайз конини юргизишда, буйрак ва сийдик пуфаги тошларини майдалашда, иситмада арпабодиённинг уруғини исътемом қилишни тавсия қилган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида, хиқилдоқнинг ўткир ва сурункали яллиғланишида арпабодиён мойи билан кунига бир махалдан 5-7 кун давомида инголяция қилинади ва бир вақтнинг ўзида дамламадан бир чой қошиқдан 4-6 махал ичилади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида кунига 3-4 махал арпабодиён дамламаси докали пликка шимдирилиб бурунга тиқилади.

Қуруқдир мижозда арпабодиён,

Хўллиги уч дея айлади баён.

Бурунга томизса – фойдаси аён,

Қулоғим оғриси – ёзар ташвишдан.

Сайид Мухсинмад Хасрат

АРЧА

МОЖЖЕВЕЛЬНИК

JUNIPERUS TURCESTANICA

Кўп йиллик дарахт бўлиб асосан Россияда, Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистоннинг деярли хамма вилоятларида ўсади.

Таркибида: эфир мойи, ошловчи қанд моддалари, бўёқ, таннин, смола, фловноидлар бор. Ўсимликни дори сифатида ёш новдалари, гудда меваси

ишлатилади. Ўсимлик новдалари бахорда, меваси кузда териб олиб куритилади ва қоғоз халталарда 4 йилгача сақлаш мумкин.

Арчадан қайнатма холида фойдаланилади. Бунинг учун 50 гр майдаланган новдаси 400 мл сувга солиниб, 30 дақиқа сув хаммомида қайнатилади, тиндирилиб сузилади ва 2 кун давомида ишлатса бўлади.

Бундан ташқари куритилган арча меваси майдаланиб, тенгма-тенг миқдорда кунжут мойи билан аралаштирилиб, малхам холида ҳам ишлатилади.

Халқ табобатида арча иштаха очувчи, сийдик хайдовчи, йўтални қолдириб, балғам хайдовчи дори сифатида ишлатилади.

Арча дамламаси милк ва оғиз бўшлиқлари яллиғланишида, жигар, ошқозон ва бод касалликларида қўлланилган. Тери яраларида малхами билан боғлов қилинган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида томоқ илиқ арча дамламаси билан кунига 4-6 марта чайқалади. Қулоқ ва бурун чипқонларида ва қулоқ оғриқларида арча малхами билан кунига 1 маҳал боғланади, бунда оғриқ пасаяди, чипқон тез етилади.

Кимда-ким мевани сувини ичса беармон,

Бошидаги оғриқ тугар батамом.

Қайнатиб ичсалар иштаха очар,

Бурун оғриқларин дархол қочирар.

Кунжут мойи билан аралашган замон,

Қулоққа қуйилса қар қулоқлик тамом.

Ҳаким Барот

БЕХИ

АЙВА ПРОДОЛГАТАВАЯ

CYDONIA OBLONGA MILL

Беҳи ер юзини иссиқ ўлкаларида кенг тарқалган, Ўзбекистон шароитида уни 10 ортиқ тури ўсади.

Меваси таркибида: эфир мойи, қанд моддаси, органик кислоталар, витамин С, темир, мис ва ошловчи моддалар бор. Уруғи таркибида эса крахмал, шиллиқ моддалар, ёғ, бўёқ моддаси, амингалин гликозиди бор.

Шифобахш дори сифатида ўсимликнинг меваси ишлатилади. Сентябрь-октябрь ойларида пишиб етилган меваси териб олинади.

Беҳи меваси ва уруғидан дамлама холида ишлатилади. 20 г беҳи уруғи 200 мл сувга солиб, сув хаммомида 30 дақиқа қайнатилади, сузилади ва 2 кун давомида ичишга яроқли бўлади.

Халқ табобатида ошқозон ичак касалликларида ва юқори нафас йўллари яллиғланишида беҳи уруғи дамламасидан фойдаланилади.

Ибн Сино беҳи уруғи дамламасини ич кетганда, сийдикни юргизишда тавсия қилган. Беҳи ширасини нафас қисишда буюрган. Тери яраларига уруғидан олинган мойни суртган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида халқум, хиқилдоқ ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида илиқ беҳи уруғи дамламаси билан томоқ қунига 3-4 марта чайилади ва бир вақтнинг ўзида иссиқ дамламадан қунига 4-6 маҳал бир ош қошиғидан ичилади.

Беморки бўлса гар камқон, бавосил,

Уруғим узумга қўшиб қайнатсин.

Ва истеъмол қилса уни бир меъёр,

Буйрак - меъдадан хам дард қочар ночор.

Мевам шарбатин ичаркан такрор.

Юрак хасталигин билмагай зинхор.

Ўқтам Мухаммад Мурод

БИНАФША
ФИАЛКА ТРЕХЦВЕТНАЯ
VIOLA TRICOLOR L.

Бинафша икки йиллик ўт ўсимлик бўлиб, Россиянинг Европа қисмида, Сибирь ўрмонларида учрайди. Ўзбекистонда манзарали гул сифатида ўстирилади.

Таркиби: рутин, эфир мойи, каротин, сапонинлар, витамин С лардан иборат.

Шифобахш дори сифатида ўсимликнинг ер устки қисми ишлатилади. Ўсимлик гуллаганда устки қисми ўриб олиниб, салқин жойларда қуритилади. Қуруқ жойда сақланса 2 йилгача ўз доривор хусусиятини йўқотмайди.

Дори сифатида бинафшадан дамлама тайёрлаб ишлатилади, бунинг учун қуритилган бинафша поясидан 1 чой қошиқ олиниб, 200 мл қайноқ сувга солиб усти беркитилган холда 30 дақиқа дамланади, сўнгра сузилади ва 2 кун давомида ишлатишга яроқли бўлади.

Халқ табобатида бинафша балғам кўчирувчи, терлатувчи, сийдик ва ўт хайдовчи дори сифатида ишлатилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида халқум ва хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида бинафшанинг илиқ дамламаси билан кунига 3-4 махалдан томоқ чайилади. Бир вақтда дамлама билан кунига бир махалдан 6-7 кун давомида инголяция қилинади.

Бурун ўткир яллиғланишида кунига 3-4 махалдан бурунга дамламаси шимдирилган докали плик 1-1.5 соатга қўйилади.

Дамланса ер устки қисмидан бир оз,

Кўчириб балғамни, ўт ва сийдик юриши бўлади соз.

Қилинса ғар-ғара, касаллик йўқолар бир он,

Томоқ оғриғи қочади, буғланса шу он.

БОДРЕЗОҚ

КАЛИНА ОБЫКНОВЕННАЯ

VIBURNUM OPULUS

Бодрезоқ кўп йиллик бутасимон ўсимлик хисобланиб, Россия, Украина ўрмонларида, Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг тоғли жойларида кўп учрайди.

Таркиби: Пўстлоғида ошловчи моддалар, елим, органик кислоталар, вибурнин гликозиди, флавоноидлар, С ва К витаминлар, мевасида эса кўп миқдорда аскорбин кислотаси, қанд, ошловчи моддалар, органик кислоталар, каротин, витамин Р бор.

Табобатда доривор ўсимлик сифатида бодрезоқнинг пўстлоғи ва меваси ишлатилади.

Бодрезоқнинг пўстлоғи апрель-май ойларида ажратиб олинади, очик хавода, салқин жойда қуритилади ва қуруқ жойда сақланса 4 йилгача ўз доривор хусусиятини йўқотмайди. Меваси сентябрь-октябрь ойларида пишиб етилганда териб олиниб, печка, духовкада қуритилади ва қуруқ жойда бир йил сақлаш мумкин.

Бодрезоқдан дамлама ва қайнатма тайёрлаб ишлатилади, қайнатмаси: 10 г. майдаланган пўстлоқ сирланган идишга солиниб 200 мл сув қуйилади ва усти берк холида сув хаммомида 45 дақиқа қайнатилади, сўнгра совутилиб сузилади ва 2 кун давомида ишлатишга яроқли бўлади. Бундан ташқари меваси майдаланиб, сиқиш йўли билан шарбати олиниб ҳам ишлатилади.

Халқ табобатида бодрезоқни тинчлантирувчи, тиришишга қарши ва қон тўхтатувчи дори сифатида ишлатилади. Бодрезоқ дамламаси ва қайнатмаси бачадондан қон кетганда, ошқозон ичак касалликларида, тутқаноқ касалликларида кенг қўлланилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида бодрезоқ шарбати бурундан қон кетганда доқа пиликка шимдирилиб хар қунига бир махал 2-3 соатга бурунга тикилади.

Бир вақтни ўзида 1 чой қошиқдан дамлама қунига 3-5 махал ичилади. Буруннинг ўткир яллиғланишида қунига 3-4 махал бодрезоқ дамламаси 4-6 томчидан бурунга томизилади.

Қадимдан ишлатар халқ ва элатлар,
Даволар тиришу, тутқаноқ ва қон кетишни хам.
Бахорда пўстлоғин шилиб олинса дарров,
Қайнатиб ичилса, даф бўлар ўткир тумов.
Шарбати доридур бурундан оқса тоза қон,
Вақтида қўйсангиз тўхтатар оққан қонни шу он.

Хақим Барот

БОДОМ

МИНДАЛЬ

AMYGDALUS COMMUNIS

Бодом Ўрта Осиёнинг барча Республикаларида ўсади. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида кенг тарқалган кўп йиллик мевали дарахт.

Бодом мағзи таркиби: мой, амигдалин гликозиди, витамин В1, В2 қанд ва оқсил моддаларидан иборат.

Шифобахш дори сифатида бодом мағзининг мойи фойдаланилади. Сентябрь ойларида пишиб етилган меваси териб олиб қуритилади. Қурук жойларда сақланса 5 йилгача ўз шифобахш хусусиятини сақлайди.

Табобатда бодом мойи ошқозон-ичак касалликларида, теридаги турли яраларда ишлатилади.

Ибн-Сино бодом мойини қон тупуришда, йўталда, ўпка ва сийдик йўллари касалликларида, буйрак ва сийдик пуфаги тош касалликларида тавсия қилинган. Камқувват ва боши оғриган беморларга бодом манғизи

буюрилган. Қизамиқ чиққан беморларга бодом пўчоғи қайнатмасини ичирган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида бурун ва халқумнинг атрофик касалликларида бодом мойи кунига 3 маҳал 4-5 томчидан бурун орқали томизилади. Бир вақтнинг ўзида бодом мойи билан кунига 2 маҳал ингаляция қилинади. Хиқилдоқнинг атрофик яллиғланишида бодом мойи кунига 2 маҳал 5 мл. дан махсус шприц билан қуйилади ва инголяция қилинади.

Ташқи қулоқдаги турли яралар, сарамалларда бодом мойи билан кунига бир маҳал боғлов қилинади.

Бодомнинг ёғидан қилса истеъмол,

Қуруқ бўлса халқум юмшатар дархол.

Асабу мияга бордир ундан наф,

Боду қуруқликни тезда қилар даф.

Шахобиддин Абдукарим ўғли

БЎЙМАДАРОН

ТЫСЯЧЕЛИСТНИК ОБЫКНОВЕННЫЙ,

ACHILLEA MILLEFOLIUM

Бўймадарон Ўрта Осиёда Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг чўл қисмларида, Россия ўрмонларида ўсади.

Таркибида: эфир мойлари, ахиллеин, бетоицин ва стахидрин алкалоиди, елим, органик кислоталар, аччиқ ва ошловчи моддалар, холин, каротин, витамин С ва микроэлементлари бор.

Ўсимликнинг ер устки қисми шифобахш дори сифатида ишлатилади.

Бўймадарон гуллаш вақтида ўриб олиниб, салқин жойда қуритилади, сўнгра қуруқ жойда 2 йилгача сақлаш мумкин.

Ўсимликдан дамлама холида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш: 15 г. майдаланган бўймадарон 200 мл қайноқ сувда 10-15 дақиқа дамланади,

сўнгра сузилади ва ишлатишга яроқли бўлади. Дамламани 2 кун сақлаш мумкин.

Янги узилган барги майдаланиб, сиқиб шираси олиниб ҳам ишлатилади. Қуритилиб майдаланган ўсимликни кукун холида дамба қилиб ичилади.

Буймадарон халқ табобатида яллиғланишга қарши спазмолитик, микробларни ривожланишини тўхтатувчи, аллергияга қарши, қон тўхтатувчи ва яраларни битирувчи дори сифатида ишлатилади.

Ибн Сино тумовда ва бурун яллиғланишида ўсимликнинг дамламасини томизган. Буйрак тошларини майдалашда, хайз қонини юритишда ва бачадондаги яраларни битиришда қўлланади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида буймадарон шираси бурундан қон кетганда докали пиликка шимдирилиб, кунига 2 маҳал бурунга 1,2-2 соатга тиқилади. Бир вақтнинг ўзида дамламадан кунига 1 чой қошиқдан 3-4 маҳал 6-8 кун давомида ичилади. Бурун ва қулоқ чипқонларида ўсимлик шираси домага шимдирилиб ёки янги узилган барги эзилиб, чипқонга кунига 2 маҳалдан боғланади.

Бодомча безларининг ўткир яллиғланишида кунига 3-4 маҳал илиқ дамба билан 5-7 кун давомида томоқ чайқалади.

Қадимдан ишлатилган барг шираси ҳам кукунни,

Йўқ қилади ёлин ва буйракдаги тошни асли.

Боғланса оғриқ қолар, чипқони бор қулоқда,

Шиш пасайиб, ғубор қочар оғриғи бор томоқда.

Хақим Барот

ГАЗАГЎТ

ГОРЕЧАВКА ЖЕЛТАЯ

GENTIANA OLIVERI GRISEB

Газагўт кўп йиллик ўт ўсимлик хисобланади. Ўсимлик Россия, Украина ва Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида адир ва тоғ ён бағирларида ўсади.

Таркибида: алкалоидлар, генцианин, аччиқ гликозиди, фловонидлар, катехин пектин, елимдан иборат.

Шифобахш дори сифатида пояси ва илдизи ишлатилади. Газагўтни гуллаш вақтида /май-июнь/ пояси ўриб олиниб, салқин жойда қуритилади. Илдизи эса сентябрь ойларида ковлаб олиниб қуритилади. Қуруқ жойда сақланса 2 йилгача ўз доривор хусусиятини йўқотмайди.

Газагўтдан дамлама ва ширасини олиб ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун 1 чой қошиқ қуритилиб, майдаланган газзагўт пояси сирланган идишга солиниб, 200 мл. сув қуйилади ва усти беркитилган холда 5 дақиқа қайнатилади. Совутилиб, сузилади ва 2 кун давомида ишлатишга яроқли бўлади. Янги ковлаб олинган илдизини майдалаб сиқиб, шираси олиниб ишлатилади.

Газагўт халқ табобатида ошқозон ва ўт пуфаги яллиғланишида, бўғимлар бод касаллигида, юқори нафас йўлларида яллиғланиши ва теридаги турли йирингли касалликларни даволашда кенг қўлланилади.

Ибн Сино қулоқдан йиринг оқишида, шовқин бўлишида газзагўтни шираси анор пўстлоғини майдаланган кукуни билан аралаштириб, сўнгра қиздириб, қулоққа томизишни тавсия қилган. Бўғим оғриқларида, асаб фалажлик касаллигида газзагўтни асалга аралаштириб боғлаган. Бурундан қон кетганда газзагўтни сиркага аралаштириб бурунга тортган. Газзагўтни арпабодиён меваси билан аралаштириб кўз хиралашганда истеъмол қилишни буюрган. Сийдик хайдаш учун ширасини ишлатган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида газাগўтни илиқ дамламаси билан халқум ва бодомча безларини ўткир яллиғланишида кунига 3-4 махалдан томоқ чайқалади.

Бурундан қон кетганда кунига бир махал докали пилик газাগўт ширасига шимдирилиб, бурунга тикилади. Бир вақтда дамламадан 1 ош қошиқдан кунига 3 махал ичилади. Бурун ва қулоқ чипқонларида газাগўт барги майдаланиб, эзиб кунига 2 махалдан боғланади. Чипқон ёрилгандан сўнг дамба домага шимдирилиб, кунига 2 махалдан боғланади.

Ишлатинглар газাগўтни, дамланг яна ширасин олиб,
Қиздирингда унга дархол, янги анор пустлоғин солиб.
Томизилса дахол қочар, қулоқдан кучли оғрик,
Фойдасини тез биласиз, тиклар сизга катта соғлиқ.

Ҳаким Барот

ГАЗАНДА

КРАПИВА ДВУДОМНАЯ

URTICA DIOICAL

Газанда кўп йиллик ўсимлик бўлиб, Россиянинг Шаркий Сибирь ва Узоқ Шарқ қисмида, Ўрта Осиёнинг тоғолди ерларида ўсади.

Таркибида: аскорбин кислотаси (0,6%), каротин (50%), витаминлар К, В 2, ошловчи моддалар (2%), органик кислоталар, крахмал (10%), хлорофилл (8%), елим, ситостерин тузлари бор.

Газандани шифобахш дори сифатида баргидан фойдаланилади.

Газанда барглари гуллаш даврида териб олинади (май-сентябрь). Салқин жойларда қуритилади, тозаланиб, қуруқ жойларда 2 йилгача сақлаш мумкин.

Қуритилган газанда баргидан дамба холида ишлатилади. Бунинг учун 15 г. қуритилиб, майдаланган баргини 200 мл. қайнатилган илиқ сувга солиб, 15 дақиқа дамланади, сўнгра сузилади ва истеъмол қилишга тайёр бўлади. Бундан ташқари газанданинг янги узилган баргидан сиқиб олинган

ширасини қон кетганда ичилади. Қуритилиб, майдаланган барги кукун холида қон кетаётган яраларга сепилади.

Халқ табобатида газанда қон кетганда, (бачадондан, бавосил касаллигида, ўпкадан, ичаклардан), гипо- ва авитаминозда, атеросклерозда, камқонликда, аёлларда кўкрак сутини кўпайтириш учун, жигар ва ўт пуфаги касаллигида, буйракда тош тўпланганда, бод касаллигида, ўпка шамоллаганда, силда, ич кетганда, қабзиятда тавсия қилинади. Узок битмаган яраларга янги узилган барги янчилик боғланади. Газанда микробларни ривожланишини тўхтатади в яраларни тез битиради.

Газанда дамламаси билан соч тўкилганда, қайизғоқ босганда бош (совунсиз) ювилди.

Ибн Сино газандани баргини янчилик, шираси билан қон кетган жойларга боғлашни тавсия қилган. Сурги дори сифатида баргининг дамламасини ичирган. Газанда уруғини нафас қисиш касаллигида қўллаган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида газанда дамламаси бурундан қон кетганда 1 чой қошиқдан 3-4 махал ичилади ва докали пиликка баргининг шираси шимдирилиб, бурунга кунига 2 махал қўйилади.

Қулоқ ва бурун чипқонларида янги газанда ўти шираси докага шимдирилиб, 2-3 махалдан боғланади, чипқон ёрилиб, йиринг ажралиши даврида қуритилган газанда барги кукун холида кунига 2-3 махал сепилади.

Ишлатишар халқлар уни, қазилмас баргларин,

Чаён каби чақар экан, уни барча турлари.

Йўқ бўлади уни ичса, бод-яраю ўпка сили,

Тез тузалар битмас яра, яна нафас қисишлардан бири

Ёрилади у қўйилса, қулоқ, бурун чипқонлари.

Йиринг тўхтаб дархол, битар, яраси бор шишлари.

Хақим Барот

**ГАНГИТУВЧИ БОЗУЛБАНГ
ЗАЙЦЕГУВ ОПЬНЯЮЩИЙ
LAGOCHILUS INEBRIANS BUNGE**

Бозулбанг кўп йиллик ўсимлик бўлиб, асосан Ўзбекистоннинг Самарқанд, Жиззах ва Бухоро вилоятларида ўсади.

Таркибида: лагохилин /4%/, ошловчи модда /14%/, эфир мойи, каротин /10 мг %/, аскорбин кислотаси /100 мг %/, витамин К, кальций тузи, канд ва органик кислоталардан иборат. Бозулбангни дори сифатида гули ва барги ишлатилади. Бозулбангни гуллаган вақтида уриб олинади ва салқин ерда қуритилиб, сўнра гули ва барги териб олинади.

Бозулбангдан дамлама тайёрланиб ишлатилади. Бунинг учун майдаланган ўсимлик гули ва баргидан 3 ош қошиқ олиб, 200 мл қайноқ сувда 6-8 соат дамланади, сўнгра сузилади ва ишлатишга тайёр булади. Бозулбанг ширасини янги узилган гули ва барги майдаланиб, сиқиш йўл билан олинади. Бундан ташқари саноатда асосида гангитувчи бозулбанг моддаси тутган, туғма дори ҳам чиқарилади.

Табобатда бозулбанг қон тўхтатувчи, тинчлантирувчи ва қон босимини пасайтирувчи восита сифатида фойдаланилади, шунинг учун ўсимлик дамламаси ички ва ташқи қон кетганда, хафақон касаллигида, глаукомада 1 ош қошиқдан 4-6 маротаба ичилади. Дамламани танаффуссиз, 2-3 ой ичиш мумкин. Бозулбанг дамламаси аллергия касаллигида яхши фойда беради.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида бурундан қон кетганда бозулбанг шираси дока пиликка шимдирилиб, кунига 2 махалдан бурунга тиқилади. Бир ватнинг ўзида дамламадан бир ош қошиқдан кунига 3 махал 15-20 кун давомида ичилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун аъзолари касалликларида ўтказиладиган жаррохликда қон кетиши олдини олиш мақсадида ташрихдан 8-10 кун олдин дамламадан 1 ош қошиқдан 3 махал ичилади.

Аллергик ринитларда ўсимлик дамламасидан 2 ой мобайнида танаффузсиз ичилади.

Гул барглари фойдалидир, гангитувчи бозулбангни,

Ичилганда тинчлантирар, бош айниган бир тангни.

Еллик касал барбод бўлар, ичса агар уни 2 ой.

Тўхтатади барг шираси, бурундан оқса қизил сой.

Хақим Барот

ГИЛОС

ВИШНЯ ОБЫКНОВЕННАЯ

CERASUS VULGARIS MILL

Гилос кўп йиллик дарахтсимон ўсимлик хисобланади. Ер шарининг деярли ҳамма қисмида учрайди.

Таркибида: қанд моддаси (15%), пектин (11%), органик кислоталар, ошловчи моддалар, каротин, витаминлар (В, С, РР), аскорбин ва фолиевой кислоталар, минерал тузлар (мис, темир, магний калий), магизиди (25-30%) амингалин ва эфир мойлари бор.

Гилосни меваси ва барги шифобахш дори сифатида фойдаланилади. Гилос барги гуллаш вақтида, меваси эса пишиб етилганда териб олиниб салқин жойларда қуритилади. Қуруқ жойда сақланса 2 йилгача ўз доривор хусусиятини йўқотмайди.

Гилосни янги узилган мевасидан мураббо холида ишлатилади. Бундан ташқари баргларида дамлама ва қайнатма холатда фойдаланилади.

Баргидан дамлама тайёрлаш: янги узилган ва майдаланган баргидан 10 г олиб қайнатилган 200 мл. сувга 10-15 дақиқа дамланади, сузилади, сунгра ишлатишга тайёр булади.

Халқ табобатида: иситмалаган беморларга гилос мураббоси чойга қўшиб ичирилади. Қабзиятда гилос шарбати сурги дори сифатида қўлланилади. Бўғимлар яллиғланишида гилос меваси сут билан аралаштрилиб истеъмол қилинади. Юқори нафас йўллари яллиғланишида

балғам кўчирувчи сифатида гилос шарбати тавсия қилинади. Жигар касаллигида янги узилган барги сутда қайнатилиб ичирилади. Гилос барги дамламаси кучли сийдик хайдовчи сифатида ҳам қўлланилади.

Кулок, томоқ ва бурун касалликларида бурундан қон кетганда янги узилган барги майдаланиб, шираси дока пиликка шимдирилиб бурунга кунига 2 махал тиқилади.

Хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида гилос мураббоси чойга қўшиб кунига 4-6 махал ичирилади.

Баргин дамлаб ича олсангиз, сийдик хайдар буйрақдан,

Йўқолиб ҳам сариқликлар, ғубор кетар жигардан,

Оққанда қон бурнингиздан, қўлласангиз барг ширасин,

Қилиб фойда йўқотади, яна хиқилдоқнинг ярасин,

Туширади иситмани уни ширин мураббоси.

Хақим табиб сўзлаганда, бордир уни чуқур маъноси.

Хақим Барот

ГУЛХАЙРИ

АЛТЕЙ ЛЕКАРСТВЕННЫЙ

ALTHAEA OFFICINALIS

Гулхайри кўп йиллик ўсимлик. Россиянинг Сибирь қисмида, Қозоғистон ва Ўзбекистонда чўлларида, тоғ олди майдонларида ўсади.

Таркибида: Шилимшиқ модда (35%), крахмал (37%), қанд (8%), пектин (6%), аскорбин ва бетаинлардан иборат.

Гулхайрини доривор ўсимлик сифатида илдизи ва барги ишлатилади. Гулхайри илдизи йилига 2 марта, баҳорда (март-май) ва кузда (сентябрь-ноябрь) ойларида қовланади, тозаланиб совуқ сувда ювиб, майдаланиб, кесиб қуритилади ва қуруқ жойда 3 йилгача сақланади. Барги эса гуллаш вақтида териб олиб қуритилиб ишлатилади.

Гулхайри илдизидан ва баргидан дамба холида фойдаланилади.

Дамлама тайёрлаш: 2 чой қошиқ куритилиб майдаланган гулхайри илдизи 400 мл қайноқ сувда 8 соат дамланади, сўнгра сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади. Қайнатма: 2 ош қошиқ майдаланган гулхайри илдизи 200 мл қайнатилган сувга солиб 30 дақиқа қайнатилади, сўнгра 15 дақиқа тиндирилиб сузилиб ишлатилади. Қайнатма ва дамламалар 2 кун давомида ичишга яроқли бўлади.

Халқ табобатида гулхайри яллиғланишига қарши, ўраб олувчи, юмшатувчи ва балғам кўчирувчи дори сифатида ишлатилади. Гулхайри дамламаси ва қайнатмаси ўпка шамоллашида, зотилжам, буйрак касалликлари, нафас қисишда, меъда ва ўн икки бармоқли ичак ярасида, ич кетиш касалликларини даволашда ишлатилади.

Ибн Сино гулхайри илдизини чипқонларни пишириб етиштиришда ярага боғлаган, бўғим оғриқларида ўрдак ёғига кўшиб малхам тайёрлаб суртган. Гулхайри уруғини йўталда балғам кўчирувчи дори сифатида, илдизи қайнатмасини эса сийдик йўллари яллиғланганда ичишни тавсия қилинган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида қулоқ ва бурун чипқонларида гулхайри қайнатмаси докага шимдирилиб, кунига 2 маҳалдан боғланади. Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида кунига 3-4 маҳалдан 5-7 кун давомида томоқ чайқалади.

Хиқилдокнинг ўткир яллиғланишида кунига 2 маҳалдан гулхайри дамламаси билан 6-8 кун давомида инголяция қилинади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида илиқ қайнатмадан кунига 2 маҳал докали пликка шимдирилиб бурунга 1 соат давомида қўйилади.

Иссиқда ўртача мижоз гулхайри,
Юмшатиш, пишитиш хоссаси айри.
Қуймич оғриғига беради ором,
Бўғим оғриқни кувади мудом.

Сайид Хасрат

ГУЛСАФСАР
КАСАТИК ЖЕЛТЫЙ
IRIS PSEUDACORUS

Гулсафсар кўп йиллик ўт ўсимлик хисобланади. Ер шарида кенг тарқалган. Россиянинг Европа қисмида, Кавказда, Сибирда, Ўрта Осиёда ўсади. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида: ариқ бўйларида, ўтлоқларда ўсади.

Таркибида: ошловчи моддалар ва эфир мойлари бор.

Гулсафсарни илдиз пояси доривор ўсимлик сифатида ишлатилади. Август, сентябрь ойларида илдиз пояси ўриб олиниб, салқин жойда осилган холда қуритилади. Қуруқ жойда сақланса, 2 йилгача ўз доривор хусусиятини йўқотмайди.

Халқ табобатида: ўсимликдан дамлама тайёрланиб ишлатилади. Бунинг учун 1 чой қошиқ қуритилиб майдаланган илдиз пояси сирланган идишга солиниб, 200 мл қайноқ сув қуйилади, усти беркитилиб, сув хаммомида 5 дақиқа қайнатилади, тиндирилади, сўнгра сузилади ва 2 кун давомида ишлатишга яроқли бўлади.

Табобатда: Ўсимлик буриштирувчи, яллиғланишга қарши хусусиятга эга бўлганлиги учун ошқозон-ичак яллиғланиш касалликларида, теридаги хар хил йирингли яраларни даволашда ишлатилади.

Ибн Сино гулсафсар иддизини юздаги доғни кетказишда, илдиз поясини эса иссиқ сувдан куйганда майдалаб боғлаган. Теридаги узок битмайдиган йирингли яраларда, баргининг дамламаси ёки илдиз ва илдиз пояси ширасини суртиб даволаган. Гулсафсар асабни тинчлантирувчи дори сифатида тавсия қилинган. Ўсимликни шираси қулоқдан йиринг оққанда томизиб даволаган. Бачадондаги яллиғланиш касаллигида гулсафсардан кучли дори йўқлиги исботланган. Бурундан йирингли ажралмалар бўлганда ўсимликни қайнатмаси билан бурун чайишни буюрган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида буруннинг сурункали катарал яллиғланишида кунига 3-4 махалдан илиқ гулсафсар дамламаси билан бурун чайилади. Халқум ва бодомча безларини ўткир яллиғланишида томоқ кунига 5-6 махал чайқалади. Бир вақтнинг ўзида ўсимлик дамламасидан кунига бир махал 5-7 кун давомида ингаляция қилинади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида дамаламадан, кунига 2 махал 3-4 кун давомида томизилади. Бурун ва қулоқ чипқони, ташқи отитларда янги узилган ўсимлик пояси майдаланиб, эзиб, кунига бир махал боғланади.

Ишлатинглар гулсафсарни доим янги дамламасин,
Ўшанда-ки, тинчлаштириб туширади йирингли яра иситмасин.
Доно Сино қўллаганди доғ тушганда юзларга,
Буюрганди яна уни териси иссиқ сувдан куйганларга.
Фойдалидур оқса йиринг қулоқ ва яна бурундан,
Ювинг қулоқ, чайинг томоқ уч-у ва тагин тўрт кунлардан.

Хақим Барот

ДАЛА ҚИРҚБЎҒИНИ

ХВОЩ ПОЛЕВОЙ

EQUISETUM ARVENSE

Қирқбўғин кўп йиллик ўсимлик ҳисобланади ва табиатда кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида ўсади.

Таркибида: Кремний кислотаси, эквизетонин флавоноиди, ошловчи моддалар, шавел, олма кислотаси, елим, эфир мойи, каротин, витамин С лардан иборат.

Ўсимликнинг янги новдаси ва барги шифобахш дори сифатида ишлатилади.

Қирқбўғиннинг барги ва пояси гуллаш вақтида ўриб олиниб, салқин жойларда илинган холда қуритилади. Қуруқ жойларда сақланса 2 йилгача доривор хусусиятини йўқотмайди.

Қирқбўғиннинг дамламаси, қайнатмаси ва янги шираси ишлатилади.

Қайнатма тайёрлаш: 2 чой қошиқ майдаланган қирқбўғин 200 мл сувда 30 дақиқа қайнатилади, совутилиб сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади, қайнатмани 2 кун давомида истеъмол қилиш мумкин.

Дамлама тайёрлаш: 500 мл қайнаб турган сувга 3 чой қошиқ майдаланган қирқбўғин солиниб, идишнинг усти беркитилади ва 3-4 соатга дамланади, сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади.

Шираси эса янги узилган ўсимликни майдалаб, сиқиш йўли билан олинади.

Халқ табобатида: Қирқбўғин сийдик хайдовчи, қон тўхтатувчи, яллиғланишга қарши дори сифатида ишлатилади.

Ибн Сино қирқбўғиннинг ширасини қон кетишда, яраларни битиришда кўп қўллаган. Ич кетишда қирқбўғинни шароб билан аралаштириб ичирган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида халқум, бодомча безлари ва хиқилдоқни ўткир яллиғланишида ўсимлик дамламаси билан кунига 3-4 махалдан томоқ чайқалади, бир вақтнинг ўзида кунига бир махалдан ўсимлик шираси билан инголяция қилинади.

Қулоқ ва бурун чипқонларида ўсимлик шираси докага шимдирилиб, кунига 2 махалдан боғланади.

Бурундан қон кетганда қирқбўғин шираси шимдирилган докали пилик кунига бир махал 2-3 соатга бурунга тикилади ва бир вақтнинг ўзида дамламадан 1 ош қошиқдан кунига 4-5 махал ичилади.

Шифобахшдир бизга таниш, бўлмиш ўша қирқбўғим,

Шохларига уланади, бир-бирига бўлиб тугун-тугун.

Ўриб олиб қайнатинг-да, дамланг яна у қийғос гуллаган агар,

Тўхтар доим, ич кетиш-у ва бурундан қон кетишлар.

Шундай қилган бобокалон Абу Али ибн Сино хам,

Чипқонлар-у, томоқ оғриқ, ангиналар берар доим унга тан.

Хақим Барот

ДАЛАЧОЙ

ЗВЕРОБОЙ ПРОДЫРЯВЛЕННЫЙ

HYPERICUM PERFORATUM

Далачой кўп йиллик ўт ўсимлик хисобланади. Табиатда совук ўлкалардан ташқари ҳамма жойларда кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида: ариқ бўйларида, тоғ ёнбағирларида, ўтлоқларда учрайди.

Ўсимликни таркибида: флавоноидлар, бўёқ моддалар, эфир мойи, ошловчи модда, алколоид атоциан, елим, каротин аскорбин кислотаси витамин РР лар бор.

Шифобахш дори сифатида далачойнинг пояси ишлатилади. Ўсимликни гуллаш вақтида ўриб олиниб, салқин жойларда осилган холда қуритилади. Қуруқ жойда сақланса 2 йилгача ўз доривор хусусиятини йўқотмайди.

Далачойдан дамлама тайёрланиб ишлатилади. Бунинг учун 10 г. далачойни қуритилиб, майдаланган қисми сирланган идишга солиб, 200 мл қайнаган сув қуйилиб, усти беркитилган холда сув хаммомида 30 дақиқа қайнатилади, тиндирилиб сузилади ва дамлама тайёр бўлади. Дамламани 2 кун давомида ишлатиш мумкин.

Далачойни спиртдаги дамламаси: бунинг учун 1 қисм далачойни майдалангани 5 қисм 40° спиртда нисбатда олиниб, 10 кун давомида сақланади, сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади.

Суртиш учун далачой малхами ишлатилади. Бунинг учун 1 қисм далачойни майдалангани 5 қисм писта мойи ва 1 қисм скипидар билан нисбатда аралаштириб тайёрланади.

Табобатда: Далачой ўраб олувчи, яллиғланишга қарши микробларни ўсишини тўхтатувчи, ярани битирувчи, ўт хайдовчи дори сифатида ишлатилади. Ошқозон-ичак касаллигида, жигар ва ўт пуфаги яллиғланганда дамламадан 50-60 мл дан кунига 3 маҳалдан ичилади.

Теридаги йирингланган яраларни кунига 2-3 махал дамлама билан ювилади, сўнгра малхами билан боғлов қилинади. Бўғимларнинг бод касаллигида далачой малхами суртилиб боғланади.

Ибн Сино оловда куйган жойларга далачой дамламасини боғлашни буюрган. Катта жарохатлар, йирингли яраларга далачой барги эзиб боғлаган. Сийдик ва ўт хайдовчи дори сифатида далачой дамламасини ичирган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида далачойнинг спиртдаги суртмасидан 40-50 томчи олиб 20,0 мл. қайнатилиб совутилган сувга аралаштириб, кунига 4-6 махалдан 5-7 кун давомида томоқ чайилади. Бодомча безлари ва хиқилдоқнинг сурункали яллиғланишида далачойнинг спиртдаги суртмасидан 30-40 томчи олиб 50 мл сувга аралаштириб, кунига 2 махал, 6-8 кун давомида инголяция қилинади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида далачой дамламасидан докали пиликка шимдирилиб кунига 2 махал 1 соатга бурунга қўйилади.

Бурун олди бўшлиқларини ўткир ёки сурункали йирингли яллиғланишида далачойнинг спиртдаги суртмасидан 5 мл. олиб 50 мл. қайнатиб совутилган сувга қўшиб 37-38°С иссиқликда бурун орқали бир махал 10-12 кун давомида ингаляция қилинади.

Қулоқнинг сурункали йирингли яллиғланишида далачойнинг спиртдаги дамламаси билан кулоқ ичига кунига бир махалдан 8-10 кун давомида электрофорез қилинади. Кулоқ ва бурунни жарохатларида, чипқонларда далачойни янги узилган барги эзиб майдалаб, кунига 2 махалдан боғланади.

Далачойни билсангиз, булар 99 дардга даво,

Жарохатни битказиб, юракка хайдар «тоза қон» ва хаво,

Кўп ичсангиз агар уни, танангизни захарлар,

Юрак дардин кучайтириб, хафақонни чиқарар.

Дамлаб ичса одам уни, чойнакдаги чойини,

Ичакдаги қуртин хайдаб, тўхтатади оққан қонини.

Тузатар ярасини, оғиз хамда бурунни,
Давосига ишонсангиз эслатар у зубтурумни.

Хаким Барот

ЕРҚАЛАМПИР

ХРЕН ОБЫКНОВЕННЫЙ

ARMORACIA RUSTICANA GAERTN

Ерқалампир кўп йиллик ўт ўсимлик хисобланади. Россиянинг Европа қисмида, Сибирда, Кавказда, Ўрта Осиёда ва Қозоғистонда кўп тарқалган.

Таркибида: Углеводлар, ёғ, минерал тузлар, калий (3,7%), витамин С, эфир ва изоцималлил мойи, синигрин ва бошқа моддалардан иборат.

Ерқалампирни табобатда илдизи, барги янги холида ишлатилади.

Ўсимликни илдизи ёз ойларида ковлаб олинади ва қумга қўмилган холда ертўлада сақланади, барги гуллаш вақтида узиб олиниб, салқин жойда қуритилади.

Ерқалампирдан дори сифатида фойдаланиш учун янги ковлаб олинган илдизи майдаланиб эзиб, шираси олиб ишлатилади.

Дамлама тайёрлаш: 8 г майдаланган илдизи ёки барги 200 мл қайноқ сувда 30-40 дақиқа дамланади, сўнгра сузилади ва ишлатишга яроқли бўлади.

Халқ табобатида: сийдик хайдовчи, балғам кучирувчи дори сифатида ишлатилади, подаграда, бод касаллигида, сийдик пуфаги тош касаллигида дамламаси тавсия қилинади. Радикулитда, миозитда, бўғимларда оғриғда, йирингли яраларда илдизи майдаланиб, эзиб боғланади. Тумов ва резандани олдини олиш учун ерқалампир дамламаси кунига 3-4 махалдан 2-3 томчидан бурунга томизилади.

Ибн Сино қулоқ ва тиш оғрикларида ерқалампир шираси томизишни тавсия қилган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида бодомча безлари ва халқумнинг ўткир яллиғланишида сув билан тенг миқдорда эритилган шираси билан кунига 3-4 маҳал томоқ чайилади.

Бурунни ўткир яллиғланишида дамламадан кунига 2-3 маҳалдан 2-4 томчидан томизилади.

Қулоқ ва бурун чипқонларида илдизи майдаланиб, кунига 2 маҳал боғланади.

Осиёда кўп кесади, аччиқ деган Ерқалампир,
Томизганда раҳмат дейди, тиш оғриган хар бир кампир.
Ковлаб олиб илдизини, ширасин олсангиз ёзда агар,
Суркасангиз бел оғриғи ва мушак оғрик дархол тўхтар.
Кўчирилиб балғамлар хам, даф бўлар подагра ва бод,
Томизилса тумов каби, резанда хам қочар, деб дод.
Яна фойда қилади у, оғриси бурун каби томоқ,
Барбод бўлар боғланганда, оғриқ қочар хар қаёқ.

Хақим Барот

ЕТМАК (БЕХ)

КОЛЮЧЕЛИСТНИК КОЧИМОВИДНЫЙ

ACANTHOPYLLUM QYPSOPHILOIDIS

Етмак кўп йиллик ўсимлик бўлиб, Ўзбекистоннинг Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида кенг тарқалган.

Таркибида: кўп миқдорда сапонинлар, алкалоидлар ва витаминлар бор.

Етмакни дори сифатида илдизи ишлатилади.

Ўсимлик гуллаб бўлганда сўнг илдизи ковлаб олинади ва салқин жойда куритилади, куруқ жойда 2 йилгача сақланади.

Халқ табобатида етмақдан қайнатма холида ишлатилади. Майдаланган етмак илдизидан 1 чой қошиқ олиб 200 мл қайноқ сувга солиб

дамланади ва сув хаммомида 15-20 дақиқа қайнатилади, сўнгра тиндирилиб, сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади.

Халқ табобатида етмак илдизидан тайёрланган қайнатма юқори нафас йўллари яллиғланишида балғам кўчирувчи дори сифатида 1 чой қошиқдан кунига 3-4 маҳал ичилади.

Терида узок битмаган яраларда етмак дамламаси шимдирилган докали боғлов қилинади.

Ибн Сино кулокни йирингли яллиғланишида, бурун йўллари йирингли яллиғланишида, бурунни хид билиш фаолияти пасайганда етмак дамламаси томизишни тавсия қилган. Етмакни ич юритувчи, сийдик хайдовчи, сийдик ва ўт йўллари тошларини майдаловчи дори сифатида ишлатган. Етмакда кучли кусдирувчи хусусият борлигини айтган.

Кулок, томоқ ва бурун касалликларида бурунни ўткир ва сурункали яллиғланишида етмак қайнатмаси 2-3 томчидан кунига 3-4 маҳал томизилади.

Хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида етмак қайнатмаси билан кунига 1 маҳал 6-7 кун давомида ингалиция қилинади.

Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида кунига 4-6 маҳал илик етмак дамламаси билан томоқ чайкалади.

Бурун, кулоқ жарохатида, чипқонларда кунига 2 маҳал етмак дамламаси шимдирилган дока билан боғлов қилинади.

Мени исмим асли бех, атаганлар деб, етмак,

Фойдалиман асли мен, соглик тикларман демак.

Кириб туриб қўшсангиз кўпираман нишоладай,

Тотиб кўриб биласиз, мазамни пишган холвадай.

Қайнатганда қуваман, кўк йўтал-у тумовни,

Эритаман қўйсангиз, кулокда турган чиркни.

Хақим Барот

ЖАҒ-ЖАҒ

ПАСТУШЬЯ СУМКА

CAPSELLA BURSA-PASTORIS

Жағ-жағ бир йиллик ўсимлик бўлиб, совуқ ўлкалардан ташқари ер юзида кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида ўсади.

Таркибида: Гиссопин гликозиди, сапонин, бурсин, холин, ацетилхолин, алкалоид, олма, лимон кислотаси, ошловчи моддалар, эфир мойи, витамин С, К, каротин ва минерал тузларидан иборат.

Табобатда жағ-жағдан дамлама тайёрланиб ишлатилади. Дори сифатида жағ-жағни ер устки қисми ишлатилади. Жағ-жағ барги апрель-май ойларида териб олиниб, янги холида ёки салқин жойда қурутилган холида ҳам ишлатилади. Ўсимликдан дамлама холида ва янги ширасини олиб ишлатилади.

Дамлама тайёрлаш: 10 г ўсимлик баргини 200 мл қайноқ сувда 10-15 дақиқа дамланади, сузилади ва 2 кун давомида фойдаланиш мумкин. Шираси янги узилган баргини майдалаб эзиш йўли билан олинади.

Ибн Сино жағ-жағни дамламасини қон кетишини тўхтатувчи дори сифатида ишлатган. Эзилган, урилган яраларга янги узилган барглари майдалаб боғлашни тавсия қилган. Ошқозон яллиғланишида, сийдик йўллари шамоллашида дамламасни ичишга буюрган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида бурундан қон кетганда жағ-жағ шираси шимдирилган докали пилик бурунга қунига 2 махалдан қўйилади. Бир вақтнинг ўзида дамламадан қунига 3-5 махал 1 қошиқдан 10 кун давомида ичилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари жаррохлигида қон кетишини олдини олиш учун жағ-жағ дамламасидан қунига 1 қошиқдан 3-4 махал 5-7 кун давомида ичилади.

Қулоқ ва бурун жарохатида, чипқонларида кунига бир махал ўсимлик шираси шимдирилган докали боғлов қилинади. Бунда жарохатни битиши кучаяди ва чипқон етилиб, тез ёрилади.

Тайёрлангиз дамламасин уни териб олган хамон,
Равон қилар сийдикни, қон тўхтатар уни қуйган замон,
Ичилик-ки хам босилса, жағ-жағ берган тоза шира.

Хақим Барот

ЖИЙДА

ЛОХ УЗКОЛИСТЫЙ

ELAEAGNUS ANQUSTIFOLIA

Жийда кўп йиллик дарахт ҳисобланади. Кавказда, Қозоғистонда ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

Меваси таркибида: Қанд моддаси (40% ғ ундан 20% фруктоза, оқсил 10%), ошловчи ва бўёқ моддалар, калий ва фосфор тузлари, органик кислоталар бор. Баргида кўп миқдорда (350 мг%) витамин С бор.

Жийдани озиқ-овқат ва шифобахш дори сифатида меваси ишлатилади. Меваси пишганда, барги эса йил давомида узиб олиниб, салқин жойда қуритилади ва қуруқ жойда 2 йил давомида сақланади.

Жийдани янги мева ва мураббо холида истеъмол қилинади. Бундан ташқари қайнатма тайёрланиб хам ичилади. Бунинг учун 30 гр жийда меваси 200 мл сувга солиниб, 15-20 дақиқа қайнатилади, тиндирилиб сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади.

Жийда гулидан (1:10 нисбатда) 40° спиртда дахлама тайёрланиб, ишлатилади. Бунинг учун 10 гр жийда гули 100 мл 40° спиртда 2 кун сақланади, сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади. Жийда баргидан талқон қилиб тери яраларига сепилади.

Халқ табобатида: Жийда таркибидаги пшантин моддаси буриштирувчи, яллиғланишга қарши, ошқозон-ичакларни ҳаракатини пасайтирувчи хусусиятга эга бўлгани учун жийда меваси ошқозон-ичак яллиғланиш касалликларида истеъмол қилиш тавсия қилинади. Юқори нафас йўллари яллиғланишида жийда дамламаси балғам кўчирувчи дори сифатида фойдаланилади. Буйрак касаллигида сийдик хайдовчи ва меъда касаллигида гижжа хайдовчи дори сифатида қўлланилади. Жийда гулининг спиртдаги дамламасини юрак мушакларини фаолиятини кучайтирувчи дори сифатида ва юқори нафас йўллари яллиғланишида 2 ош қошиқдан 3-4 маҳал овқатдан сўнг ичиш тавсия қилинади. Бод касаллигида, радикулитда, подаграда жийда барглари майдаланиб, докага ўраб оғриган жойларга боғланади.

Ибн Сино жийдани ҳар қандай оқаётган нарсани тўхтатувчи, буриштирувчи ва ич қотирувчи дори сифатида қўллаган. Йўтални босувчи ва кусишни тўхтатувчи сифатида ичишни тавсия қилган. Сафродан бўлган ичак яллиғланишида жийдадан кенг фойдаланилган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида жийдани спиртдаги тиндирмаси билан кунига 6-8 маротаба 3-4 кун давомида томоқ чайқалади. Бир вақтнинг ўзида тиндирмадан 50-60 мл дан кунига 6-8 маротаба ичилади.

Қулоқ ва бурун чипқонларида янги жийда барги майдаланиб, чипқонга кунига 2 маҳалдан боғлов қилинади. Бунда чипқон тез етилиб ёрилади.

Деган эди ибн Сино, уни енг қуссангиз агар,

Камайтириб сафроингизни, дархол ичак оғригин босар.

Дамласангиз май билан, йўтал қувланар,

Қулоқ, бурун чипқонлари етилиб тез ёрилар.

Хақим Барот

ЖУМУРТСИМОН ЧАКАНДА

ОБЛЕПИХА КРУШИНОВИДНАЯ

HIRRORNAE RHAMNOIDES

Чаканда тиконли кўп йиллик бутасимон ўсимлик хисобланади. Чакандани кенг тарқалган жойлари Россиянинг Сибирь ўрмонлари, Кавказ, Қозоғистон ва Ўрта Осиё тоғ олди майдонларида кенг тарқалган.

Мевасининг таркиби: витаминлар С, Е, В₁ каротин, фолий кислоталар, ёғ, флавоноидлар, қанд моддаларидан иборат.

Данаги таркиби: аскорбин кислотаси (450 мг%), витамин Е (165 мг%), фолий кислотаси (0,8 мг%), витамин В₁ (0,04 мг%), В₂ (0,06 мг%), Р ва Е лардан иборат.

Ўсимликнинг меваси ва барги шифобахш дори сифатида ишлатилади. Чаканданинг меваси октябрь-ноябрь ойларида терилади.

Табобатда чаканда мевасини янги узилган холда истеъмол қилиш мумкин. Данагидан шифобахш мой олиниб ишлатилади. Янги узилган баргидан дамлама тайёрланади.

Дамлама тайёрлаш: 1 ош қошиқ майдаланган чаканда барги 200 мл қайноқ сувда 30-40 дақиқа дамлаб қўйилади, сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади.

Халқ табобатида чаканда меваси ва мойи тўқималарни тикланиш жараёнини яхшилаш хусусияти борлиги учун нур билан жароҳатланган жойларга суртилади. Ошқозон ва ичаклар яллиғланишида ичилади. Чаканда мойи турли касалликларда – бачадон ва бачадон бўйнининг яллиғланишида, тери касалликларида, куйганда, трофик яраларда, ошқозон ичак аъзолари яраларида, бавосилда кенг қўлланилади. Баргининг дамламаси эса подаграда, бод касалликларида 1 чой қошиқдан 3 махал ичилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида буруннинг ўткир ва сурункали яллиғланишида, асосан атрофик кўринишида чаканда мойи кунига 3-4 махал бурунга 3-5 томчидан томизилади ёки дока пиликка шимдирилиб, 2 махалдан бурунга тиқилади.

Халқум атрофик яллиғланишида кунига 5-6 махал томоққа суртилади.

Хиқилдоқнинг атрофик яллиғланишида чаканда мойи кунига 2-3 махал али хиқилдоққа қўйилади ва бир вақтнинг ўзида 1-2 махалдан 8-10 кун давомида мойли ингаляция қилинади.

Бурун ва бурун олди бўшлиқларини яллиғланишида чаканда мойи шимдирилган докали плик бурунга кунига 2 махалдан 1 соатга қўйилади. Ташқи эшитув йўли терисини яллиғланиши, тери қўтирида чаканда мойи докага шимдирилиб, кунига бир махал боғланади.

Суртсанг малхам бўлар, ўша кўп тошма ярага,

Фойда қилар яна қулоқдаги, тузалмас қуруқ қўтирга.

Ичсанг агарда берар ўзига хос таъм,

Тузатиб томоғу, сассиқ бурунликни хам.

Хақим Барот

ЖўКА

ЛИПА СЕРЦЕВИДНАЯ

TILIACORDATA MILL

Жўка кўп йиллик дарахт бўлиб асосан Россиянинг Европа қисмида, Украинада, Кавказда, Сибирда ва Ўзбекистонда ўсади.

Таркиби: эфир мойлари, сапонинлар, флавоноидлар, ошловчи моддалар, тилиацингликозиди, витамин С, каротин, шиллиқ ва ошловчи моддалардан иборат.

Жўканинг гули, барги шифобахш дори сифатида фойдаланилади. Жўкани гуллаган вақтида, гуллари, янги барги териб олиниб, 25-30° хароратда салқин жойда қуритилади, сўнгра қуруқ жойларда 2 йилгача сақлаш мумкин.

Табобатда жўка гули ва баргининг дамламаси ишлатилади. Қуритилган ўсимлик гулидан 3 қошиқ олиб, 200 мл қайнатилган сувга солиб, сирланган идишда 15 дақиқа сув хаммомида қайнатилади, тиндирилиб, сузилади. Тайёр бўлган дахлама 2 кун давомида ишлатишга яроқли бўлади.

Халқ табобатида жўка дамламаси яллиғланишга, микробларни ривожланишига қарши дори сифатида ишлатилади. Бундан ташқари юқори нафас йўллари яллиғланишида, иситма туширувчи, терлатувчи, асаб касаллигида асабларни тинчлантирувчи восита сифатида фойдаланилади. Куйган жойларга, узоқ битмаган яраларда, бавосилда, бод касаллигида жўка дамламаси докага шимдирилиб қўйилади.

Қулоқ, томоқ, ва бурун касалликларида бодомча безларининг ва халқум шиллик қаватларини ўткир яллиғланишида жўка дамламаси билан кунига 5-6 марта томоқ чайқалади, бир вақтнинг ўзида дамламадан 50-60 мл дан 5-6 маҳал овқатдан сўнг ичилади.

Хикилдоқнинг ўткир яллиғланишида дамлама билан кунига бир маҳалдан 8-10 кун давомида ингаляция қилинади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида дамламадан кунига 2 маҳал 2 томчидан томизилади. Қулоқ ва бурун жароҳатларида, ташқи отитда кунига 2 маҳал илиқ дамлама шимдирилган докали боғлов қилинади.

Териб олинг баргу-гулин, кийгос бўлиб гулласа,
Дамланг дархол, кўп-кўп ичинг нафас йўли шамолласа,
Қўйсангизчи дока-пилик, шу жўкани сувидан,
Қулоқ-бурун жароҳати, йўқолади ўз турган жойидан.

Хақим Барот

Заъфарон

Шафран

Crocus sativus L.

Кўп йиллик илдизмевали ўсимлик ҳисобланади. Ўсимлик ватани кичик осиё ва ўрта ер денгизи бўйи мамлакатлари ҳисобланади. Ўзбекистонда доривор ўсимлик сифатида махсус майдонларда ўстирилади.

Таркибида эфир мойлари, каротиноидлар, флавоноидлар, витамин В1, В, С, азот моддалари, шакар, калий, кальций, антоциан ва терпеноальдегиди

каби моддалар бор.

Шифобахш дори сифатида зафаронни гули тугунчаларини дамламаси ишлатилади

Тиббиёт амалиётида зафаронни гуллаш даврида гул тугунчалари йиғиб олиниб, қуритилиб антиспазмолитик, стимуллаштирувчи, оғрик қолдирувчи, сийдик хайдовчи, юрак хамда жигар хасталигини даволовчи восита сифатида қўлланилади, кўк йўтални даволашда, жинсий фаолиятни рағбатлантирувчи восита сифатида ишлатилади.

Ибн Сино зафаронни овқат хазм қилдирувчи, иштахани очувчи, узок касалликдан сўнг тикланиш жараёнини кўтариш мақсадида, дамламасини тавсия қилган. Нафас олиш йўллари яллиғланишида, бурак тош касалликларида, оғрик қолдирувчи, асабни тинчлантирувчи ва тутқаноқ касалликларида қўллаган. Хомиладор аёлларда муддатдан аввал тўғишни олдини олиш мақсадида зафарон тавсия этилмайди

Қулоқ, томоқ, ва бурун касалликларида ўсимликни гул тугуни дамламаси

ишлатилади. Бунинг учун бир литр қайнатилиб совутилган совуқ сувга 2-3 дона зафарон гул тугунидан солиниб 6-8 соатга қолдирилади, сўнгра ишлатишга яроқли бўлади. Асосан сурункали тонзиллит, синуситлар, хиқилдоқни фалажлигида кунига бир ош қошиқдан 3-4 маҳал ичилади.

Қулоқ, томоқ касалланса бўлса беомон

Даво бўлур хар доим дамлама зафарон

Табибий

ЗИРА

АЙОВАН СТОЛОВОЙ

CUMINUM CUMINUM

Зира бир йиллик ўсимлик бўлиб, Ўрта Осиёда кўп учрайди. Ўзбекистоннинг Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида кенг тарқалган.

Таркиби: Эфир мойлари (1,5-3%), оксил моддалари (10-15%), ёғлар (20%) ва минерал тузлардан иборат.

Зиранинг меваси шифобахш хусусиятга эга. Зирани пишганда июль-августда ўриб олиб қуритилади, янчилиб, элаб меваси ажратиб олинади, қуруқ ерда 2 йил сақланади.

Табобатда зира мевасини қуритиб истеъмол қилиш мумкин ёки чой холида дамлаб ичиш тавсия қилинади. Бунинг учун ярим чой қошиқ зира меваси ва бир чой қошиқ кўк ёки қора чой билан биргаликда 1 литрли чойнакка 10-15 дақиқага дамланади, сўнгра паст оловда 10 дақиқа қайнатилади. Чой холида овқатдан сўнг ичилади.

Халқ табобатида зира ошқозон ичак фаолиятини кучайтирувчи, ошқозон ширасини ажралишини яхшиловчи, кучли ўт ва сийдик хайдовчи дори сифатида ишлатилади. Зира жигарни тозалайди ҳамда ажратувчи фаолиятини оширади.

Ошқозонни сурункали яллиғланишида, ошқозон оғриқларида, ревматизмда, бўғимларда туз йиғилганда, сурункали гипо - ацидли гастритларда, йўғон ичакни сурункали яллиғланишида, ўт пуфаги яллиғланишида буйрак касалликларида зира дамламаси кунига 50-60 мл дан 3 маҳал ичилса яхши фойда беради.

Ибн Сино бурун қонаганда зирани сирка билан эзиб хидлатган ёки бурунга тикқан. Нафас қисишида зирани сиркага қўшиб ичирган. Сийдик ажралиши қийинлашганда ичакларда оғриқ бўлганда буйракда тошни хайдашда зирани чой холида ичишни тавсия қилган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида бодомча безлари ва халқумнинг ўткир яллиғланишида илиқ зира чойи билан томоқ кунига 3-4 махал чайқалади ва бир вақтда 1 қошиқдан 3-4 махал ичилади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида кунига 3-4 махал зира дамламаси билан бурун чайилади.

Хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида зира дамламаси билан кунига бир махалдан 6-8 кун давомида ингаляция қилинади. Шунинг билан бирга дамламадан илиқ холида бир қошиқдан 3-4 махал ичилади.

Йўқ бўлади шамоллаши, бизга керак томоқни,
Ундан кўп-кўп хам чайқабу, зира чойи ичилса,
Чайилса хам шамоллаши, кетар ўша бурунни,
Уни кучли эслатади ўзимизни катта зубтурумни.

Хақим Барот

ЗИРК

БАРБАРИС ОБЫКНОВЕННЫЙ

BERBERIS VULGARIS

Зирк кўп йиллик бутасимон ўсимлик хисобланиб, Кавказда, Россиянинг Европа қисмида, Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

Зиркнинг таркиби асосини берберин алкалоиди ташкил қилади. Бундан ташқари бўёқ моддалар, қанд, органик кислоталар, витамин С лардан иборат.

Зиркни дори сифатида гули, барги, меваси ва илдизи ишлатилади. Зиркни гули гуллаш вақтида, меваси август-сентябрда, барги май-сентябрь, илдизи эса сентябрь-ноябрь ойларида териб олиниб, салқин жойда қуритилиб, қуруқ жойда 2 йилгача сақлаш мумкин.

Табобатда зирк мевасини янгилигида истеъмол қилиш мумкин.

Зирк барги ёки гулидан 40° спиртда сурмаси тайёрлаб ишлатилади. Бунинг учун 20 г қуритилган барги ёки гули 100 мл 40° спиртда 2-4 хафта сақланади, сузилгач ишлатиш мумкин.

Зирк барги, гули ва илдизидан дамлама тайёрлаб қўлланилади. Бунинг учун 10 г майдаланган ўсимлик гули, барги ёки илдизидан олиниб, сирланган идишда 200 мл қайноқ сувга солиниб, усти беркитилади ва сув хаммомида 15 дақиқа қайнатилади, сўнгра совутиб сузилади ва 2 кун давомида ичишга яроқли бўлади.

Табобатда зирк ўт ва сийдик хайдовчи дори сифатида, жигар, ўт пуфаги, буйрак касалликларида, кон кетишни тухтатувчи восита сифатида кенг кулланилади. Иштаха очувчи хусусияти борлиги туфайли озик-овкат саноатида кўп ишлатилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида зирк дамламаси билан кунига 5-6 маротаба томоқ чайқалади ва бир вақтда спиртдаги сурмасидан кунига 3-4 махал 30-40 томчидан ичилади. Буруннинг ўткир яллиғланишида илиқ зирк дамламасидан 3-4 кун давомида 2 махалдан томизилади. Бурундан қон кетганда зирк дамламаси докага шимдирилиб, кунига 2 махалдан бурунга тиқилади ва бир вақтда 1 чой қошиқдан 3-4 махал ичилади.

Табобатда қўллаганлар, сийдик тўхтаб ўт юрмаса,

Дамлаб уни май билан, тез фурсатда ичилса.

Хориж бўлар касалликдан, халқумдаги бодомча без,

Агар оқса бурундан қон, тўхтаб қолар жуда тез.

Хақим Барот

ЗИҒИР

ЛЁН КУЛЬТУРНЫЙ

SEMEN LINI

Зиғир бир йиллик ўт ўсимлик. Зиғир ер шарида кенг тарқалган, Ўзбекистоннинг ҳамма суғориладиган ерларида ўстирилади.

Зиғир уруғи таркиби: ёғ (30-50%), шилимшиқ, (10-15%), линомарин гликозиди, окрил, углевод, ферментлар ва каротиндан иборат.

Доривор ўсимлик сифатида зиғирнинг уруғи ишлатилади. Зиғир уруғи июль-август ойларида териб олиниб, салқин жойларда қуритилади ва курук жойларда қоғоз Халталарда сақласа 2 йилгача ўз доривор хусусиятини йўқотмайди.

Зиғир уруғининг шиллиқ моддаси ажратиб олиб ишлатилади. Бунинг учун 3 г уруғ 50-60 мл қайноқ сувга солиб, 15-20 дақиқа аралаштирилади, шиллиқ моддаси сувда эриб, ажралиб чиқади.

Халқ табобатида зиғир уруғи ўраб олувчи, яллиғланишга қарши, ич сурувчи дори сифатида гастритда, ўт пуфаги, юқори нафас йўллари яллиғланишида, қабзиятда зиғир уруғи дамламасидан кунига 50-60 мл дан 1,5-2 ой давомида ичиш тавсия қилинади.

Теридаги урилган, эзилган яраларда толқон қилиб майдаланган зиғир уруғи докага ўраб, иссиқ сувга бир лахза солиб, сўнг боғлов холида қўйилади.

Ибн Сино зиғир уруғининг толқонини қулоқ яллиғланишида қаттиқ шишларга боғлашни тавсия қилган. Тиришиш касаллигида мум ва асалга аралаштирилган зиғир уруғи толқонини истеъмол қилишни буюрган. Тумов ва резанда касаллигида зиғир уруғини тутатиб хидлатган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида томоқ кунига 3-4 махал иссиқ зиғир уруғи дамламаси билан чайилади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида зиғир уруғи дамламаси кунига 4-6 махал 3-4 томчидан томизилади.

Бурун, кулоқ чипқонларида, жарохатларида майдаланиб, кукун қилинган зиғир уруғи докага ўраб, кунига бир маҳал боғланади. Ташқи кулоқни ўткир яллиғланишида зиғир уруғининг кукун илик сувга аралаштириб кунига 2 маҳалдан боғлов қилинади.

Сен зиғирни куйдириб, тутунига бурнингни тут,

У тумовни йўқотиб, дардни қилар тезда унут.

Мир Мухаммад Хусайин

ЗУБТУРУМ (БАРГИЗУБ)

ПОДОРОЖНИК БОЛЬШОЙ,

PLANTAGO MAJOR

Зубтурум кўп йиллик ўсимлик хисобланади. Ер юзини совуқ ўлкаларидан ташқари жойларда кенг тарқалган.

Таркиби: ошловчи моддалар, каротин, витамин С, сапонин, булькамарин гликозиди, гликоал-коласид, шиллик, моддалардан иборат.

Зубтурумни барги ва уруғи дори сифатида ишлатилади. Зубтурумни барги гуллаш вақтида териб олиниб, салқин жойларда қуритилади, уруғи эса пишганда териб олиниб, салқинда қуритилиб, куруқ жойларда 2 йил давомида сақланиши мумкин.

Табобатда зубтурумдан қайнатма, дамлама тайёрлаб ишлатилади. Қайнатма тайёрлаш: 10 г уруғи ювилиб, 200 мл қайноқ сувга қўшиб, 30 дақиқа қайнатилади, совутилиб сузилади ва 2 кун давомида ишлатишга яроқлидир. Зубтурум шираси янги узиб майдаланган баргини сиқиш йўли билан олинади.

Дамламаси: 1 ош қошиқ майдаланган барг 200 мл қайноқ сувда 15 дақиқа дамланади, сўнгра сузилади ва 2 кун давомида истеъмол қилишга яроқли бўлади. Янги узилган барглари тери яраларига компресс қилиш учун ҳам ишлатилади.

Зубтурумни вазелин мойида тайёрланган 10% малхам холида ҳам ишлатилади.

Халқ табобатида зубтурум балғам кўчирувчи дори сифатида юқори нафас йўллари яллиғланишида, зотилжамда ишлатилади. Ошқозон-ичак касалликларида кенг қўлланилади.

Микробларга қарши хусусияти бўлганлиги учун теридаги ҳар хил йирингли яраларни даволашда малхами ишлатилади. Хафқон ва атеросклерозда зубтурум ширасини ичиш яхши натижа беради.

Ибн Сино танадан қон кетганда, теридаги турли йирингли яраларда зубтурумнинг баргини кукунини сепишни тавсия қилган. Қулоқ оғригида, зубтурум ширасини томизган. Тиш оғригида илдиз дамламаси билан оғиз чайишни буюрган. Ошқозон-ичак яраларида, қон туфлаганда зубтурум уруғини ичирган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида қулоқ ва бурун чипқонларида зубтурум дамламаси билан чипқон ювилиб, янги узилган барги майдаланиб, кунига 2 маҳал боғланади. Бурундан қон кетганда дока пиликка зубтурум шираси шимдирилиб, кунига 2 маҳал бурунга қўйилади ва бир вақтнинг ўзида даммадан кунига 3-4 маҳалдан бир қошиқдан ичилади.

Бурун олди бўшлиқларини йирингли яллиғланишида зубтурум ширасидан 30 мл олиб, 50 мл қайнатиб, совутилган қайноқ сувда аралаштириб, кунига бир маҳал 10-12 кун давомида бурун орқали ингальяция қилинади.

Қулоқнинг йирингли яллиғланишида йиринг тозалангандан сўнг ўсимлик шираси кунига 2 маҳалдан докали пиликка шимдирилиб, қулоққа қўйилади.

Хиқилдоқни ўткир ва сурункали катарал яллиғланишида зубтурум ширасидан 20 томчиси 50 мл илиқ сувга аралаштирилиб, кунига бир маҳалдан 6-8 кун давомида ингальяция қилинади.

Ибн Сино деган эди, қўлланг албат зубтурумни,

Тез битади бурун-яра, сепса уни кукунни,

Сиқиб олиб ширасини, дархол қўйинг оғриган қулоққа,
Қайнатинг-да илдизини, чайинг оғиз-тишини шу чоқда.

Хақим Барот

ИСИРИҚ

ГАРМАЛА

PEGANUM HARMALA

Бир йиллик хушбўй ўт ўсимлик. Европанинг жанубий давлатларида, Кавказда ва Ўрта Осиё ўтлоқларида ёввойи холда ўсади.

Таркиби: гармин, гармол-пеганин алкалоидлари, бўёқ моддасидан иборат.

Ўсимликни дори сифатида ер устки қисми ишлатилади. Май-июнь ойларида ўриб олиниб, салқин жойларда илинган холида қуритилади. Қуруқ жойда, қоғоз Халтада сақланса, 2 йил ўз доривор хусусиятини йўқотмайди.

Халқ табобатида исирикдан қайнатма ва қуруқ поясини тутатиш йўли билан фойдаланилади.

Қайнатмаси: бир ош қошиқ қуритиб майдаланган исирик поясини сирланган идишга солиб, устига 200 мл сув қуйилади ва сув хаммомида 10 дақиқа қайнатилади, совутилиб сузилади ва 2 кун давомида ишлатишга яроқли бўлади.

Исирик тинчлантирувчи, ухлатувчи, оғриқ қолдирувчи ва терлатувчи хусусиятига эга. Исирик микробларни ривожланишини тўхтатиш хусусиятига эга. Шунинг учун турли микробларда тозаловчи сифатида тутуни билан хонадонларга ишлов берилади. Бўғимлар шамоллашида ва оғриқларида исирик қайнатмаси билан иссиқ хамом қилинади.

Ибн Сино - бўғим шамоллашида, оғриқларда янги узилган исирик поясини майдалаб, эзиб бўғимга боғлаган. Бод, безгак, тутқанок касалликларида дамламасини ичирган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: қулоқнинг ўткир йирингли касалликларида кунига икки маҳалдан қулоқ илиқ исирик дамламаси билан

ювилади.Бодомча безлари ва халқумни ўткир яллиғланишида кунига 4-6 махал томоқ исирик дамламаси билан чайилади.

Хиқилдоқни ўткир яллиғланишида кунига 1 махалдан 4-6 кун давомида дахлама билан ингалиция қилинади. Буруннинг аллергик ва ўткир яллиғланишида кунига 3-4 марта қайнатма билан бурун чайқалади.

Кишида агар боддан оғриси кулок,
Мендан бу дорини ёд олсин бу чоғ,
Исирик ўтини эзиб ўша он
Қулокқа томизу боғла иссиқ нон.

Шахобиндин Абдукарим ўгли

ИСМОЛОҚ

ШИПИНАТ ОГОРОДНЫЙ

SPINACIA TURCESTANICA

Исмолоқ бир йиллик ўт ўсимлик бўлиб, асосан Узоқ Шарқ, Кавказда ва Ўрта Осиё республикаларида ёввойи ўт сифатида ўсади.

Таркибида: Оксил, ёғ, минерал тузлар, темир моддаси ва А, С, В₁, В₆ витаминлар бор.

Шифобахш дори сифатида исмолоқнинг ер усти қисми фойдаланилади. Ўсимлик гуллаш вақтида териб олиниб, салқин жойларда илинган холда қуритилади. Қуруқ жойларда, қоғоз Халталарда сақланса, икки йил мобайнида ўз доривор хусусиятини йўқотмайди. Исмолоқни янги холича териб олиниб, дахлама тайёрлаб ишлатилади. Бунинг учун бир ош қошиқ майдаланган янги баргини 200 мл қайноқ сувга солиб, 30 дақиқа дахлаб қўйилади, сузилади ва 24 соат мобайнида ичишга яроқли бўлади.

Халқ табобатида исмолоқ сийдик хайдовчи, ични юритувчи, яллиғланишга қарши дори сифатида ишлатилади.

Ибн Сино – ошқозон ичак касалликларида, сийдик тутилганда дахламасини тавсия қилган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: бодомча безлари ва халқумнинг ўткир яллиғланишида иссиқ исмолоқ дамламаси билан томоқ кунига 3-4 маҳал чайилади. Халқум ва хикилдоқ атрофининг яллиғланишида ўсимлик шираси билан кунига бир маҳал 4-6 кун давомида ингаляция қилинади.

Хақимлар сўзига, айтай исмолоқ,
Қоринни дамламас ундан еган чоғ.
Халқум, ўпка йўли қуриса агар,
Ёғ билан ейилса, уни йўқотар.

Сайид Хасрат

ИТУЗУМ

ПАСЛЕН ЧЕРНЫЙ

SALANUM NIQRUM

Итузум бир йиллик ўсимлик хисобланиб, ер юзида кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида ёввойи ўт сифатида ўсади.

Таркибида: ошловчи модда, каротин, витамин С, сапонин, дулькамарин кислотаси, гликоалкаллоид сапонинлардан иборат. Дори сифатида итузумни гул, барги ва меваси ишлатилади.

Итузумни барги ва гуллаш вақтида, меваси эса пишганда териб олиниб, салқин жойда қуритилади. Қуруқ жойда 2 йил давомида сақлаш мумкин.

Дори сифатида: итузумни янги узилган, пишиб етилган мевасини истеъмол қилиш мумкин. Дамлама ва қайнатма тайёрлаб ишлатилади. Дамлама тайёрлаш: 2 чой қошиқ қуритилган баргини сирланган идишга солиб, 200 мл қайноқ сув қуйилиб, усти беркитилади ва 2 соатгача дамлаб қўйилади, сўнгра доқада сузилади ва 2 кун давомида истеъмол қилиш мумкин.

Қайнатмаси: 2 чой қошиқ майдаланган барги ёки гули сирланган идишга солиниб, устига 200 мл сув қуйилади ва сув хаммомида усти беркитилган холда 10 дақиқа қайнатилади, сузилади ва 10 кун давомида ишлатиш мумкин. Бундан ташқари янги узилган баргини майдалаб ишлатилади. Мевасининг шарбати 1:4 ёки 1:5 нисбатда қайнатиб совутилган сувга аралаштирган холда қўллаш мумкин.

Халқ табобатида: итузумни янги узилган меваси қон босимини пасайтирувчи, баргининг дамламаси тинчлантирувчи дори сифатида истеъмол қилинади. Атеросклероз касаллигида мевасини кунига 40-50 г истеъмол қилинади.

Гижжа хайдовчи сифатида барги ёки мевасининг дамламаси ичилади. Бош оғригада, тери яраларида янги узиб олинган баргини майдалаб боғланади.

Ибн Сино итузум дамламасини тил ва томоқ оғриғларида чайқаш учун ишлатган. Майдалаб янчилган барги бош оғриганида, бошга боғлаган, ширасини эса кулоқ оғриғида томизишни тавсия қилган. Ширасини кўз кувватини оширишда ишлатган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: халқумнинг ўткир яллиғланишида томоқ кунига 3-4 махалдан 4-6 кун давомида илиқ итузум дамламаси билан чайқалади.

Бодомча безларининг ўткир яллиғланишида итузум меваси шарбатини 1:4 нисбатда илиқ сувга аралаштириб, кунига 4-6 махал томоқ чайқалади. Буруннинг ўткир яллиғланишида итузум қайнатмаси билан кунига 3-4 махал бурун ювилади. Қулоқ ва бурун чипқонларида жарохатларида майдалаб эзилган итузум барги кунига 2 махал бойланади.

Ўрта кулоқнинг ўткир яллиғланишида ташқи эшитув йўли йирингдан тозаланиб, шираси шимдирилган докали пилик кунига 2 махал қўйилади.

Халқумнинг бўғмаси (дифтерия) касаллигида кунига 4-6 махал илиқ дамлама билан томоқ чайилади. Хиқилдоқ бўғмасида (дифтерияда) итузум шираси билан кунига 2-3 махал ингаляция қилинади.

Билган одам ишлатса, даво булар бурунга,
Ғар-ғара қилинса томоққа, берар фойда чин бўғмага.
Барг ширасин қўйсангиз, пасаяр қулоқдаги шиш ва оғриқ,
Қўйсанг мева ширасин, йўқолар бурундаги яра ва қуруқлик.

Хаким Барот

Каврак,

Ферула вонючая

Ferula assafoetida

Кўп йиллик ёввойи ўсимлик ҳисобланади, асосан ўрта осие давлатларини чўл ҳудудларида ўсади.

Қадимги тиббиётда сассиқ коврак елими «хилхит», анор суви билан бирга мускулларнинг жароҳатларини, қаттиқ оғриқларни даволашда ишлатилган. Агар ««хилхитни» сувда эритиб ичилса томоқнинг оғриғида, қуруқ йўталда, тилчанинг шишларида даво бўлади. Агар уни ичилса жинсий кучни оширади, сийдикни ва хайзни хайдайдди, эскирган совуқ ич кетишини даволайди.

Халқ тиббиётида сассиқ ковракнинг илдизини, урғларини ва поясини спиртли ва сувли дамлама сифатида ишлатилади. Ўсимлик дамламаси ич кетишда, кандли диабетда, бод касаллигида, сурункали зотилжамда, нафас қисишда, яллиғланишга қарши восита сифатида, тутқаноққа қарши, ўт хайдовчи восита сифатида, ўпка силлини, жигар, буйрак касалликларида ишлатилади. Бундан ташқари сассиқ ковракни ўсма касалликларини даволашда ишлатилади.

Ибн Сино сассиқ ковракнинг яллиғланишга қарши, оғриқ қолдирувчи восита сифатида, еллик касалигида, эркакларда жинсий заифликда ва танадаги турли хил ўсмаларда тавсия қилган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида. Бурунни, бодомча безларини ва хиқилдоқни ўткир яллиғланишида ўсимликни илдиз дамламаси ёки уруғини

спиртдаги тиндирмасида кунига 3 махал бир чой қошиқдан ичиш тавсия қилинади.

Айтилади номин сени сасиқ каврак
Кўрсатган шифо таъсирингдан шод юрак

Табибий

КАНАДА СОЛИДАГОСИ
ЗОЛОТАРНИК КАНАДСКИЙ
BRASLIGA OLERACCA SOLIDAGO CANADENSIS

Канада солидагоси кўп йиллик ўсимлик хисобланади. Учрайдиган жойлари Россия ўрмонлари, Кавказда, Қозоғистонда ва Ўрта Осиё тоғларида.

Таркибида: сапонин, флавоноидлар, алколлоид, ошловчи, бўёқ моддалар ва эфир мойлари бор.

Шифобахш дори сифатида ўсимликнинг пояси ва барги ишлатилади. Ўсимликнинг куртаги, янги чиққан барги новдаси билан кесиб олиниб, салқин жойда илинган холда қуритилади ва қуруқ жойда 2-3 йил сақланади.

Табобатда канада солидагоси дамлама ва қуритилган барги майдаланиб кукун холида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш: 2 ош қошиқ қуритиб, майдаланган ўсимлик барги ва пояси 400 мл қайнатиб, совутилган сувда 4-6 соат дамланади. Сўнгра сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади. Дамламани 4 кун давомида ишлатиш мумкин.

Халқ табобатида ўсимлик дамламаси сийдик хайдовчи ва ич кетишини тўхтатувчи дори сифатида, бод касаллигида, подаграда, сийдик пуфаги яллиғланганда, буйракни сурункали яллиғланишида, буйрак тош касалликларида кунига 3-4 махал 50-60 мл миқдорда овқатдан олдин ичилади.

Теридаги турли йирингли яраларда ўсимлик баргини қуритиб, кукун холида кунига 2 махал сепилади ёки дамламаси докага шимдирилиб босилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида дамлама билан кунига 5-6 мартаба томоқ чайқалади. Бурун ва қулоқ чипқонларида ўсимликнинг янги узилган барги майдаланиб, кунига 2 махалдан боғлов қўйилади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида дамламадан кунига 2 махалдан 4-6 кун давомида 2 томчидан томизилади.

Териб олинг ишлатинглар солидогони баргини,

Олади ўшанда у хар бир касал дардини.

Чайқасангиз томоқни хам, касалликлар камаяди,

Қулоқ, бурун чайқалади, тозаланиб зўр бўлур.

Хақим Барот

КАРАМ

КАПУСТА ОГОРОДНАЯ

BRASSICA OLERACCA

Ер шарида кенг таркалган 2 йиллик полиз экини.

Карам таркиби: Қанд модаси (5,7%), оқсиллар (2,5%), калий ва фосфор тузлари, витаминлар U, C, B₁, P, K, каротин, пантотен кислотаси, лизоцим, фитонцидлардан иборат.

Карамнинг доривор хусусияти унинг баргида. Табобатда карамнинг янги баргини соф холда истеъмол қилиш мумкин. Карам баргини шарбат холида ичиш мумкин. Карам баргини янчиб, малхам қилиб, яраларга боғлаш мумкин. Энг яхши дори сифатида хар доим карамни янги шарбатидан фойдаланиш тавсия қилинади.

Халқ табобатида: карам таркибидаги витамин U тиамин ва модда алмашинувини яхшилайти холин бор, шунинг учун ошқозон яраларини тез

битишига олиб келади. Бундан ташқари витамин U ошқозон-ичаклар фаолиятини яхшилайдди. Карам ёғ алмашинувига ҳам таъсир қилади, шунинг учун тож артерияларини атеросклерозида яхши фойда қилади.

Карам таркибида фитонцидлар борлиги туфайли микробларнинг ўсиши ва ривожланишига қарши таъсир қилади, шунинг хисобга олиб эзилган карам баргини тери яраларига ва чипқонларга боғлаш тавсия қилинади. Ўт пуфаги яллиғланишида карамнинг янги шарбатини 50-60 мл дан кунига 2 маҳал ичиш касалликни тез тuzатишга олиб келади.

Ибн Сино карамнинг шарбати кунжут ёғи билан қўшиб томоқ яллиғланишида чайишни тавсия қилган. Хом карам овозни тиниқлаштиришда истеъмол қилишни буюрган. Карам барги қайнатмаси, уруғи бош қасмоғида, шираси эса бурунни турли ажралмаларда тозалашда ишлатилган.

Янги узилган карам баргини сиркага қўшиб оғиздаги яллиғланишга қўллаган. Карамни сийдик ва хайз қонини юргизишда, шираси шароб билан аралаштириб газандалар чаққанда, қутурган иш тишлаганда даво қилган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида карам шарбати билан томоқни кунига 3-4 маҳал чайқалади. Хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида карам шарбати билан кунига бир маҳал 7-10 кун давомида инголяция қилинади. Бир вақтнинг ўзида карам шарбатидан 50-60 мл дан кунига 3-4 маҳалдан илиқ холда ичилади. Қулоқ ва бурун жарохатларида, чипқонларида янги узилган барги майдаланиб, эзилиб кунига 2 маҳалдан боғланади. Қулоқ, томоқ ва бурун аъзоларидаги турли яраларга карам шираси билан кунига бир маҳалдан докали боғлов қилинади.

Қирғин қилар касалликни, ундаги бор фазилат,

Холи қилиб касалликдан, сизга берар янги дид.

Жарохат ва чипқонлар учрасаки, бурун каби қулоқда,

Шарбати бор дока қўйилса, тuzалади шу чоғда.

Хақим Барот

КЕЛИН ТИЛИ
ГОРЕЦ ПОЧЕУЙНЫЙ
POLYQONUM PERSICARIA

Келин тили бир йиллик ўсимлик ҳисобланади. Узоқ Шарқда, Сибирда, Кавказда ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

Таркиби: флавоноидлар, ошловчи моддалар, пектин, шилимшиқ, органик кислоталар, витаминлар С, К, қанд ва бошқа моддалардан иборат.

Ўсимликнинг пояси шифобахш дори сифатида ишлатилади. Келин тилининг пояси куртак ҳосил бўлиш ва гуллаш вақтида /июль-август/ юқори қисми ўриб олинади, очик жойда, салқинда қуритилиб, қурук жойда сақланса, 2 йилгача ўз шифобахш хусусиятини йўқотмайди.

Табобатда келин тили ўсимлигидан қайнатма холида ва янги узилган поясидан шираси олиниб ишлатилади.

Қайнатма тайёрлаш: 300 мл совуқ сувга қуритиб, майдаланган келин тили поясидан бир чой қошиқ солинади ва 30 дақиқа қайнатилади, сўнгра тиндирилиб, сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади. Қайнатмани 5-7 кун давомида ишлатса бўлади. Ўсимлик шираси эса янги узилган поясини майдаланиб, сиқиш йўли билан олинади.

Халқ табобатида келин тили сийдик хайдовчи ва ични юритувчи дори сифатида ишлатилади. Қайнатмаси билан теридаги хар-хил йирингли яралар ювилади. Кучли қон тўхтатувчи хусусияти борлиги учун бачадондан ва ички аъзолардан қон кетганда қайнатмадан қунига 3-4 маҳал 1 ош қошиқдан ичилади.

Ибн Сино янги узилган келин тили уруғини янчиб, юздаги доғларни кетказиш учун суртган, шишни қайтаришда янчиб боғлаган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: бурундан қон кетганда келин тили шираси докага шимдирилиб, бурунга қунига 2-3 марта тикилади ва бир вақтнинг ўзида дамламадан 1 чой қошиқдан қунига 3-4 маҳал ичилади.

Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида кунига 4-6 махал илиқ дамлама билан томоқ чайқалади. Хиқилдоқни ўткир яллиғланишида кунига 1 мартадан 8-10 кун мобайнида келин тили шираси билан ингаляция қилинади.

Қулоқ ва бурун жарохатларида кунига 2 махалдан шираси шимдирилган докали боғлов қилинади.

Ширасини босинг дархол, бурундан қон оқса агар,

Чайилса ҳам томоқларни, бодомча без тузалар.

Ўткир кечса касаллиги, овоз берган томоқни,

Тузатади яқин кунда, жарохатли қулоқни.

Хақим Барот

КУНЖУТ

КУНЖУТ ИНДИЙСКИЙ

SESAMUM INDICUM

Кунжут бир йиллик ўсимлик бўлиб, ер юзининг иссиқ иқлимларида ўсади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида истеъмол учун ўстирилади.

Таркиби: уруғининг таркибида кўп миқдорда мой, витамин Е, томил, сезамол, алкалоидлар тутати.

Дори сифатида кунжутнинг уруғи ишлатилади. Кунжутнинг меваси август-сентябрда пишиб етилади. Унинг пояси ўриб олиниб, янчилиб уруғи ажратилади. Салқин ва қуруқ жойда 2 йилгача сақлаш мумкин.

Халқ табобатида кунжут мойи қон касалликларида, қон кетганда, атеросклероз касаллигида қўлланилади. Бундан ташқари кунжут уруғидан мой олиниб, малхамлар тайёрлашда асос сифатида ишлатилади.

Ибн Сино кунжут уруғи ва мойини нафас қисганда истеъмол қилиш ва соч тўқилганда суртишни тавсия қилган. Урилиб, эзилган жойларга кунжут мойини суртган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: бурундан қон кетганда кунига 2 маҳал доқа пиликка кунжут мойи шимдирилиб, бурунга тикилади ва бир вақтда кунига 3 маҳал 1 чой қошиқдан ичилади.

Буруннинг атрофик яллиғланишида кунжут мойи 3-4 томчидан кунига 2 маҳал томизилади ва бир вақтнинг ўзида шу мой билан бурун орқали ингаляция қилинади. Хиқилдоқни атрофик яллиғланишида кунига 2 маҳал 7-9 кун давомида кунжут мойи шприц орқали қуйилади ва бир вақтда 8-10 кун давомида кунига бир маҳал шу мой билан инголяция қилинади.

Асосидир малхамларга ундан олинган мой,
Килсангизчи истеъмол, бўласиз ажойиб бир той.
Фойда қилар у хар доим қуриб бурун қийнаса,
Томизинг хам суртинг уни, яна бўлса уни яраси.

Хақим Барот

ЛИМОН

ЛИМОН ОБЫКНОВЕННЫЙ

CITRUS LIMON

Лимон кўп йиллик бутасимон ўсимлик бўлиб, ер шарининг субтропик иқлимли минтақаларида кенг тарқалган. Ўзбекистонда хам иссиқ хоналарда кўп ўстирилади.

Таркиби: эфир мойлари, лимон ва олма кислотаси, пектин, мис ва калий тузлари, фитонцидлар, витаминлар С, В ва каротиндан иборат.

Лимоннинг меваси шифобахш дори сифатида ишлатилади. Лимоннинг меваси пишганда сентябрь-октябрь ойларида узиб олиб, қурук жойларда сақланади. Табобатда дори сифатида лимонни сиқиб олинган шираси, лимон мевасининг мураббоси ва мевасини қуритилган холда хам ишлатилади.

Халқ табобатида лимонни хафакон касаллигида, сариқ касаллигида, буйрак ва ўт пуфаги тош касаллигида, бавосилда, ошқозон яллиғланишида, бод касаллигида, подаграда ва радикулитда қўлланилади. Бу касалликларда 1 чой қошиқ лимон шираси 100 г чойга қўшиб кунига 3-4 маҳал ичилади. Терининг замбруғли касалликларида эса терига лимон шираси суркалади.

Ибн Сино юз сепкилларида лимон ширасини суртишни тавсия қилган. Лимон уруғи ва пўстлоғи оёқ фалажлигида ва асабни мустахкамлашда ишлатган.

Хафакон касаллигида ширасидан ичиришни тавсия қилган. Лимон мураббосини халқум яллиғланишида қўллаган. Сиқиб олинган шираси меъда яллиғланишида, сариқ касаллигида, ўт сургувчи дори сифатида ичирган. Қобиғининг қайнатмасини эса қушишни тўхтатиш мақсадида ишлатган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида сиқиб олинган лимон ширасини тенг миқдорда қайнатиб, совутилган сувга аралаштирилиб, кунига 5-6 маҳал 5-7 кун давомида томоқ чайқалади. Буруннинг ўткир яллиғланишида суюлтирилган шираси кунига 2-3 маҳал 3-5 кун давомида бурунга 5-6 томчидан томизилади. Қулоқнинг замбуруғли йирингли яллиғланишида лимон шираси дока пиликка шимдирилиб, кунига 2 маҳалдан қулоққа қўйилади.

Тенг қўшилса лимон шарбат, қайнатилган сувга хам,

Яллиғланган бурун, томоқ ичса уни бўлар тамом.

Узиб янги бир лимонни, суви сиқиб олинса,

Йўқ бўлади замбуруғи, қулоққа дока пилик қўйилса.

Хаким Барот

МАЙМУНЖОН (ПАРМАНЧАК)

ЕЖЕВИКА СИЗАЯ

RUBUS CAESIUS

Маймунжон кўп йиллик ўсимлик. Россия ўрмонларида, Кавказда, Ўзбекистонда эса ариқ ва сой бўйларида кенг тарқалган.

Таркибида: қанд (10%), лимон ва олма кислотаси, ошловчи модда, пектин, каротин, витамин В, ва С, калий (200 мг%), мис ва марганец тузлари бор.

Маймунжоннинг шифобахш дори сифатида барги, илдизи ва меваси ишлатилади. Маймунжонни меваси пишганда териб олиниб, салқин жойда қуритилади ва қуруқ жойда сақланади, бунда 2 йилгача шифобахш хусусиятини йўқотмайди.

Дори сифатида маймунжоннинг янги узилган меваси истеъмол қилинади. Қуритилган меваси илдизи ва янги узилган баргидан чой холида дамлама қилиб ичилади. Қуритилган барги майдаланиб, кукун холида яраларга сепилади.

Дамлама тайёрлаш: Бир чой қошиқ қуритиб майдаланган ўсимлик баргидан, илдизидан ёки мевасидан олиниб, 200 мл қайноқ сувга солиб 3-4 соат дамланади, сўнг сузилади ва ишлатишга яроқли бўлади.

Халқ табобатида маймунжон яллиғланишга қарши, балғам кўчирувчи, терлатувчи, ич юритувчи, сийдик хайдовчи, тинчлантирувчи дори сифатида ишлатилади. Қабзиятда, неврозда, юқори нафас йўллари яллиғланишида, ошқозон-ичак аъзоларидан қон кетганда маймунжон дамламаси 50-60 мл дан кунига 3-4 маҳал ичилади.

Теридаги турли йирингли касалликларда эса баргидан тайёрланган кукуни кунига бир маҳалдан сепилади.

Ибн Сино маймунжон илдизини буйрак тошларини майдалашда ишлатган, учуқ тошганда баргини қўйиб боғлаган, тери ва бошдаги йирингли яраларни дамлама билан ювиб даволаган. Оғиз яраларида баргини чайнашни

тавсия қилган. Ичак ва ошқозон яраларида мевасини истеъмол қилишни маслахат берган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида кунига 3-4 махал 7-10 кун давомида дамлама билан томоқ чайқалади. Буруннинг сурункали яллиғланишида 2-4 томчидан кунига 2 махал 4-5 кун давомида бурун ичига дамламадан томизилади. Бурун ёки қулоқ чипқонларида маймунжон баргининг кукуни чипқон ёрилгандан сўнг кунига 2 махал сепилиб, боғлам қўйилади.

Хикилдоқнинг ўткир яллиғланишида маймунжон мураббосидан кунига 4-6 махал иссиқ чойга аралаштириб 4-5 кун давомида ичилади.

Дамлаб бергин, чайинг томоқ, бўлса сизда ангина,

Мураббосин ичинг дархол, овозингиз чиқса салгина.

Томчилатиб қўйинг уни, сизда бўлса эски тумов,

Ёрилади бурун яра, қулоқдаги чипқон бўлар алғов-далғов.

Хақим Барот

МАКЛЕЯ

МАКЛЕЯ МЕЛКОПЛОДНАЯ

MAKLEAYA MICROCARPA

Маклея кўп йиллик бутасимон ўсимлик ҳисобланади. Қаказда, ўрта Осиё мамлакатларида кенг тарқалган.

Таркиби: алкалоидлар, сангвинарин, хелетритрин, протопин ва аллокриптонинлардан иборат.

Шифобахш дори сифатида ўсимликнинг барги ишлатилади. Маклеянинг барглари йил давомида узилиб, салқин жойда қуритилади ва қуруқ жойда сақланса 2 йилгача ўз кучини йўқотмайди.

Табобатда маклеядан саноатда ишлаб чиқарилган тугмача дори, 0,2% ли спиртдаги ва 0,1% сувдаги эритмалари холида ҳамда 1% ёғли малхами ишлатилади.

Халқ табобатида маклея мушак ва асаб толаларининг дистрофиясида, фалажликда, йирингли узоқ битмайдиган яраларда, оғиз бўшлиги яраларида, терининг йирингли яраларида кенг қўлланилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: қулоқнинг яллиғланишида йирингдан тозалангандан сўнг, сангвиритринни 0,2% спиртли эритмаси дока пиликка шимдирилиб, кунига 2 махалдан 10-15 кун қўйилади.

Бурун ва қулоқ чипқонларида сангвиритринни 1% малхами билан кунига бир махал докали боғлов қилинади. Бурун олди бўшлиқларини йирингли яллиғланишида, бўшлиқлар йирингдан тозалангач махсус найча орқали 4-6 мл дан хар куни 0,1% ли сангвиритринни эритмаси 8-10 кун давомида қўйилади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида 0,1% эритмасидан кунига икки махал 2 томчидан томизилади. Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида 0,1% сувли эритмаси 1:1 нисбатда қайнаб совутилган сув билан аралаштирилиб, кунига 4-6 махал томоқ чайилади.

Фойдаси кўп, қулоқдан агар оқса йиринг,

Даф қилинади чипқон ҳам, лекин бир оз кутиб.

Йирингни ювинг аввал, қуйинг кейин эритмасин,

Ғар-ғар қилинг, чайинг томоқ, лекин узоқ кетмасин.

Ҳаким Барот

МАРЖОН ДАРАХТ
БУЗИНА ЧЕРНАЯ
SAMBUCUS NIQRA

Маржон дарахт кўп йиллик ўсимлик хисобланади, асосан Россияда, Украинада, Кавказда, Ўзбекистоннинг кўпчилиги вилоятларида учрайди.

Таркибида: гликозидлар (самбунигрин, самбуцин), рутин, холин, эфир мойлари, аскорбин, сирка, олма кислоталари, ошловчи ва шиллик ва бошқа моддалардан иборат.

Шифобахш дори сифатида маржон дарахтининг гули ва меваси ишлатилади. Маржон дарахт қийғос гуллаганда гули териб олинади, меваси эса август-сентябрь ойларида йиғиб олинади. Салқин жойда қуритилади ва курук жойда сақланса 2-3 йил ўз хусусиятини йўқотмайди.

Дори сифатида маржон дарахтнинг гули ва мевасидан дамлама тайёрланиб ишлатилади. Бунинг учун 1 чой қошиқ қуритилган гули ёки меваси 200 мл қайноқ сувда 20-30 дақиқа дамланади, сўнгра сузилади ва 4 кун давомида ишлатишга яроқли бўлади. Бундан ташқари маржон дарахт мевасидан кисел ва мураббо тайёрланиб ишлатилади.

Табобатда ўсимлик гули ва меваси терлатувчи, сийдик хайдовчи, бужмайтирувчи ва микробларни ривожланишини тўхтатувчи дори сифатида ишлатилади. Ўсимлик дамламаси буйрак касалликларида юқори нафас йўллари яллиғланишида 50-60 мл дан кунига 3-4 махал ичилади.

Бўғимлар бод касаллигида маржон дарахт гулининг дамламаси билан бўғланади. Қабзиятда маржон дарахт меваси кисел холида ичиш тавсия қилинади. Тери чипқони ва яраларида ўсимлик барги сутда қайнатилиб боғланади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: қулоқ ва бурун чипқонларида ўсимлик дамламаси докали пиликка шимдирилиб кунига 3-4 махалдан боғланади. Халқум, хиқилдоқ ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида дамлама билан кунига 3-4 махал томоқ 6-8 кун чайилади. Бир

вақтда дамлама билан кунига бир маротаба 6-8 кун давомида ингаляция қилинади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида дамламасидан кунига 2 маҳал 3-4 томчидан томизилади.

Дори бўлар ичилганда мевасию яна гулин,
Кўп терлатиб бужмайтирар, қирон қилиб,
Шимдирилиб дока пилик, қулоғига қўйсангиз,
Барбод бўлар шамолланиш, бурнига хам сепсангиз.

Хақим Барот

МАРМАРАК

ШАЛФЕИ

SALVIA OFFICINALIS

Мармарак кўп йиллик бутасимон ўсимлик. Қримда, Украинада, Молдовада, Ўрта Осиёнинг тоғли вилоятларида учрайди.

Таркибида: эфир мойлари, флавоноидлар, ошловчи модда, урсол, олеанол кислоталар ва бошқалар бор.

Шифобахш дори сифатида мармаракнинг барги ишлатилади. Мармарак барги шоналаш вақтида узилади ва салқин жойда қуритилади ва қуруқ жойда сақланса 2 йилгача доривор хусусиятини йўқотмайди.

Дори сифатида: Спиртдаги тиндирмаси ишлатилади: мармаракни 10 г майдаланган барги 70°-100 мл спиртда 3-5 кун сақланади, сўнгра сузилади ва ишлатишга тайёр булади.

Қайнатмаси: 10 г майдаланган барги сирланган идишга солиб, 200 мл қайноқ сув қуйиб 15 дақиқа қайнатилади, совутилиб, сўнгра сузилади ва қайнатма 2 кун давомида ичишга яроқли бўлади.

Халқ табобатида мармарак ўраб олувчи, яллиғланишга қарши дори сифатида ишлатилади, узоқ битмаган яраларни битказишда, ўт ва сийдик

пуфаклари ҳамда ошқозон-ичаклар яллиғланишида дамламадан 1 чой қошиқдан 3-4 махал ичилади. Жарохатланган жойга янги узилган баргини майдалаб боғланади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: бодомча безлари ва халқумнинг ўткир яллиғланишида илиқ мармарак дамламаси билан кунига 3-4 махалдан томоқ чайилади, бир вақтни ўзида 1 чой қошиқдан 3 махал ичилади.

Хикилдоқнинг ўткир яллиғланишида дамлама билан кунига 2 махалдан 6-8 кун давомида ингаляция қилинади ва бир вақтда бир чой қошиқдан 3-4 махал ичилади. Қулоқни йирингли яллиғланишида йирингдан тозалангандан сўнг мармаракнинг спиртдаги тидирмасидан докага шимдирилиб, кунига 2 махалдан қулоққа тикилади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида илиқ мармарак дамламаси кунига 3-4 махалдан томизилади.

Сурункали тонзиллитда илиқ мармарак дамламаси билан махсус шприц ёрдамида бодомча безлари кунига бир махал 6-8 кун давомида ювилади.

Мармаракни ичганлар қадимги хитойда,
Бўларкан деб, меддаю, қувватга фойда.
Агарда чойини ичилса шу чоқ,
Хайдайди сийдикни, қолдириб чанқоқ.
Қўшилса қайнаган қайин пўстига, агар
Уни кучи томоғи, қулоққа етар.

Хақим Барот

МИНГДЕВОНА

БЕЛЕНА ЧЕРНАЯ

HUOSCYAMUS NIGER

Минг девона республикамизнинг ҳамма вилоятларида арик бўйларида, экинзорларда ўсадиган икки йиллик ёввойи ўсимлик.

Таркибида алкалоидлар, гиосциамин, атропин ва скополаминлар бор.

Шифобахш дори сифатида барги ва уруғи ишлатилади. Барги май-июнь ойларида, уруғи эса пишиб етилганда – август-сентябрь ойларида териблинади. Салқин жойларда қуритилса, уруғи доривор хусусиятини 3 йилгача сақлаши мумкин. Баргидан имконият даражасида янги ҳолда терибли фойдаланиш зарур.

Табобатда янги узилган баргини майдалаб эзиб, ширасини олиб ишлатилади, уруғининг мойини олиб хлороформ билан тенг миқдорда аралаштириб, суртма малҳам ҳолида ишлатилади.

Халқ табобатида мингдевона оғриқ қолдирувчи, яллиғланишга қарши дори сифатида, асаб толалари шамоллашида, теридаги турли яраларда суртма дори сифатида ишлатилади.

Ибн Сино - ўсимлик барги ширасини оғриқ қолдирувчи, қон тўхтатувчи, ухлатувчи дори сифатида буюрган. Тиш ва қулоқ касалликларида барг ширасини қўллаган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: қулоқ ва бурун чипқонларида барг шираси докага шимдирилиб, қунига 2 маҳал бойланади.

Ўрта қулоқнинг йирингли яллиғланишида қулоқ ювилиб, йирингдан тозалангандан сўнг докали пиликка барг шираси шимдирилиб, қунига 2 маҳал қўйилади.

Ичсангиз сиз уни аччиқ сувини,

Даф қилар қийнаган қўк йўтални.

Солсангиз сиз уни сувли асалга,

Фойдадир оғриган қулоқ касалга.

Ҳаким Барот

МОЙЧЕЧАК

РОМАШКА АПТЕЧНАЯ

MATRICARIA CHOMOMILLA

Мойчечак бир йиллик ўсимлик ҳисобланади. Россиянинг Европа қисмида, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

Мойчечак таркиби: эфир мойлари (0,8%), (хамазулен), алкалоидлардан алинин, алигенин, матрицин, лактон, органик кислоталар, смола, каротинлардан иборат.

Шифобахш дори сифатида гули ва гул косачаси ишлатилади. Мойчечак гуллаши вақтида гул қопчаси билан териб олинади. Мўътадил ҳароратда, салқин жойларда қуритилиб, қуруқ жойда икки йилгача сақлаш ва ишлатиш мумкин.

Мойчечакдан қайнатма ва дамлама тайёрлаб ишлатилади. Дамлама тайёрлаш: 200 мл қайнаган сувга 1 чой қошиқ қуриган мойчечак гул ҳалтасидан солиб 20-25 дақиқа дамланади. Мойчечак қайнатмаси: 4 ош қошиқ гул ҳалтаси 1,5 литр сувда 5 дақиқа қайнатилади, тиндириб сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади. Қайнатмани 4 кун давомида ишлатиш мумкин.

Мойчечак кукуни: қуритилиб майдаланган гул ҳалтаси кукуни 0,2 г дан кунига 3-4 маҳал тинчлантирувчи дори сифатида ичилади.

Мойчечак кукуни, қайноқ сувга аралаштириб, атала холида бод касаллигида бўғимларга суртилади.

Халқ табобатида мойчечак яллиғланишга қарши, оғриксизлантирувчи, тинчлантирувчи, микробларнинг ўсиши ва ривожланишига қарши туқималарнинг қайта тикланиш жараёнини кучайтирувчи дори сифатида ишлатилади. Бундан ташқари, мойчечак айрим аллергия касалликларда яхши фойда беради.

Мойчечак дамламаси ошқозон-ичак йўллари яллиғланиши, спазмларда, жигар ва ўт пуфаги яллиғланишида 2-4 ош қошиқдан 3-4 маҳал ичилади. Мигренда мойчечак кукун холида 0,2 г дан кунига 3-4 маҳал

овқатдан сўнг ичилади. Экземада, тери яраларида, рентген нурлари билан куйганда, кўз яллиғланганида дамлама билан ювилади ёки докага шимдирилиб боғланади. Жароҳатларда, бўғимдаги бод касаллигида, подаграда, мойчечак аталаси суртилиб боғланади. Соч тўкилишини олдини олишда бош мойчечак қайнатмаси билан бир хафтада бир марта ювилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида томоқни кунига 4-6 маҳал дамлама билан чайқалади ва бир вақтни ўзида бир ош қошиқдан кунига 3-4 маҳал ичилади.

Хикилдоқнинг ўткир яллиғланишида дамлама билан кунига бир маҳалдан 6-8 кун давомида ингаляция қилинади ва бир чой қошиқдан 3-4 маҳал ичилади.

Бурунни ўткир ва сурункали катарал яллиғланишида кунига 2-3 маҳалдан 5-7 кун давомида бурун дамлама билан ювилади.

Сурункали тонзиллитда бодомча безлари кунига бир маҳал 8-10 кун давомида ювилади. Ўрта кулоқни ўткир йирингли яллиғланишида кулоқ кунига бир маҳал дамлама билан ювилади.

Мойчечагу-мойчечак, ўхшаб доим келинчак,
Тўйиб ичилса чойин, одам доим терлажак,
Тинчлантириб асабни, тузатар касал жойини.
Боғланилса тиш атрофи ва лунжиги,
Дамламаси фойда йиринг оққан кулоққа.

Хақим Барот

НАЪМАТАК

ШИПОВНИК

ROSA CANINA

Ер юзида кенг тарқалган кўп йиллик бутасимон ўсимлик. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида ёввойи холда учрайди.

Наъматакнинг таркибида: аскорбин кислотаси, витаминлар В, К, Р, каротин, микропин, пектин, қанд ва ошловчи моддалар, уруғида суюқ мой бор.

Шифобахш дори сифатида наъматакнинг меваси ишлатилади. Август ойларида пишиб етилган меваси териб олиниб, салқин жойларда ёйилган холда қуритилади ва қоғоз халталарда қуруқ жойларда сақланса ўз доривор хусусиятини 2 йил давомида йўқотмайди.

Наъматак мевасидан қайнатма, уруғидан наъматак мойи олиниб ишлатилади.

Наъматак қайнатмаси: бир ош қошиқ қуритилган наъматак мевасига 200 мл сув қуйилиб, сирланган идишда 10 дақиқа сув хаммомида қайнатилади, сўнгра 24 соат тиндирилади, сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади, керак бўлса истеъмолдан аввал оз миқдорда шакар қўшилади. Уруғ мойи саноатда олинади.

Халқ табобатида: наъматак ошқозон-ичак яллиғланишида, ички аъзолардан қон кетишида наъматак дамламаси ичилади. Суюқ мойи эса турли доривор малхамлар таркибига киради.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: халқум ва бодомча безларини ўткир яллиғланишида мева дамламаси билан кунига 3-4 махал илиқ холида томоқ чайилади. Халқум ва хиқилдоқнинг атрофик яллиғланишида наъматак мойи билан кунига бир махал 8-10 кун давомида ингальяция қилинади. Сурункали тонзиллитларда бодомча беги лакуналари наъматак дамласи билан кунига бир махал 10 кун давомида ювилади ва бир вақтнинг ўзида суюқ мойи суртилади.

Яхши даво бўлар оғриси томоқ,

Ёсуманда ортиқ бу қувват бироқ.

Шанғилласа қулоқ ё оғриси тили,

Кучсиз булса юрак кетар бу ташвиш.

Хақим Давоний

НЎХАТ

ГОРОХ

PISUM SATIVUM

Ер юзида совук ўлкалардан ташқари ҳамма жойда ўсадиган бир йиллик дуккакли ўсимлик. Ўзбекистонни ҳамма вилоятларида озуқа сифатида ўстирилади.

Таркиби: оксил, крахмал, ёғ, каротин, витаминлар С ва В₁, фосфор, холин ва метионинлардан иборат.

Шифобахш дори сифатида нўхатнинг меваси ишлатилади. Меваси август-сентябрь ойларида пишиб етилади. Териб олиниб, янчилади, тозаланиб куруқ жойларда сақланса 3 йилгача шифобахш хусусиятини йўқотмайди.

Нўхат меваси пиширилиб истеъмол қилинади ёки майдаланиб ун холида ишлатилади.

Халқ табобатида нўхат ундан хамир тайёрланиб, теридаги турли яраларга боғланади. Нўхатнинг яллиғланишга қарши хусусияти бор.

Ибн Сино нўхат уни хамирини теридаги турли яраларга бойланишни буюрган. Эркаклик хирси пасайган беморларга нўхат истеъмол қилишни буюрган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Қулоқ, бурун жарохатларида нўхат ундан хамир тайёрлаб, кунига 2 махалдан докага суртиб боғлов қилинади. Хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида нўхат дамламаси билан кунига бир махал ингаляция қилинади ва бир вақтнинг ўзида дамламадан иссиқ холида кунига 3-4 махал 80-100 мл ичилади.

Нўхатни хол, хому пишириб,

Еса, киши бели бақувват бўлар.

Балғамли йўталдан холос қилади,

Овоз очар, уни беғубор қилар.

Юсуфий

ОЛХЎРИ

СЛИВА КОЛЮЧАЯ

PRINUS SPINOSA

Олхўри ер юзида кенг тарқалган мевали дарахт ҳисобланади.

Таркиби: қанд (8%), олма кислотаси, пектин (1%), ошловчи моддалар (1,5%), витамин С, В₁, гули таркибида эфир мойлари кўпроқ учрайди.

Олхўрининг шифобахш дори сифатида меваси, барги ва гули ишлатилади. Олхўри гуллаш вақтида гули, май-августда барги ва меваси эса пишганда териб олиниб, салқин жойда қуритилади. Қурук жойда 2 йилгача сақланса, доривор хусусиятини йўқотмайди.

Олхўрининг мевасидан, баргидан ва гулидан қайнатма, дамлама тайёрлаб ишлатилади.

Қайнатма: 1 кг олхўри меваси 3-3,5 литр сувда 30-35 дақиқа қайнатилиб, совутилиб, сўнг ичилади. Гули ёки баргидан 2 чой қошиқ олиб, 200 мл қайнаган сувга 30-35 дақиқа дамланади ёки 5-10 дақиқа қайнатилади, сўнгра сузилади ва ичишга тайёр бўлади.

Халқ табобатида олхўри меваси ошқозон-ичак йўллари фаолиятини яхшилаш хусусиятига эга бўлганлиги учун ич кетиш кузатилганда танаввул қилишга тавсия этилади ёки меваси қайнатмасидан 1 чой қошиқдан 3 маҳал ичилади. Гули ёки баргидан тайёрланган дамлама енгил ич юритувчи ва сийдик хайдовчи хусусиятга эга. Шунинг учун буйрак ва жигар касалликларида, қабзиятда, атеросклерозда ишлатилади. Олхўри гули дамламаси яна терлатувчи ва иситма тушириш хусусиятга эга, шунинг учун қаттиқ иситмалаган беморларга дамламадан кунига 50-60 мл тавсия қилинади.

Ибн Сино олхўри елимини яраларни битиришда ишлатган. Елими кўз қувватини оширади. Кўкрак оғриқларини йўқотишда ишлатган. Олхўри мевасидан сафро хайдовчи сифатида фойдаланилган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқум ва хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида олхўри (меваси, гули, барги) дамламаси ёки қайнатмасидан 50-60 мл 3-4 маҳал ичиш тавсия қилинади. Бунда йўтал пасаяди, балғам тез кўчади, овози яхши очилади. Бодомча безларининг ўткир яллиғланишида олхўри дамламаси билан оғиз кунига 5-6 маҳал чайилади.

Сурункали тонзиллитда олхўри дамламаси билан кунига 4-6 маҳал 15-20 кун давомида томоқ чайилади.

Қулоқ ва бурун жароҳатларида ёки чипқонларида майдаланиб кукун холига келтирилган баргига қайноқ сув қўшиб атала холига келтириб, кунига 2 маҳалдан докали боғлов қилинади.

Баргининг сувида чайқалса томоқ,
Икки бодомсимон безга наф мутлоқ.

Сайид Хасрат

ОДДИЙ КАЛЛУНА ВЕРЕСК ОБЫКНОВЕННЫЙ CALLUMA VILGARIS

Оддий каллуна доимо яшил, сершоҳ бутасимон ўсимлик. Россиянинг ўрмонларида, Кавказда кўп учрайди.

Таркиби: ошловчи моддалар, эрикоидин алколоиди, флавоноидлар, сапонинлар, смола, камедь, органик кислоталар, каротин ва минерал тузлардан иборат. Ўсимликнинг барг ёзган куртак шохлари, гули шифобахш дори сифатида ишлатилади. Оддий каллунанинг барг ёзган янги куртаклари май ойларида кесиб олинади ва илинган холда очик хавода қуритилиб, қуруқ жойда 3 йилгача сақлаш мумкин.

Дори сифатида оддий каллунадан дахлама холида ишлатилади. Дамхлама тайёрлаш: 200 мл қайнатилган сувга 20 г ўсимликни барги ва гулидан солиб 20-30 дақиқа дамланади, сузилади ва ишлатишга тайёр булади.

Қуритилган барг ва гулини талқон қилиб туйилади, тери яраларига сепиш учун ишлатилади.

Халқ табобатида оддий каллуна яллиғланишга, микробларнинг ўсиши ва ривожланишига қарши, тинчлантирувчи дори сифатида ишлатилади.

Оддий каллуна дамламаси буйрак, сийдик пуфаги яллиғланишида, буйрак тош касаллигида, подаграда, кислотаси кўтарилган гастритда, қабзиятда 40-60 мл дан, кунига 4 махалдан ичилади. Тери яраларида, чипқонларида, куйган яраларида оддий каллуна кукуни кунига 3-4 махал сепилади ёки боғланади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Қулоқ ва бурун чипқонларида оддий каллуна дамламаси докага шимдирилиб, кунига 2 махалдан боғланади. Агар чипқон ёрилиб, йиринг оқиши даврида бўлса, бунда оддий каллуна кукуни билан 2 махал боғлов қилинади. Буруннинг сурункали катарал яллиғланишида дахлама билан бурун кунига 3-4 махал чайилади.

Халқумни ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида томоқ кунига дахлама билан 3-4 махал чайилади ва бир вақтнинг ўзида 1 чой қошиқдан 2-3 махал ичилади.

Сурункали тонзиллитда томоқ кунига 4-6 махал 10 кун давомида илиқ дахлама билан чайилади.

Ўрта қулоқнинг ўткир яллиғланишида кунига бир махал дахлама билан 6-8 кун ювилади. Ўрта қулоқда ўтказилган жаррохликда бўшлиқлар каллуна барги кукуни малхами суртилган докали пилик қилиб, кунига бир махал 20-25 кун давомида қўйилади.

Тайёрланганда дори ундан, томоқ чайинг кўп махал,

Қулоқ оқса ювинг дархол, яна йиринг тўлмасдан.

Талқондан сепинг хар кун, ўрта қулоқ касал бўлса,

Фойда берар яна бир бор жарохати битмаса.

Ҳаким Барот

ОДДИЙ ҚАРАҒАЙ

СОСНА ОБЫКНОВЕННАЯ

PINUS SYLVESTRIS

Оддий қарағай кўп йиллик дарахтлар туркумидан хисобланиб, ер юзининг хамма ўрмонларида кенг тарқалган.

Таркиби: елим, эфир мойи, скипидар, крахмал, ошловчи модда, пинипикрин ва минерал тузлардан иборат.

Тиббиётда қарағайнинг куртаги, танасидан олинган елими дори сифатида ишлатилади. Қарағайнинг куртаги қишда ва баҳорда териб олинади. Янги новдаси эса баҳорда кесиб олинади ва очик жойларда куритилиб, куруқ идишларда сақланади. Дори сифатида қарағайнинг куртагидан қайнатма ва дамлама тайёрлаб ишлатилади. Қайнатма тайёрлаш: 10 гр қарағай куртаги 200 мл сувда 5 дақиқа қайнатилиб, тиндирилади ва ишлатишга тайёр булади.

Дамлама: 20 г қарағай куртаги 200 мл қайноқ сувда 10-15 дақиқа дамланади, сўнгра сузилади ва 4 кун мобайнида ишлатиш мумкин.

Қарағай дарахтидан скипидар ва деготь олиндиб, малхам холида ишлатилади.

Халқ табобатида қарағай куртаги дамламаси юқори нафас йўллари яллиғланишида, ревматизмда, ўт йўллари яллиғланганда ишлатилади. Қарағай малхами экземада, лишайда яхши фойда беради.

Ибн Сино қарағай пўстлоғи ва баргини янчиб яраларга тортишни тавсия қилган. Пўстлоғи, куртаги дамламаси ва қайнатмаси тиш оғрида, оғиздаги яраларда чайишни тавсия қилган. Уруғи ва елимидан йўталда, балғам кўчирувчи дори сифатида фойдаланган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқум ва хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида қарағай куртаги дамламаси билан кунига 1 маҳал 6-8 кун мобайнида ингаляция қилинади. Қарағайдан олинган хлорофил-каротин

малхами (қаламча холида) буруннинг атрофик яллиғланишида, сассиқ тумов (озена) касаллигида кунига 2 махалдан 8-10 кун давомида докали пиликка суртилиб, бурунга қўйилади ёки қаламча холида бурунга 4-6 соатга қўйилади. Бодомча безларининг ўткир яллиғланишида қарағай дамламаси билан кунига 5-6 махал томоқ чайилади.

Бурун ва кулоқ чипқонларида ёки жарохатларида қарағай малхами билан кунига бир махалдан боғлов қилинади.

Агар бўлса яллиғланиш, хам хикилдоқ-халқумда,

Қайнатганда олса нафас, яхши бўлар тез кунда.

Малхам килиб қўйса агар, бурунгачи кўп махал,

Сассиқ курук шишлар, кунлар ўтиб тузалар.

Хақим Барот

ОЙБОЛТИРҒОН

ДЯГИЛЬ ЛЕКАРСТВЕННЫЙ,

ARCHANGELICA OFFICINALIS

Ойболтирғон икки йиллик ўт ўсимлик хисобланиб, кўпроқ Россия ўрмонларида, Кавказнинг шимолий қисмида ва Сибирда ўсади.

Таркиби: эфир мойи, фурукумарин, органик кислоталар, фитостерин, ошловчи моддлар ва елимдан иборат.

Дори сифатида илдизидан фойдаланилади. Ўсимлик илдизи баҳор ёки куз ойларида ковлаб олинади, очик хавода куритилади. Курук жойда сақланса 3 йилгача доривор хусусиятини йўқотмайди.

Дори сифатида табобатда ўсимликдан дахлама тайёрланиб ишлатилади. Бунинг учун 10 г майдаланган илдизи сирланган идишга солиниб, 200 мл қайноқ сув қуйилади ва усти беркитилган холда сув хаммомида 30 дақиқа қайнатилади, совутилгандан сўнг сузилади ва 4 кун давомида ишлатишга ярокли бўлади.

Халқ табобатида ойболтирғон иштахани кўзғатувчи, овқат хазм бўлиш жараёнини яхшилашда, ич кетганда, асаблар чарчашида, уйқусизликда ва тиришиш касалликларида ишлатилади.

Дамламаси, сийдик юритувчи, терлатувчи ва балгам кучирувчи дори сифатида бир ош қошиқдан 3-4 махал ичилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Хиқилдоқнинг ўткир ва сурункали катарал яллигланишида кунига 2 махал ойболтирғон дамламаси билан инголяция қилинади ва бир вақтда дамламадан бир қошиқдан кунига 3-4 махал илик холида ичилади.

Дамламаси кўп фойдадир, кам уйқую, кўп тиришса,

Хазм бўлиб овқатлари, ич тўхтайдир бир зумда.

Тиндирганда уни дархол, ичинг кунда уч махал,

Бошқа бўлса касалликлар, уларни иши бўлиб хал.

Дамлаб туриб ушланг уни, бир дақиқа сув хаммомида,

Буғ чиққанида нафас олинг, керак бўлса хиқилдоқда.

Хақим Барот

ОШЛОВЧИ СКУМПИЯ

СКУМПИЯ КОЖВЕННАЯ,

COTINUS COGGYRIA

Ошловчи скумпия буйи 2-3 метрга етадиган бутасимон ўсимлик, Кавказ ва Қримда куп учрайди, Ўзбекистонда тоғ ён бағирларида ўсади.

Таркиби: танин, галлат кислотаси, флавоноидлар, эфир мойидан иборат.

Доривор ўсимлик сифатида ошловчи скумпиянинг барги ишлатилади. Ёз ойларида барглари териб олиниб, салкин жойларда куритилади. Қурук жойда сақланса 3 йилгача доривор хусусиятини йўқотмайди.

Табобатда ошловчи скумпиядан дахлама холида ишлатилади. Бунинг учун бир чой қошиқ куритилиб, майдаланган барги 200 мл кайнок сувга

солиб, сув хаммомида 25 дақиқа қайнатилади, совутилган сўнг сузилади ва 4 кун давомида ишлатишга ярокли бўлади.

Халқ табобатида ошловчи, буриштирувчи, яллиғланишга қарши дори сифатида меъда ичак касалликларида, оғиз бўшлиғи яллиғланишида, куйганда, экземада, теридаги турли йирингли яраларни даволашда кенг қўлланилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқум ва хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида томоқ кунига 3-4 махалдан дамлама билан чайилади. Бир вақтда кунига 3 махалдан бир ош қошиқдан илик холда ичилади.

Буруннинг ўткир ва сурункали катарал яллиғланишида кунига 3-4 махал илиқ дамлама билан бурун чайилади.

Қулоқ ва буруннинг жароҳатларида дамламадан докага шимдирилиб, кунига 2 махалдан боғланади.

Баргин териб олинг дархол, танисангиз Сиз уни,

Йўқотаркан шамоллаш бор, меъда-ичак дардини.

Қилинг ғар-ғар, ичинг яна, янги қолган дамламасин,

Бурун жароҳатига хам, қўйинг шимдирилган докасин.

Хақим Барот

ОШКОВОК

ТЫКВА

CUCURBITA PEPO

Ер юзида совуқ ўлкалардан ташқари хамма ерларда ўстириладиган полиз экини. Ўзбекистоннинг хамма вилоятларида етиштирилади.

Таркибида: витаминлар С, В₁, В₂, қанд моддаси, оксил, фосфор, кремний, никотин кислотаси бор. Уруғи таркибида 50% ёғ моддаси, органик кислоталар, каротин ва фитин бор.

Шифобахш хусусияти ошқовокнинг эт меваси ва уруғида. Ошқовок август-сентябрь ойларида пишиб етилади. Уруғини ажратиб олиниб қуритилиб, курук жойларда коғоз халталарда 5 йилгача сақлаш мумкин. Ошқовок салқин, курук жойларда яхши сақланади.

Эт мевасини пишириб истеъмол қилиш мумкин ёки хом ҳолида майдалаб, эзиб ширасини олиб ишлатилади. Бундан ташқари уруғидан ёғи олиб ҳам ишлатилади.

Халқ табобатида ошқовок уруғи гижжа хайдовчи сифатида, ўт ва сийдик йўллари касалликларида ширасидан кунига 50-60 мл дан 2 маҳал ичилади. Бундан ташқари эт меваси теридаги турли касалликларда яхши фойда беради.

Ибн Сино ошқовок эт мевасидан қайнатма тайёрлаб, балғам кўчирувчи дори сифатида қўллаган. Қўрга кўмиб пиширилган эт мевасини асалга аралаштирилиб ошқозон ичак касалликларида истемол қилишни тавсия қилган. Эт меваси ширасини томоқ яллиғланишида, мия шишларида ичирган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Ташқи қулоқни ўткир яллиғланишида, кўтир касалликларида йирингдан тозалангандан сўнг кунига 2 маҳал уруғ ёғи шимдирилган докали боғлов қилинади.

Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида эт мева шираси тенг миқдорда иссиқ сувга аралаштирилиб, томоқ кунига 3-4 маҳал чайилади.

Мияга қуруқлик ўрнаса ногих,

Қулоқдан овозлар келар баногох.

Қовок уруғидан яна олиб ёғ,

Қулоққа томизинг бўлар соппа-соғ.

Шахобиддин Абдулқарим ўғли

ОК ВИСКУМ

ОМЕЛИ БЕЛАЯ

VISCUM ALBUM

Вискум доимий яшил ўсимлик бқлиб кўпинча нина баргли дарахтлар пўстлоғи остида паразит холида ўсади. Асосан Россиянинг Европа қисмида, Кавказда, Кримда, Украина ва Белоруссияда учрайди.

Таркиби: Вискотоксин, холин, ацетилхолин, аминлар, спиртлар, витамин С, урсоль ва уманоль кислоталари, каротинлардан иборат. Дори сифатида ўсимликни ёш шохлари билан барги ишлатилади. Куз ойларида меваси тўкилгандан сўнг ёш новдалари ўриб олиниб, салкин ерда қуритилади. Курук жойда сакланса 4 йилгача доривор хусусиятини йўқотмайди. Асосан ок вискумдан дамлама тайёрлаб ишлатилади. Буниниг учун 1 чой қошиқ майдалаб қуритилган ўсимлик новдаси ва барги 200 мл. қайноқ сувга солиниб, 30 дақиқа дамланади, сўнгра сузилади ва 2 кун давомида ишлатишга ярокли бўлади.

Халқ табобатида ўсимлик қон босимини пасайтирувчи, қон оқишини тўхтатувчи, юрак фаолиятини кучайтирувчи дори сифатида ишлатилади.

Ичак заифлигида, атеросклероз касаллигида, тутқаноқ касаллигида дамламаси 1 чой қошиқдан 3-4 маҳал ичилади. Радикулит ва плекситларда дамлама билан буғланади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Бурундан қон кетганда дока пилик дамламага шимдирилиб, кунига 2 маҳал бурунга тиқилади ва бир вақтнинг ўзида кунига 3-4 маҳал 50-60 мл дан илик холда ичилади.

Қулоқ ва бурун жароҳатларида майдалаб эзилган барги кукуни кунига 1 маҳал боғлов қилинади.

Кучайганда тутқаноқ ҳам, бўлиб ичак жуда заиф,

Уч маҳалдан ичиб турунг радикулит бўлар майиб.

Дамлаб турунг, томоқ чайинг, қўйинг пилик бурунга,

Тухтаб қони, жароҳати тузалади яқин кунда.

Ҳаким Барот

ОҚ ҚАЙИН

БЕРЁЗА БОРОДОВЧАТАЯ

BETULA PENDULA

Оқ қайин асосан Европа қитъасида, Қримда, Сибирда кенг тарқалган. Ўзбекистонда Тошкент вилоятининг худудида ва баъзи вилоятларнинг тоғ олди туманларида учрайди.

Таркибида: эфир мойи, сапонин, елим, ошловчи ва буёк моддалар, витамин С лар бор.

Шифобахш дори сифатида куртаги, барги ва шираси ишлатилади.

Қайин куртаги эрта бахорда бўртиб чиқиши билан новдаси билан кесиб олинади, куртаклар ёзилиб кетмаслиги учун совуқроқ жойларда қуритилади ва новдадан ажратиб олинади. Барглари тўла гуллаб бўлгандан сўнг йиғиб олиниб, соя жойларда қуритилади. Ширасини эрта бахорда пўстлоғини кесиб қўйиш йўли билан йиғилади.

Табобатда ўсимлик баргидан, куртагидан дамлама тайёрлаб ишлатилади. Бунинг учун қуритилиб майдаланган барги ёки куртагидан бир чой қошиқ олиниб, 200 мл қайноқ сувга солиниб, 30 дақиқа дамланади, сўнгра сузилади ва истеъмолга яроқли бўлади.

Халк табобатида оқ қайин дамламаси сийдик ва ўт хайдовчи, дори сифатида ишлатилади. Ўсимлик шираси ошқозон ва ичак яллиғланишида, кам қонликда истеъмол қилинади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида илиқ ўсимлик шираси билан томоқ қунига 3-4 махал чайилади.

Қулоқ супраси ва ташқи бурун жарохатларида шираси шимдирилган доқа билан қунига 2 махалдан боғлов қилинади. Ўрта қулоқнинг ўткир йирингли яллиғланишида қунига 2 махал дамлама билан ювилади.

Шираси фойдали бўлар томоқда,

Камконни тузатар, ором бериб қулоққа.

Ичсалар хар доим пўкак мойини,
Йўқотар саратон ва санчик бор жойини.

Хақим Барот

ОҚҚАЛДИРМОҚ (КЎКА)

МАТЬ-И-МАЧЕХА

TUSSILAGE FARFARA

Оққалдирмоқ кўп йиллик ўсимлик бўлиб, ер шарининг совуқ ўлкаларидан ташқари жойларда кенг тарқалган. Ўзбекистонда арик бўйларида, чулларда куп учрайди.

Таркиби: аччиқ гликозид (2,0%), шилимшиқ органик кислоталар, ошловчи модда, ситостерин, сапонин, эфир мойлари, каротин, аскорбин кислоталардан иборат.

Оққалдирмоқни шифобахш дори сифатида барги ва гули ишлатилади. Барги май-июль ойларида териб олинади, очик хавода салқин жойларда қуритилади, куруқ жойда сақланса 3 йилгача ўз таъсирини йўқотмайди.

Дори сифатида оққалдирмоқдан дамлама ва қайнатма тайёрланиб ишлатилади. Бундан ташқари янги узилган баргларини янчиб, ширасини олиб ҳам ишлатилади. Дамлама тайёрлаш: 1 ош қошиқ қуритилиб, майдаланган ўсимлик барги 200 мл кайнок сувга солиб, 30 дақиқа дамланади, сўнгра сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади.

Қайнатма тайёрлаш: 1 ош қошиқ қуритилган баргидан олиб 200 мл кайноқ сувга солиб, идишни устини ёпиб, 40 дақиқа сув хаммомида қайнатилади, тиндирилиб сузилади, сўнгра фойдаланиш мумкин.

Халк табобатида оққалдирмоқ дамлама ва қайнатмаси юқори нафас йўллари яллиғланиш касалликларида (бронхит, астма, сил) юмшатувчи ва

балғам кўчирувчи восита сифатида бир ош қошиқдан 3-4 махал ичилади. Теридаги турли йирингли касалликларда, соч тўкилишида, атеросклерозда қайнатмадан кенг фойдаланилади.

Бундан ташқари қайнатмаси ошқозон-ичак ва сийдик йўллари яллиғланишида ҳам кунига 1 қошиқдан 4-6 махал ичилади. Майдаланиб қуритилган барги нафас қисишида чекилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Буруннинг сурункали катарал яллиғланишида оққалдирмоқ шираси кунига 2 махал 4-6 кун давомида 4-5 томчидан томизилади. Буруннинг вазомотор-аллергик касаллигида оққалдирмоқ шираси билан кунига бир махалдан 6-8 кун давомида бурун ичига электрофорез қилинади ва бир вақтнинг ўзида дамламадан 1 чой қошиқдан 3-4 махал 6-8 кун ичилади. Қулоқ ва бурун чипқонларида янги узилган барги янчилиб кунига 2 махалдан боғланади.

Хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида ўсимлик шираси билан кунига 2 махалдан 5-7 кун давомида ингаляция қилинади ва бир вақтнинг ўзида дамламадан илиқ холида кунига 3-4 махалдан ичилади.

Бодомча безларининг ўткир яллиғланишида кунига 4-6 махал томоқ илиқ дамлама билан чайқалади.

Бахор ойи нишонасин, белгисидир асли кўка,

У қўйилса йирингли шиш ёрилади сўка-сўка.

Уни севиб ишлатишар халқ ичида,

Фойда эмиш, тўкилган соч ва кўк йўталга,

Йўқотармиш шамоллаш, бош оғриғин,

Сутли чой ангинани қилар қиргин.

Хақим Барот

ПАТСИМОН МИНГТУГАР
КАЛАНХОЕ БОРАДЧАТОЕ,
KALANCHOE PERS

Мингтугар кўп йиллик ярим бутасимон ўсимлик. Ватани тропик мамлакатлар хисобланади. Ўзбекистонда доривор ўсимликлар сифатида иссиқ хоналарда ўстирилади.

Таркибида: полисахаридлар, олма, лимон кислоталари, ферментлар, минерал тузлар, витаминлар ва флавоноидлар бор.

Шифобахш дори сифатида ўсимликнинг пояси, барги ишлатилади. Пояси май-июнь ойларида ўриб олиниб, салқин жойда қуритилади ва курук жойларда сакланса уз хусусиятини 4 йил давомида йўқотмайди.

Дори сифатида табобатда мингтугардан қайнатма тайёрланиб ишлатилади. Бунинг учун 1 ош қошиқ қуритилиб, майдаланган ўсимлик барги ва пояси сирланган идишга солиниб, устига 200 мл қайнаган сув қўшилиб, усти беркитилган холда сув хаммомида 20 дақиқа қайнатилади, совутилиб сузилади, 2 кун давомида фойдаланиш мумкин.

Мингтугар шираси дори ишлаб чиқариш саноатида 5 мл ёки 100 мл идишларда чиқарилади, малхами эса дорихоналарда тайёр холда ўлади.

Халқ табобатида мингтугар дамламаси ва шираси теридаги хар хил йирингли, узоқ битмайдиган яраларни даволашда кенг қўлланилади. Танадаги трофик яраларни, куйган жойларни, оғиз бўшлиғидаги шилинган яраларни, бачадон яраларини даволашда мингтугар малхамидан кенг фойдаланилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида мингтугар ширасидан 40-50 томчиси 200 мл қайнатилиб совутилган илик сувга аралаштирилиб, кунига 3-4 маҳал томоқ чайилади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида ўсимлик дамламаси 3-4 томчидан кунига 3-4 маҳал томизилади ёки докали пиликка шимдирилиб, бурунга

тикилади. Бурун олди бўшликларининг йирингли яллиғланишида патсимон мингтугар ширасидан 3 мл олиб, 50 мл қайнатиб, совутилган сувга аралаштириб, кунига бир маҳал 10-12 кун давомида бурун орқали ингаляция қилинади. Халқум ва хиқилдоқнинг атрофик яллиғланишида 50 мл қайнаб совутилган сувга 15-20 томчи мингтугар ширасидан томизиб, кунига 2 маҳалдан 10-12 кун ингаляция қилинади. Бодомча безларининг сурункали яллиғланишида ўсимлик шираси билан кунига бир маротабадан 8-10 кун электрофорез қилинади. Қулоқдаги ўтказилган жаррохлик ишларидан сўнгги яраларни тез битказиш учун кунига 2 маҳалдан жарохатга мингтугар шарбати шимдирилган дока боғлов қилинади.

Қулоқ ва бурун чипқонларида эса мингтугар малхами билан кунига 2 маҳал боғланади.

Қадимдан атар уни сен мингтугар,
Чунки, уни севиб хар бир уйда ўстирар.
Ширасин олсангиз даводир сизга,
Фойда қилар чайналса ўша оғизга.
Энг кучлидир, уни хар доим дориси,
Равон бўлар оғиз, томоқ дарвозаси.

Хақим Барот

ПИЁЗ

ЛУК РЕПЧАТЫЙ

ALLIUM CEPA

Пиёз ер юзида кенг таркалган полиз экини.

Таркиби: ўткир хидли мойлар, қанд моддаси (8-14%), минерал тузлар, органик кислоталар, гликозидлар, витаминлар С (33 мг%), В₁ (60 мг %), В₂, каротинлардан иборат.

Шифобахш дори сифатида пиёз боши ва уруғи ишлатилади. Пиёз боши куруқ ерда сақланса йил давомида ўз хусусиятини сақлайди.

Дори сифатида пиёз боши янги холида ишлатилиши мумкин. Пиёз шираси - пиёз бошини майдалаб, эзиш орқали олинади. Пиёз ширасини тезда - 10-15 дақиқа давомида ишлатиш зарур, акс холда шира ўз кучини йўқотади. Пиёзнинг спиртдаги эритмаси ҳам тайёрланади. Бунинг учун 500 мл 40 С° спиртга 40 г майдаланган пиёзбоши солиниб, 7 кун сақланади, сузилади ва истеъмолга 10 кун давомида яроқлидир. Пиёзнинг сутдаги қайнатмаси: 2 дона пиёзбоши майдалаб 250-300 мл сутга солиб, 10-15 дақиқа қайнатилади, 4 соат тиндирилади, сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади.

Хозирги кунда дори ишлаб чиқарув саноатларида пиёз шираси асосида тайёрланган тиндирмалар дорихоналарга чиқариляпти ва бавосил, хафакон, трихомоноз касалликларини даволашда тавсия қилиняпти.

Халқ табобатида пиёзнинг ошқозон-ичак фаолиятини яхшилаш хусусияти борлиги учун иштаха очиш ва овқат хазм қилишни яхшилашда ишлатилади. Цинга касаллигида яхши фойда беради. Гижжада нахорда пиёз шарбатидан кунига бир маҳал 50-60 мл дан 4-5 кун давомида ичилади. Юқори нафас йўллари касалликларида, йўталда пиёзни асал билан тенг микдорда аралаштиргани ёки сутдаги қайнатмасидан бир қошиқдан 2-3 маҳал 4-5 кун давомида ичилади, балғам тез кўчиб, йўтал пасаяди. Атеросклерозда пиёзнинг янги шарбати тенг микдорда асал билан аралаштирилиб, 1 чой қошиқдан 3-4 кун ичилади. Пиёзбошини кўрда кўмиб пиширилгани чипконларга боғланса, тезда оғриқ қолдириб, чипқонни тезда етилтириб ёрилишига олиб келади. Майдалаб тўрғалган пиёз йирингли яраларга боғланса, яралар тозаланиб, тез битади. Пиёзнинг 96 С спиртдаги аралашмаси бронхиал астмада яхши наф беради. Соч тўкилишида бошга пиёз шарбати суртилади.

Ибн Сино пиёз уругини туз билан кўшиб сўнгаларни кетказишда ишлатган. Бош оғирлашганда, қулоқ шанғиллашида, йиринг ва сув пайдо бўлганда қулоққа томизишни буюрган. Пиёз суви кўз катарактида равшанлаштириш учун тавсия қилган. Пиёз суви асал билан аралаштирилиб

томоқ оғриғида қўлланган. Пиёз сувини ични юмшатувчи, хайз қонини юргизувчи сифатида ҳам ишлатган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Қулоқнинг йирингли яллиғланишида пиёз шарбатини 40° спиртдаги эритмаси йирингдан тозалангандан сўнг кунига 2 маротаба докали пиликка шимдирилиб қўйилади. Халқум ва хикилдокнинг ўткир яллиғланишида майда турғалган пиёзбоши билан кунига 1 махал инголяция қилинади. Буруннинг сурункали яллиғланишида пиёз шарбати билан кунига 2 махал бурун орқали инголяция қилинади.

Қулоқ ва бурун чипқонларида чўғда пиширилган пиёз боши иссиқ холида майдаланиб, бўтқа холига келтириб, кунига 2 махал докали боғлов қилинади.

Тумов ва резанда касалликлари таркалиш даврида касалликни олдини олиш мақсадида кунига 3-4 махал тенг микдорда сувга суюлтирилган пиёз шираси бурунга томизилади.

Пиёз кишин пуштин оширар, ўғлон,

Жигарга тозалаб берар, яхши қон.

Кўп еса кўзларга зиён қилади,

Сафрони ошириб, гирён қилади.

Шахобиддин Абдулқори угли

ПОЛИГАЛА

ИСТОД СИБИРСКИЙ

POLYGALA SIBIRICA

Полигала кўп йиллик ўт ўсимлик хисобланади. Бу ўсимлик кўпроқ Олтойда, Сибирь ўрмонларида ва Узоқ Шарқда тоғ ёнбағирларида учрайди.

Таркиби: елим, ошловчи модда, ёғ, сапонин, эфир мойи, аскорбин кислотаси ва полиган кислоталаридан иборат.

Доривор ўсимлик сифатида илдиздан фойдаланилади. Илдизи мева туғиш вақтида (август-сентябрь) қовлаб олинади, тозалаб, ювилиб иссиқ жойда қуритилади. Қуруқ жойда сақланса 4 йилгача доривор хусусиятини йўқотмайди.

Илдиз мевасидан дамлама тайёрланиб ишлатилади. Бунинг учун бир ош қошиқ майдаланган илдизи сирланган идишга солиниб унга 200 мл қайноқ сув қуйилади ва усти берк ҳолда сув хаммомида 30 дақиқа қайнатилади, сўнгра совутиб сузилади ва 2 кун давомида ишлатишга яроқли бўлади.

Халқ табobatiда полигала юмшатувчи ва балғам кўчирувчи дори сифатида юқори нафас йўллари касалликларида дамлама сифатида фойдаланилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқум ва хиқилдоқнинг ўткир ва сурункали катарал яллиғланишида кунига 2 махалдан 10-12 кун давомида дамлама билан инголяция қилинади. Бир вақтнинг ўзида бир ош қошиқдан илиқ дамламадан кунига 3-4 махал ичилади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида дамламадан кунига 2 махал 2-4 томчидан бурунга томизилади. Бурун олди бўшлиқларининг сурункали йирингли яллиғланишида бўшлиқлар пункция қилиниб, ювилгандан сўнг кунига бир махал дамламадан 8-10 мл микдорда қуйилади.

Қўйсангизга бурунга, хайдади тез шамоллашин,

Озайтириб йирингни, тузатади бурунни хам.

Кўп буғланса, йўқолади томоқдаги қизармиш,

Очилади овоз хам, йўқ бўлади хиқилдоқдаги шиш.

Ҳаким Барот

РОЗМАРИН

РОЗМАРИН ЛЕКАРСТВЕННЫЙ,

ROSMARINUM OFFICINALIS

Розмарин, доимий яшил бутасимон ўсимлик хисобланади. Ўрта ер денгизи бўйи мамлакатларида, Ўзбекистонда манзарали ва хушбуй ўсимлик сифатида ўстирилади.

Таркиби: эфир мойи, тритерпен алкалоидлардан ва ошловчи моддалардан иборат.

Доривор ўсимликлар сифатида ёш новдалари ишлатилади. Июнь-июль ойларида ёш новдалари ўриб олиниб, салқин жойда қуритилади ва курук жойларда сақланса 2 йилгача доривор хусусиятини йўқотмайди.

Дори сифатида розмариндан дамлама тайёрлаб ишлатилади. Бунинг учун бир ош қошиқ майдалаб қуритилган новдалари сирланган идишга солиниб, 200 мл қайноқ сув қуйилади ва усти берк холда 10 дақиқа сув хаммомида қайнатилади, совутилгач, сузилади ва дамламани 4 кун давомида ишлатса бўлади.

Халқ табобатида розмарин дамламаси яллиғланишга қарши, ошқозон-ичак касалликларида, юқори нафас йўллари яллиғланишида ишлатилади. Бод касаллигида розмарин дамламаси билан бўғимлар хаммом қилинади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари: Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида дамлама билан 3-4 махал томоқ чайилади. Қулоқ, бурун чипқонларида ва жарохатларида кунига 2 махал докага дамламаси шимдирилиб, илиқ холида бойланади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида дамламадан кунига 2 махал 3-4 томчидан томизилади.

Қилинг дархол розмаринни новдасидан дамлама,

Ичинг уни бўлса касал, нафас йўли, яна ичак-модада,

Бўлса агар шамоллашлар халқумдаю бурунда,
Чайилсаки иссиқ холда, тузалади тез кунда.

Хақим Барот

САБЗИ

МОРКОВЬ ПОСЕВНАЯ

DAUCUS CAROTA

Ер юзини совуқ ўлкаларидан ташқари хамма жойда ўстириладиган, овқатга кенг қўлланиладиган икки йиллик полиз экини.

Шифобахш дори сифатида сабзининг илдиз меваси ишлатилади. Куз ойларида илдиз меваси ковлаб олинади. Иқлими муътадил жойларда сақланса, бир йилгача уз хусусиятини сақлайди.

Сабзининг таркибида: эфир мойи, ёғ моддаси, флавоноидлар, витаминлар А, В₁, В₂, РР, С, К, пигмент, каротинлар бор.

Табобатда сабзининг илдиз меваси ва уни шираси олиб ишлатилади. Янги ковлаб олинган сабзи шираси майдалаб, эзиш йули билан олинади. Ширасининг фойдали таъсирини сақлаб қолиш учун дархол истеъмол қилинади ва хар доим ширасини ишлатишдан аввал янги тайёрланади. Бундан ташқари дори тайёрлаш саноатида сабзидан олинган даукарин махсулоти асосида дори тайёрланиб, атеросклероз ва юрак хасталик касалларида ишлатилмоқда.

Халқ табобатида сабзи шираси ошқозон-ичак жигар касалликларида ишлатилади.

Ибн Сино сабзини сийдикни юргизишда, буйрак тош касалликларида, ичак яллиғланишида ва терини турли яраларида қўллаган. Эркаклик кувватини оширишда тавсия қилган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Ўткир ва сурункали ларингитларда, овоз бўғилиб қолганда янги тайёрланган сабзи ширасини иссиқ холда 100-150 мл дан кунига 5-6 маҳал ичилади.

Уч диром ёввойи сабзидан олиб,
Туйиб, асал билан ейилган замон,
Бир-икки соатдан кейинрок кучи,
Кишида сезилар унинг бегумон.

Юсуфий

**САНГВИЗОРБА (ДОРИВОР КЎКАТ)
КРОВОХЛЕБКА ЛЕКАРСТВЕННАЯ
SANGUISORBA OFFICINALIS**

Сангвизорба кўп йиллик ўт ўсимлик хисобланади. Кавказда, Қримда, Сибирь, Узоқ Шарқ, Қирғизистонда ва Қозогистоннинг жанубий ерларида, ботқоқликларда, дарёлар атрофида ўсади. Ўзбекистонда деярли ҳамма вилоятларда учрайди.

Таркиби: Ошловчи модда, крахмал, эфир мойи, сапонинлар ва бўёқ моддалардан иборат.

Дори сифатида сангвизорбани спиртдаги тиндирмаси ишлатилади. Бунинг учун 2 ош қошиқ майдаланган ўсимлик илдизи 100 мл 70° спиртда 10 кун сақланади, сузилгандан сўнг ишлатишга яроқли бўлади.

Дамлама тайёрлаш: 2 ош қошиқ майдаланган илдиз сирланган идишга солиниб, 200 мл сув қўшилади ва усти берк холда сув хаммомида 30 дақиқа қайнатилади, совутиб, сузилади ва 2 кун давомида истемол қилиши мумкин.

Табобатда буруштирувчи, қон тўхтатувчи, яллиғланишга қарши, дори сифатида ишлатилади. Ўсимлик дамламаси ички аъзолардан қон кетганда, ошқозон-ичак ва ўт йўллари яллиғланишида бир ош қошиқдан 3-4

махал ичилади. Аёллар жинсий аъзолари яллиғланишида дамлама докага шимдирилиб қўйилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида дамлама билан кунига 5-6 махал томоқ чайилади. Қулоқ ва бурун жароҳатларида кунига 2 махал илиқ дамлама докага шимдирилиб боғланади. Бурундан қон кетганда кунига бир махалдан докали пликка дамламадан шимдирилиб бурунга тикилади ва бир вақтда кунига 3-4 махал сангвизорбанинг спиртдаги тиндирмасидан 30-50 томчидан ичилади. Қулоқ ва бурун чипқонларида сангвизорба илдизи майдаланиб, бўтка холига келтирилиб, докага суртиб боғланади.

Ўрта қулоқнинг йирингли яллиғланишида, йирингдан тозалангандан сўнг ўсимликнинг спиртдаги тиндирмаси докали пиликка шимдирилиб, кунига 2 махал қулоққа қўйилади.

Агар бўлса доим, қулоқ-бурундан яллиғланиш иши,
Бўтка қилиб босинг дархол, бу сиз учун яхши иш,
Оқса агар ўрта қулоқдан ёмон хидли йиринг,
Шимдирилиб дока-пилик, икки махал қуйиб туринг.

Хақим Барот

САРИҚ НУФАР

КУБЫШКА ЖЕЛТАЯ

NUPHAR LUTEUM

Сариқ нуфар кўп йиллик сув ўсимлиги. Асосан Россиянинг Европа қисмида, Кавказда, ўрта осиеда учрайди. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида, кўпроқ секин оқар дарёларбўйида, нам ўтлоқларда учрайди.

Таркиби: алколоидлар-нуфаридин, тоибинуфаридинлардан иборат, бундан ташқари қанд, елим, крахмал, аччиқ ва ошловчи моддалардан иборат.

Табобатда дори сифатида илдиз ва гули ишлатилади. Июль-сентябрь ойларида илдиз пояси ўриб олиниб, салқин жойларда қуритилади. Қурук жойларда сақланса, бир йилгача доривор хусусиятини йўқотмайди.

Дамлама – 2 ош қошиқ қуритилган гули сирланган идишга солиб, 200 мл қайнаган сув қўшиб, усти беркитилган холда сув хаммомида 15 дақиқа қайнатилади, совутилиб сўнгра сузилади ва 2 кун давомида ишлатишга яроқли бўлади.

Табобатда сарик нуфар ўпка силида, буйрак шамоллашида, сийдик йўллари тош касаллигида ишлатилади. Гулидан тайёрланган дамлама эса тинчлантирувчи дори сифатида ишлатилади. Бундан ташқари бўғимлар бод касаллигида докага шимдирилиб боғланади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Қулоқнинг йирингли яллиғланишида, айниқса замбурғли яллиғланишида кунига 2 махал қулоқ, сарик нуфар дамламаси билан ювилиб қуритилган, спиртдаги тиндирмаси докали пиликка шимдирилиб қўйилади. Бодомча безларининг ўткир яллиғланишида кунига 4-5 махал илиқ дамлама билан томоқ чайилади. Қулоқ ва бурун чипқонларида кунига 2 махал янги узилиб янчилган гули билан боғлов қилинади, натижада оғриқ камайиб, чипқон тез пишиб ёрилади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида дамламадан кунига 2 махал илиқ холида 3-4 томчидан томизилади. Бурун олди бўшлиқларининг сурункали йирингли яллиғланишида пункция қилиб ювилгандан сўнг бўшлиқлар ўсимликнинг спиртдаги тиндирмасини 3:1 нисбатда сувга аралаштирилиб, 8-10 мл миқдорда кунига бир махал юборилади.

Қўллаганлар ўпка силу, буйрак тошу, касалида,
Гулини дамлаб босинг уни оғриқ бўлса бўғинда,
Ёрилмаса чипқонлари, ташқи бурун хам қулоққа,
Янчиб гулин босинг уни, оғриқ қолар шу чоғда.

Ҳаким Барот

САРИМСОҚ

ЧЕШОҚ

ALLIUM STIVUM

Саримсоқ кўп йиллик, пиёзбошиси кўп бўлакли ўсимлик ҳисобланади. Ер юзининг совуқ ўлкаларидан ташқари ҳамма жойда кенг тарқалган.

Таркиби: эфир мойлари, азот бирикмалари, канд, фитостерин, аллил гликозиди, витаминлар С, Д, В₁ ва бошқа моддалардан иборат.

Шифобахш саримсоқ пиёз боши ковлаб олиниб, салкин жойда сақланса, 1йил давомида шифобахш хусусияти бузилмайди.

Дори сифатида саримсоқнинг спиртдаги дамламаси ишлатилади, саримсоқни 40 г ни олиб, майдалаб 76° 100 мл спиртга қўшилади ва 8-10 кун қоронғи жойда сақланади, сўнг сузилади ва ишлатишга яроқли бўлади. Саримсоқни пиёз боши майдаланиб, эзиб шираси олиниб ёки майдаланиб эзиб атала холида ишлатилади.

Табобатда саримсоқ пиёз микроблар ва замбурукларни ривожланишини тўхтатувчи сифатида қўлланилади. Хафақон ва атеросклерозда, буйрак ва сийдик пуфағи тош касаллигида, тумов ва резандада, болаларни гижжа касалликларида кенг ишлатилади. Бундан ташқари саримсоқни подаграда, ич кетишда, жинсий заифликда фойдаси катта.

Ибн Сино саримсоқ пиёзни қайнатиб ва қовуриб тиш оғриқларида қўллаган. Овозни тиниклаштиришда саримсоқни пишириб, истеъмол қилишни буюрган. Кўкрак оғриқлари ва эски йўталларда тавсия қилган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Қулоқнинг ўткир йирингли яллиғланишида, йиринг тозалангандан сўнг саримсоқ шираси докали пиликка шимдирилиб, кунига 2 махалдан қўйилади. Бурун ўткир яллиғланишида қайнаб совутилган 50 мл сувга 10 томчи саримсоқ шираси томизилиб, кунига бир махалдан 4-6 марта бурунга инголяция қилинади.

Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида саримсоқ шираси тенг миқдорда илиқ, сувга аралаштириб, томоқ қунига 5-6 марта чайилади.

Қулоқ ва бурун чипқонларида, жарохатларида саримсоқ пиёз боши майдаланиб, атала холига келтирилади, докага ўраб қунига 2 маҳал 2-2,5 соатга боғланади.

Эй саримсоқ, саримсоқ!

Инсонга яқин ўртоқ.

Хидлатилса бурунга уни,

Йўкотади тумову, кўк йўтални.

Дамламаси билан қилса, ғар-ғара,

Томоқ оғрикни қилари бир умрга бадарға.

Бойласангиз қолдириб оғриқ,

Чипқонни йўқотиш унга боғлиқ.

Хақим Барот

САХРО ЖЕНЬШЕНИ (олтин томир)

ЦИСТАНХЕ

Cistanche

Шифобахш хусусиятини юқори бўлганлиги учун бу ўсимликни халқ орасида сахро женьшени, сахро хаёт томири, олтин томир деб номланади.

Кўп йиллик ўсимлик ҳисобланиб Ўрта Осиё ва Африкани шимолий қисми чўл минтақаларида учрайди. Ўзбекистонда Амударё дельтаси, Қизилқум ва Устюрт кенгликларида тарқалган.

Таркибида углеводлар, эфир мойлари, фенол, органик кислоталар, стерин алькалоидлар ва микроэлементлардан иборат. Бундан ташқари таркибида қондаги қанд миқдорини мўтадил қилувчи гликозидлар мавжуд.

Ўсимлик таркиби антиоксидантлардан, яллиғланишга, ўсмаларга қарши, эстроген ва иммунологик хусусиятни кўтарувчи хусусиятга эга

моддалардан иборат.

Табобатда ўсимликни томири ишлатилади, июль ва август ойларида томири ковлаб олиниб салқин жойларда қуритилади ва қоғоз халталарда 2 йилгача сақлаш мумкин.

Халқ табобатида сахро женьшенини томирини оғриқ қолдирувчи, сийдик хайдовчи, иммунологик қувватни кўтарувчи, ич юритувчи, саратон ўсмаси бартарф этувчи дори сифатида ишлатилади. Охирги пайтларда ўсилик илдизини дамламасини Паркинсон ва Альцгеймер касаллида қўлланмоқда.

Қуритилган томирни майдалаб иссиқ сувга солиб 10 дақиқа сув хамонида қайнатилади, сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади.

Ибн Сино олтин томирни илдизидан дамба тайёрлаб оғир хасталарни қувватини оширувчи, буюрак касалликларида, сийдик юритувчи восита сифатида, эркаклик қувватни оширувчи, мия фаолиятини кучайтиувчи дори сифатида ишлатган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқум ва хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида ўсимлик дамламасидан 1 чой қошиқдан кунига 3-4 маҳал ичилади. Буруннинг ўткир яллиғланишида 2 томчидан кунига 2 маҳал бурунга томизилади. Бурун ва қулоқ чипқонларида майдаланиб бўтқа холига келтирилган томирни докага суртиб бойланади кунига бир маҳал бойланади.

Дейдилар азалдан сени олтин томир
Ёрдаминг зўр агар бўлса дардинг оғир
Табибий.

САЧРАТҚИ

ЦИКОРИЙ ОБЫКНОВЕННЫЙ

CICHORIUM INTYBUS

Сачратқи икки йиллик ўсимлик хисобланади. Ер юзининг совук ўлкаларидан ташқари ҳамма жойда учрайди. Ўзбекистонда далаларда, тоғларда учрайди.

Ўсимлик таркиби инулин, интибин гликозиди, пектин, холин, оксил, елим, витаминлар В₁, С ва мойлардан иборат.

Сачратқининг шифобахш дори сифатида пояси ва илдизи ишлатилади. Ўсимлик гуллаганда ер усти қисми ўриб олинади, илдизи эса сентябрь-октябрь ойларида қовлаб олинаиб, алохида салқин жойда қуритилади. Қурук жойда 2 йилгача сақланади.

Ўсимликдан дамалама ва қайнатма холида фойдаланилади. Дамламани тайёрлаш: 2 чой қошиқ майдаланган илдиз ёки дамлама поясидан олиб 200 мл қайнаган сувга 10-15 дақиқа дамланади, сўнгра сузилади ва тайёр бўлади.

Қайнатма тайёрлаш: 1 чой қошиқ майдаланган ўсимликнинг пояси ёки илдизи 200 мл сувда 30 дақиқа қайнатилади, совутилиб сузилади, сўнгра истеъмол қилиш мумкин.

Халқ табобатида сачратқи кўпроқ иштахани очувчи ва ичак фаолиятини яхшиловчи дори сифатида фойдаланилади. Офтоб урган болаларни дамламада чўмилтирилади.

Ибн Сино қуритилиб, майдаланган сачратқи илдизини илон, ари ва чаён чаққан жойларга қўйган. Бўғимлар яллиғланишида янги узилган пояси майдаланиб, бўғимларга бойлаган, куз яллиғланганда дамламаси билан ювишни ва иситмада ичишни тавсия қилган.

Сачратқи яхши сийдик ва ўт хайдовчи хусусиятга эга бўлганлиги учун буйрак ва жигар касалликларида ишлатилади. Асабни тинчлантиради, камконликда дамламани сутга қўшиб ичишни тавсия қилинади. Микробларни ўсишини ва ривожланишини тўхтатиш хусусиятига эга

бўлганлиги учун теридаги яралар ва чипқонларни даволашда сачратқи майдаланиб бўтқа холига келтириб докага суртиб боғлов қилинади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Қулоқ ва бурун чипқонларида, жарохатларида сачратқи дамламаси ёки қайнатмаси билан ювилади, сўнгра майдаланиб, бўтқа холига келтирилган илдизи докага суртиб, кунига 2 маҳал боғланади. Бодомча безлари ва халкумнинг ўткир яллиғланишида кунига 5-6 маҳал, 4-6 кун давомида томоқ илиқ дамба билан чайқалади. Буруннинг ўткир яллиғланишида дамладан кунига 2 маҳал 3-4 томчи томизилади.

Сиз топасиз сачратқини доим иссиқ жойларда,
Кенг далаю, яна баланд тоғ бағрию, сойларда,
Янги узиб майдалангда, дамланг дарров поясин,
Ўткир кечса томоқ оғриқ, бир хафталаб чайилсин.

Хақим Барот

СЕДАНА

ЧЕРНУШКА

NIGELLA SATIVA

Седана бир йиллик ўсимлик бўлиб, Россиянинг Европа қисмида, Кавказда, Ўрта Осиёда кўп учрайди. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида, чўлларда, экинзорларда, тоғ олди жойларида ўсади.

Таркиби: уругида эфир мойлари, мелантин ва аччик нигеллин гликозиди, кумарин, фуракумарин, липаза ферментлар бор.

Табобатда седана уруги дори сифатида ишлатилади. Седана июль-августда ўриб олиниб, қуритилади, сўнгра янчиб уруги ажратиб олинади. Қуруқ жойда сақланса 2 йилгача ишлатишга яроқли бўлади.

Дори сифатида седана уругидан дамба холида фойдаланилади. Дамба тайёрлаш: бир чой қошиқ седана уруги сирли идишга солиниб,

устига 200 мл сув қуйилиб, усти берк холда сув хаммомида 5 дақиқа қайнатилади, сўнгра тиндирилиб, сузилади ва 2 кун давомида ишлатишга яроқли бўлади. Седана уруғининг мойи ҳам ишлатилади.

Халк табобатида сийдик хайдовчи, хайзни тартибга солувчи, аёлларни кўкрак сутини кўпайтирувчи, гижжа хайдовчи дори сифатида қўлланилади. Таркибида овқат хазм килувчи фермент борлиги учун меъда шираси етишмаслигида, овқат хазм қилиш жараёни бузилганда седана дамламаси ичилади.

Ибн Сино юз нерви фалажлигида, тиш оғриғини даволашда, гижжа хайдовчи дори сифатида беморларга тавсия қилган. Сийдик пуфаги ва буйрак тош касаллигида асалга аралаштириб ичишни буюрган. Тери яралари ва сўнгалларни седана ёғини суртиб даволаган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Бодомча безлари ва халқумнинг ўткир яллиғланишида томоқ қунига 3-4 махалдан 5-7 кун илиқ седана дамламаси билан чайилади. Халқум ва бодомча безларининг сурункали яллиғланишида томоқ қунига 2 махалдан 10-12 кун давомида седана мойи билан суртилади. Хикилдоқнинг атрофик яллиғланишида седана мойи билан қунига 1 махал 6-8 маротаба инголяция қилинади. Буруннинг ўткир яллиғланишида 2 махал 3-5 томчидан 4-6 кун давомида седана мойи томизилади.

Ковурилиб хидланса седана агар,

Тумов иллотида фойда келтирар.

Хақим Давоний

СЕМИЗ ЎТ

ПОРТУЛАК ОГОРОДНЫЙ

PORTULACA OLEARCEA

Бир йиллик ўт ўсимлик. Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятлари экинзорларида ёввойи ўт сифатида ўсади.

Ўсимликнинг таркиби: эфир мойлари, витаминлардан иборат.

Шифобахш дори сифатида ўсимликни ер устки қисми фойдаланилади. Эрта бахордан кеч кузгача териб олиб, салкин жойларда ёйилган холда қуритилади, коғоз халталарда бир йилгача сақланса ўз шифобахш хусусиятини йўқотмайди. Бундан ташқари семиз ўт поясини шиша идишларга тузлаб қуйиш йўли билан ҳам сақланади.

Табобатда семиз ўтни янги холида истеъмол қилиш мумкин ёки эзиб шираси олиб ишлатилади. Қуритилиб майдаланган поясидан дамлама тайёрлаб ичилади. Бунинг учун 1 чой қошиқ қуритилган поясини 200 мл қайноқ сувга солиб, 15 дақиқа дамланади, сузилади ва ишлатишга яроқли бўлади.

Халқ табобатида семиз ўт жигар ва буйрак касалликларида, юқори нафас йўллари яллиғланишида, ошқозон-ичак яраларида, камкуватликда, янгича холида овқатга аралаштириб истеъмол қилинади ёки ширасидан ичилади.

Ибн Сино: қонни тозаловчи, сафрони юритувчи, иштаха очувчи дори сифатида ишлатган. Семиз ўт ширасини сўнгалларга боғлаб даволаган, бош оғриғида ичирган.

Кулок, томок ва бурун касалликларида: Бурун атрофик яллиғланишида аввал ўсимлик ширасини шимдирилган докали пиликда бурунга 1-1,5 соатга тиқилиб, қасмоқлар юмшатилади сўнгра дамламаси билан ювилиб, қасмоқлардан тозаланади. Кейинчалик тозалангандан сўнг ўсимлик шираси тенг микдорда бодом мойи аралашмасини докали пиликка шимдирилиб, кунига 2 маҳал қуйилади. Халқум ва хиқилдоқни атрофик яллиғланишиша ўсимлик дамламаси билан томоқ чайқадлади ва бир вақтнинг ўзида шираси билан кунига бир маҳал 8-10 кун давомида инголяция қилинади.

Хиқилдоқни атрофик яллиғланишида семиз ўт шираси тенг микдорда бодом ёғи билан аралашмасини 2 махал шприц билан қуйилади.

Иссиқда хаётнинг кўриган замон,
Бурнинг қуриб, ғамгин бўлсанг ногохон.
Семиз ўт сувини бодом билан егила,
Пешона устига сурка хар қачон.

Юсуфий

СИГИР ҚУЙРУҚ
КОРОВЯК ЧУСТОЦВЕТКОВЫЙ,
VERBASCUM DENSIFLORUM

Сигир қуйруқ бир йиллик ўт ўсимлик ҳисобланади. Асосан Кавказда, Россиянинг Европа қисмида, Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида қир-адирларда, тоғ ёнбағирларида ёввойи ҳолда ўсади.

Таркиби: Шилимшиқ модда, қанд, буёқ модда, каротин, сапонин, ва кумаринлардан иборат.

Доривор ўсимлик сифатида ўсимликнинг гулидан фойдаланилади. Ўсимлик қийғос гуллаганда (июль-август) иссиқ кунда гул барглари териб олиб иссиқ ва соя жойларда қуритилади. Қуруқ жойда сақланса 2 йил давомида ўз доривор хусусиятини йўқотмайди.

Дори сифатида сигир қуйруқнинг гулбаргидан дамлама тайёрлаб ишлатилади. Бунининг учун 5 гр. майдаланган ўсимлик гулини сирланган идишга солиб, 200 мл қайноқ сув қуйилади, усти беркитилган ҳолда сув хаммомида 3 дақиқа қайнатилади, совутилиб сузилади. Хосил бўлган дамлама 2 кун давомида ишлатишга ярокли бўлади. Бундан ташқари янги узилган гулини эзиб майдалаб, ширасини олиб ҳам ишлатилади.

Халк табобатида ўсимлик балғам кучирувчи, юмшатувчи, ўраб олувчи дори сифатида қўлланилади. Сигир қўйруқнинг дамламаси: юқори нафас йўлари, ошқозон-ичак аъзоларини яллиғланишида, жигар ва ўт пуфаги касалликларида 50-60 мл дан кунига 3 махалдан ичилади.

Ибн Сино танадаги хар хил шишларни даволашда, йирингли яраларда сигир қўйруқни гулини асалга аралаштириб суртган. Тиш оғригида, йўталда, ич кетганда ўсимликни дамламасини ичишни тавсия қилган.

Кулок, томок ва бурун касалликларида: Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида кунига 4-6 махал 6-8 кун давомида илик сигир қўйруқ дамламаси билан томоқ чайилади. Хикилдокнинг ўткир яллиғланишида ўсимлик гул ширасидан 1 чой қошиқ олиб 200 мл сувда қайнатилиб, иссиқ холда кунига 5-6 махалдан ичилади. Кулок, бурун жарохатларида, чипқонларида дока иссиқ дамламага шимдирилиб, кунига 2-3 махал бойланади. Буруннинг ўткир яллиғланишида дамламадан кунига 2 махал 3-4 томчидан бурунга томизилади.

Ичинг дамлаб сизда агар, ичлар кетиб тиш огриси,
Сиқиб олинг тоза шира, қўйинг унга янги сут бўлса,
Иссиқ холда ичинг бундан, олти махал ва яна кўп,
Тоза бўлиб овозингиз, яллиғланиш тугар деб, хўп-хўп.

Хақим Барот

СОЛАБ

ЯТРЫШНИК ПЯТНИСТЫЙ

ORCHIS MACULATA

Солаб кўп йиллик ўт ўсимлик хисобланади. Кўупинча Россия, Украина, Белоруссия ўрмонларида ёввойи ўсимлик сифатида ўсади.

Таркиби: шилимшик (50%), пектин, елим, аччик моддалар, минерал тузлардан иборат.

Шифобахш дори сифатида солабнинг илдиз меваси ишлатилади. Ўсимликнинг илдизи гуллаш вақтида ковлаб олинади. Янги ёш илдиз мевалари ажратилади, ювилиб, тозаланиб, сўнгра қуритиш жараёнини тезлатиш учун қайноқ сувга бир лахзага солиб олинади. Қуруқ, салқин жойларда илинган холда қуритилади. Агар қуруқ жойларда сакланса 6 йилгача ў шифобахш хусусиятини йўқотмайди.

Солабнинг шифобахш хусусияти шилимшиқ ажоалмасида бўлганлиги учун уни шиллиғини ажратиб олиниб, ишлатилади. Таркибидаги шилимшиқ модда ишлатишдан бир неча дақиқа олдин ажратилади, бунинг учун майдаланган илдиз мевадан 3-5 гр. олиб 100 мл совуқ сувга солинади ва 10-15 дақиқа тинмай аралаштириш йўли билан ажратилади.

Солаб халқ табобатида юмшатувчи, ўраб олувчи ва яллиғланишга қарши дори сифатида ишлатилади. Ошқозон шираси пасайишида, ошқозон яраси, ичакларнинг яллиғланишида 2 қошиқдан 3 маҳал ичилади. Бавосил касаллигида солаб шиллиғи билан хўқна қилинади. Солаб шиллиғи захарланганда захар таъсирини тўхтатишда энг кучли воситалардан бири хисобланади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида шиллимшиқ тенг миқдорда илиқ сув билан аралаштирилган қунига 4-6 марта томоқ чайилади. Буруннинг ўткир яллиғланишида солаб шиллимшиғидан қунига 2-4 маҳал 3-4 томчидан томизилади. Халқумнинг ўткир яллиғланишида солаб шиллиғи билан қунига 1 маҳал 6-8 кун давомида инголяция қилинади.

Қулоқнинг йирингли яллиғланишида қунига 2 маҳалдан тенг миқдорда сувга аралаштирган шиллиқ билан ювилади.

Ковлаб олинг илдиз поя, гуллаганда бу солаб,
Қўлланг уни, бўлса агар шилимшиққа катта талаб,
Икки маҳал ювинг қулоқ агар унда пасот бўлса,
Эшитмасдан сассиқ хидлар, атрофларга ёйилса.

ТИРНОКГУЛ

КАЛЕНДУЛА (НОГОТКИ ЛЕКАРСТВЕННЫЙ),

CALENDULA OFFICINALIS

Тирноқгул тенг тарқалган бир йиллик ўсимлик. Ўзбекистонда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

Таркиби: каратоид (3%), эфир мойлари (6,0 г/%), смола (3,4%), шилимшиқ модда (4%), органик кислоталардан иборат.

Шифобахш хусусияти гулида ва гул халтасида. Тирноқгул қийғос гуллаганда гулхалтаси узиб олиниб салқин жойларда қуритилади. Қурук жойда сақланса бир йилгача доривор хусусиятини сақлайди.

Дори сифатида тирноқгул дамлама, қайнатма, спиртдаги тиндирма ва малхами холатида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш: 20 гр. қуритилган гули ва гул халтасини 200 мл қайноқ сувга солиб, 30-80 дақиқа дамланади, тиндирилиб сузилади ва ишлатишга яроқли булади.

Қайнатма 20-30 гр қуритилган тирноқгул гули 200 мл қайноқ сувга солиниб, 15-20 дақиқа сув хаммомида қайнатилиб, сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади. Спиртдаги тиндирмаси 20-30 гр. қуритилиб, майдаланган гул ва гул халтаси 200 мл 96° спиртда 30-50 дақиқа сақланиш йўли билан тайёрланади.

Тирноқгул малхами: қуритилиб, толқон қилинган тирноқгул гулидан 10 гр олиниб, 50 гр вазелинга аралаштириш усули билан тайёрланади.

Халқ табобатида тирноқгул микробларга, яллиғланишга қарши, буриштирувчи, тинчлантирувчи, қон босимини пасайтирувчи дори сифатида фойдаланилади. Теридаги хар хил яралар, чипқонларда, жароҳатларда, куйган ва совуқ олган жойларга тирноқгул малхами қўлланилади. Тирноқгул малхами ишлатилганда яралар тез битади.

Тирноқгул дамламаси ва кайнатмаси орқа пешоб, аёллар жинсий аъзолари яраларида докага шимдирилиб қўйилса, яра тез битиб кетади.

Хафакон касаллигида тирноқгул тиндирмасидан 30-40 томчидан кунига 3-4 махал, 3-4 хафта давомида ичилса, жуда яхши фойда беради. Юрак фаолияти бузилганда, юрак уриши тезлашганда, жигар касаллигида, ўт пуфаги яллиғланишида, ошқозон-ичак яраларида тирноқгул дамламасидан 50-60 мл дан 3 махалдан 3-4 хафта давомида истеъмол қилинса яхши натижаларга эришилади. Ёмон сифатли ўсмаларда тирноқгул дамламаси кунига 4 махал 50-60 мл дан истеъмол қилинса, фойдаси яхши бўлади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқум ва бодомча безларини ўткир яллиғланишида тирноқгул дамламаси билан кунига 5-6 махал 10 кун мобайнида томоқ чайилади. Бир вақтнинг ўзида дамламадан кунига 3-4 махал 30-40 мл дан ичилади. Буруннинг ўткир яллиғланишида эритилган тирноқгул дамламаси (50 мл кайнаган сувга 1 чой қошиқ тирноқгул эритмаси аралаштириб тайёрланади) билан кунига 8-10 кун давомида бурун ювилади.

Бодомча безларининг сурункали яллиғланишида лакуналар кунига 1 махал 10 кун давомида дахлама билан ювилади. Қулоқнинг йирингли яллиғланишида тирноқгул дамламаси билан кунига 2 махал қулоқ ювилади, ва 40° спиртли сурмасидан докали пиликка шимдирилиб қўйилади.

Бурун олди бўшлиқларининг йирингли яллиғланишида бўшлиқ ювилгандан сўнг тирноқгул дамламасидан 8-10 мл миқдорда кунига бир махал юборилади.

Қулоқ, бурун чипқонлари ва жарохатларида тирноқгул малхами билан кунига бир махал боғлов қилинади.

Тенг келади шираси хам, сулеймага хос,

Туғаб йиринг, қилади яра бехосга,

Бойланилса малхамидан, агар бурун-қулоқ эзилса,

Бундан яна қўйинг дархол, бурунда оғрик сезилса.

ТОҒ АРНИКАСИ
АРНИКА ГОРНАЯ
ARNICA MONTANA

Тоғ арникаси кўп йиллик ўсимлик ҳисобланади. Украина, Белоруссия ва Болтиқ бўйи мамлакатларида, Киргизистонда, Ўзбекистонда тоғ олди майдонларда кенг тарқалган.

Таркиби: арницин (4%), бўёқ моддалар, цинорин, эфир мойи, органик кислота, аскорбин кислотаси, холин, бетаин, смола, қанд ва ошловчи моддалардан иборат.

Тоғ арникасини шифобахш дори сифатида гул ҳалтаси ва илдизи ишлатилади. Гуллаш вақтида гул ҳалтаси (июнь-июль) териб олинади, илдизи эса кузда (сентябрь-октябрь) қовлаб олиниб, салқин жойда қуритилади қуруқ жойда гул ҳалтаси 2 йил, илдизи эса 5 йил сақланади.

Дори сифатида тоғ арникасидан дамлама ва қайнатма холида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш: 1 чой қошиқ қуритилган ўсимликнинг гул ҳалтаси 200 мл қайноқ сувда 10-15 дақиқа дамланади, сузилади ва тайёр бўлади.

Қайнатма тайёрлаш: 1 чой қошиқ қуритилган ўсимлик гул ҳалтаси 250 мл қайноқ сувга солиб, 20-30 дақиқа қайнатилади, 10-15 дақиқа тиндирилиб, сузиш йўли билан тайёрланади. Янги узилган гул ҳалтаси майдалаб эзиб, ташқи яраларга ҳам қўйилади.

Халқ табобатида ўсимлик дамламаси ва қайнатмаси қондаги холестерин миқдорини пасайтирувчи, асабларни тинчлантирувчи, ўт хайдовчи дори сифатида ишлатилади. Тоғ арникаси атеросклерозда, хафақон касаллигида, юрак қон томирлари фаолиятини кучайтиришда 1 чой қошиқдан 3 маҳал ичилади. Ўсимликнинг дамламаси қон тўхтатувчи хусусияти кучли

бўлганлиги сабабли ички ва ташки қон кетишда қунига 1 чой қошиқдан 2 маҳал ичилади. Теридаги ҳар хил яраларда, тирналган, эзилган жароҳатларда, қуйиш, совуқ уришдан сўнгги яраларда, чипқонларда доқага шимдирилиб, қунига 2 маҳал қўйилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Бурундан қон кетганда дамламадан 1 чой қошиқдан қунига 2-3 маҳал ичилади ва дамлама доқали пиликка шимдирилиб, бурун ичига қунига 2 маҳал қўйилади.

Халқумдан қон кетишида (тонзиллэктомиядан сўнг) дамлама доқага шимдирилиб, томоққа босилади ва бир вақтда 1 чой қошиқдан 3 маҳал ичилади. Бурун ва қулоқ чипқонларида қунига 2 марта майдалаб эзилган гули доқага ўраб боғланади.

Дори бўлар арникаси, илдизию гулхалтаси,

Унда бордир эфир-мойу, холин ҳамда кислотаси.

Кайнатганда қабул қилинг, яна қўйинг бурунга,

Қон тўхтайдди, дархол шунда, яна томоққа суртилса.

Ҳаким Барот

ТОҒ ЖАМБИЛ

ТИМЬЯН ОБЫКНОВЕННЫЙ

THYMUS VULGARIS

Тоғ жамбил бутадослар оиласига мансуб бўлиб, кўп йиллик ўсимлик ҳисобланади. Кўпроқ Украина, Молдова, Кавказда ва Ўрта Осиёнинг тоғли ўлкаларида ўсади.

Таркиби: Эфир мойи, сапонинлар, кофеин, флавоноидлар, органик кислоталардан иборат.

Табобатда ўсимликнинг ер устки қисми ишлатилади. Тоғ жамбилини устки қисми гуллаш вақтида (май-июнь) ўриб олиниб, салқин жойда куритилиб, курук жойда қоғоз халталарда 3 йилгача сақланади.

Тоғ жамбилидан дамлама тайёрлаб ишлатилади. Дамлама тайёрлаш учун бир қошиқ куриган тоғ жамбилидан олиниб, 200 мл қайноқ сувга солиб, 10-15 дақиқа дамланади ва сузилади. Янги узилган барги майдаланиб, эзилиб шарбат холида ишлатилади.

Спиртдаги тиндирмаси: янги узилган баргидан 100 гр олиб майдаланади ва 40° спиртда 10 кун сақланади, сузилади, сўнгра ишлатиш мумкин.

Халқ табобатида юқори нафас йўллари яллиғланишида, невралгияда, мушаклар шамоллашида, радикулитда тоғ жамбили дамламаси билан иссиқ хаммом қилинади. Тоғ жамбили шираси гижжа хайдовчи дори сифатида ва замбуруғли касалликларда яхши фойда беради.

Ибн Сино куз қувватини яхшилашда, овқатга қўшиб тановвул қилишни тавсия қилган. Юқори нафас йўллари шамоллашида балғам кўчирувчи сифатида хам ишлатган. Сийдик хайдаш ва хайз қонини юргизувчи, гижжа хайдовчи, сўнгалларни йўқотувчи сифатида тавсия қилган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқум ва хиқилдоқнинг замбуруғли касалликларида тоғ жамбили дамламаси билан томоқ кунига 3-4 махал 10 кун давомида чайилади. Бир вақтнинг ўзида шираси билан кунига 1 махалдан 6-8 кун давомида инголяция қилинади. Қулоқни йирингли касалликларида айниқса замбуруғли шаклида дамлама билан йиринг ювиб тозаланади ва спиртдаги тиндирмани докали пиликка шимдирилиб, кунига 2 махал қўйилади.

Бурун олди бўшлиқларининг йирингли яллиғланишида пункция қилиб ювиб, тозалангандан сўнг кунига бир махал 8-10 миқдорда қўйилади.

Томоқ, хамда хиқилдоқда, бўлса агар замбуруғ,
Жамбил дамланг, чайинг, сизга айтар у қуллуқ.

Замбуруғли яра бғлса, ўнг ва чап кулокда,

Ювинг уни, қўйинг пилик, тиндирилган майда.

Хаким Барот

ТОҒ ҚОРА РАЙХОНИ
ДУШИЦА МЕЛКОЦВЕТНАЯ,
OSIMUM BOSILICUM

Тоғ райхони кўп йиллик хушбуй ўт хисобланади. Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг тоғли туманларида ёввойи ўт сифатида кўп учрайди.

Таркиби: эфир мойлари, (фенол, тимол, карвакрол, геранилацетат) сапонинлар, аскорбин кислотаси ва ошловчи моддалардан иборат.

Тоғ райхонининг дори сифатида пояси, барги ва гули ишлатилади. Тоғ райхонини гуллаш вақтида (июль-август) гули ва барги териб олиниб, салқин жойда боғлаб илинган холда қуритилади, куруқ жойда сақланса 2 йилгача ўз доривор хусусиятини йўқотмайди.

Дори сифатида ўсимликдан дамлама холида фойдаланилади. Бунинг учун 15 гр қуритилган ўсимликни 200 мл қайнатилган сувга солиб идишни устки кисми беркитилиб, 15-20 дакика дамланади, сўнгра сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади.

Халқ табобатида тоғ Қора райхони асабни тинчлантирувчи, терлатувчи, овқат хазм қилдирувчи, ичаклар фаолиятини оширувчи дори сифатида ишлатилади. Шунинг учун бавосилда, бош оғриғида, юқори нафас йўллари шамоллашида ўсимлик дамламасидан кунига 1 чой қошиқдан кунига 3-4 махал ичилади. Ўсимлик микробларни ривожланишини тўхтатувчи хусусияти борлиги учун терининг йирингли касалликларида яраларга дамламадан шимдирилиб боғланади.

Ибн Сино усимликни ширасини кулок оғриғида ишлатган. Бурун қонашида ўсимликни майдалаб, эзиб, ширасини докали пиликка шимдириб бурунга қўйган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Қулоқ ва бурун чипқонларида ёки жароҳатларда ўсимлик шираси докали пиликка шимдирилиб, кунига 3-4 маҳалдан қўйилади.

Бурундан қон кетганда тоғ Қора райхон шираси докали пиликка шимдирилиб, кунига 2 маҳалдан бурунга тиқилади. Бир вақтнинг ўзида дамаламадан 3-4 маҳал бир қошиқдан ичилади.

Ўрта қулоқнинг йирингли яллиғланишида йиринг тозалангандан сўнг докали пилик ўсимлик ширасига шимдирилиб, кунига 2 маҳал қўйилади.

Томизилса шарбати қулоққа оғриган замон,

Қулоқ очилар, кўз тузалар батомом.

Тенг миқдорда қўшилса агар қайнаган сутга,

Фойда қилар томоқ ва бурун ярага.

Хақим Барот

ТОҒ ҚУДДУСИ

ЧИСТЕЦ БУКВИЦЕЦВЕТНЫЙ,

STACHUS BETONICIFLORA RUPR

Тоғ қуддуси кўп йиллик ўтсимон ўсимлик Қримда, Кавказда ва Ўрта Осиёда, кўпроқ Тошкент вилоятининг тоғли туманларида учрайди.

Таркиби: сапонин, аскорбин кислотаси, каротин, эфир мойи, марганец тузидан иборат.

Шифобахш дори сифатида ўсимликнинг пояси ишлатилади.

Ўсимлик пояси қийғос гуллаганда (июль-сентябрь)да ўриб олиниб, салқин жойда илинган холда қуритилади. Қуруқ жойда, қоғоз халталарда сақланса, ўсимлик 2 йилгача ўз шифобахш хусусиятини йўқотмайди.

Дори сифатида тоғ Қуддуси дамлама ва спиртдаги тиндирма холида ишлатилади. Дамлама тайёрлаш: 1 чой қошиқ қуритилиб, майдаланган ўсимлик пояси сирланган идишга солиб, 200 мл қайноқ сув қўйилади ва усти

беркитилган холда сув хаммомида 5 дақиқа қайнатилади, сузилади ва 2 кун давомида яроқли бўлади.

Спиртдаги тиндирмаси бир қисм куритилиб, майдаланган ўсимлик пояси 5 қисм 40° спиртда 10 кун тиндирилади, сузилади ва ишлатишга яроқли бўлади.

Халқ табобатида тоғ Қуддуси кучли қон тўхтатувчи сифатида ишлатилади. Бачадондан ва ўпкадан қон кетганда спиртдаги тиндирмасидан 30-40 томчидан 3-4 маҳал ичилади. Юрак хасталигида, хафақон касаллигида ҳам ўсимлик дамламаси яхши натижа беради. Теридаги йирингли яраларга ўсимликни майдаланган барги докага шимдирилб боғланади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: бурундан қон кетганда кунига бир маҳал ўсимлик дамламаси докали пиликка шимдирилиб, бурунга кунига 2 маҳал 1 соатга тиқилади. Бир вақтнинг ўзиде спиртдаги тиндирмасидан кунига 3-4 маҳал 20-40 томчидан ичилади. Бурун чипқонларида янги узилган ўсимлик пояси майдаланиб, боғланади.

Қулоқнинг йирингли яллиғланишида қулоқ ювилиб, йирингдан тозалангандан сўнг ўсимликнинг спиртдаги тиндирмаси шимдирилган докали пилик кунига 2 маҳал тиқилади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида дамламадан кунига 2 маҳал 2-3 томчидан томизилади. Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари жаррохлигида қон кетишини олдини олиш учун 10-12 кун аввал ўсимликни тиндирмасидан кунига 3-4 маҳал 25-30 томчидан ичилади.

Тузалмасдан йиринг оқса, ўша касал қулоқдан,
Ювинг дархол қўйинг уни, озод қилар тузоқдан.
Икки маҳал қўйинг дамлаб, бурундан агар оқса қон,
Ичинг уни фойда, ташрих қилса ҳам оғох.

Хақим Барот

ТУГМАЧАГУЛ
МАЛЬВА ДИКАЯ
MALVA SILVESTRIS

Тугмачагул бир ва кўп йиллик ўсимлик хисобланиб, асосан Россиянинг Европа қисмида, Ўрта Осиё мамлакатларида, Ўзбекистоннинг эса барча вилоятларида ариқ бўйларида учрайди.

Таркиби: усимлик ёғи, каротин, шиллик моддалар, витамин С ва бошка моддалардан иборат. Тугмачагулнинг барги ва гули шифобахш хусусиятга эга. Гуллаш вақтида гуллари териб олинади, барглари эса май-июнь ойларида терилади, очик хавода, салкин жойда куритилади ва курук жойда қоғоз халталарда сақланса 2 йил давомида доривор хусусияти сақланади.

Дори сифатида тугмачагул барги ва гулидан дамлама тайёрланиб ишлатилади. Бунинг учун майдаланган гули ва баргидан бир қошиқ олиниб, қайнаб турган 200 мл сувга солиниб, 3 соат дамланади, сўнгра докада сузилади, озроқ қанд қўшилади ва ишлатишга тайёр бўлади.

Халқ табобатида тугмачагулни барги ва гули яллиғланишга қарши, юмшатувчи ва ич юритувчи сифатида қўлланилади.

Ошқозон-ичак яллиғланишида, юқори нафас йўллари шамоллаганда тугмачагул дамламасидан 2-3 ош қошиқдан кунига 4-5 махал ичилади. Тугмачагул дамламасини ошқозон ости беши яллиғланишида ва буйрак санчигида 2 чой қошиқдан 3-4 махал ичиш яхши фойда беради.

Ибн Сино тугмачагул баргини майдалаб, туз билан аралаштириб, куздаги окма ярага тортишни тавсия қилган. Барги ва гулини кукракни юмшатувчи, сутни купайтирувчи, йутални колдирувчи дори сифатида ишлатган. Тугмачагул барги дамламасини ични юмшатишда, огрикни колдиришда ва сийдик юриштиришга ишлатган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халкумни ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида тугмачагул барги дамламаси билан томоқ

кунига 5-6 махал чайилади. Бир вақтнинг ўзида дамламадан бир ош қошиқдан кунига 3-4 махал ичилади.

Хиқилдокнинг ўткир яллиғланишида дамламани балғам кучирувчи ва овозни тозаловчи дори сифатида кунига 1 махал 8-10 кун давомида инголяция қилинади ва бир вақтда 1 ош қошиқдан 3-4 махал иссиқ холда тавсия қилинади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида дамламадан кунига 2 махал 2-3 томчдан томизилади.

Учрасаки агар сизга, тугмачагул,
Териб олинг, барг ва гулин бирма-бир.
Дамлаб ичса йўқотади, шамоллашу бавосилни,
Суркаса тез битказар, яраси бор терини.
Агар кимки барвақт еса, уни тоза уруғин,
Чаён чаққан ярага келар тезда қирғин.
Чайқалса томоқ, агар овқатдан сўнг,
Томоқ, оғриқлар, бўлар бир умрга сургун.

Хақим Барот

ТУРП

РЕДЬКА

RAPHANUS SATIVUS

Совуқ ўлкалардан ташқари ер юзида кенг тарқалган 2 йиллик полиз экини. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида етиштирилади.

Таркибида: фитонцидлар, витаминлар С, В₁, рафанол, холин, гистидин, эфир мойлари, қанд моддаси бор.

Шифобахш дори сифатида илдиз меваси ишлатилади. Кеч кузда ковлаб олиниб, ерга ўра ковлаб усти беркитилган холда сакланади.

Табобатда илдиз мевасини хом холича ёки майдалаб, ширасини олиб ишлатилади.

Халқ табобатида турп балғам кўчирувчи, йўтал қолдирувчи ва ошқозон ичак фаолиятини яхшиловчи восита сифатида қўлланилади.

Турп ширасини микробларни ривожланишини тўхтатувчи хусусияти борлиги туфайли, турли яллиғланиш касалликларида ишлатилади. Бундан ташқари шираси буйрак тош касалликларида яхши фойда беради.

Ибн Сино турпни кўк йўталга, меъда-ичак касалликларида буюрган. Буйрак-тош касаллигида ширасини ичирган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида турп шираси тенг микдорда иссик сув билан аралаштирилиб, томоқ кунига 3-4 маҳал чайилади.

Хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида шираси билан кунига бир маҳал 8-10 кун давомида ингальяция қилинади ва бир вақтнинг ўзида ширасидан кунига 2-3 маҳал 50-60 мл дан ичилади.

Хар кишини овози чиқмай, бошидан хуш қочар,

Турп сувида ғар-ғара қилса уни дархол очар.

Мир Мухаммад Хусайн

ТУТ
ТУТОВНИК
MORUS ALBA

Тут дарахти Ўрта Осиёда, Кавказда, Қримда кенг тарқалган. Ўзбекистонда барча вилоятларда ўстириладиган кўп йиллик дарахт.

Ўсимлик таркиби: мевасида қанд моддаси, витаминлар, органик кислоталар, баргида витамин С, каротин, эфир мойи, ошловчи ва бўёқ моддалар бор.

Шифобахш дори сифатида меваси, барги ва тана пўстлоғи ишлатилади.

Мевасини май-июнь ойларида териб олинади, очик жойларда қуритилади ва қуруқ жойларда бир йил саклаш мумкин.

Барги йил давомида, тана пўстлоғи эрта баҳорда олиниб, майдаланиб қуритилади.

Табобатда меваси янги ёки қуритилган ҳолда истеъмол қилинади ёки шираси олиниб ишлатилади. Пўстлоғи ва баргидан дамлама тайёрлаб ишлатилади.

Бунинг учун 1 чой қошиқ қуритилган барги ёки тана пўстлоғини 200 мл қайноқ сувда 30 дақиқа дамланади, сузилади ва ишлатиш мумкин.

Халқ табобатида яллиғланишга қарши балғам кўчирувчи дори сифатида ишлатилади. Ошқозон-ичак касалликларида, иситма кўтарилганда, мева ширасидан фойдаланилди. Тана ва барг дамламаси билан тери яралари ювилади, нафас ва сийдик йўллари шамоллашида эса кунига 2 маҳалдан 50-60 мл дан ичилади.

Ибн Сино томоқ яллиғланиши касалликларида тут барги дамламаси билан чайқашни буюрган. Тиш оғриғида тут баргини майдалаб босган. Ич кетишда мева ширасини ичирган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида тут баргининг дамламаси билан кунига 3-4 маҳал томоқ илиқ холида чайилади.

Бодомча безларининг сурункали яллиғланишида тут меваси тенг миқдорда чилон жийда меваси билан эзиб аралаштириб, сўнг аралашмадан бир ош қошиқдан олиб 100 мл иссиқ сувга аралаштириб кунига 3-4 маҳал 10 кун давомида томоқ чайилади.

Тутнинг илдизи-ю мевасин тўйсин,

Қайнатиб, сувини оғизга қўйсин.

Ғар-ғара қилса у бир ойга муддом,

Овози очилиб кетади тамом.

Юсуфий

УЧҚАТ

ЖИМОЛАСТЬ СЪЕДОБНАЯ

LONICERA EDULIS TURKIZ

Учқат кўп йиллик ўсимлик ҳисобланиб, асосан Сибирь ва Узок Шарк ўрмонларида ўсади.

Таркиби: қанд, органик кислоталар, флавоноидлар, антоциан, витамин С лардан иборат.

Шифобахш дори сифатида меваси ва новдаси ишлатилади. Учқат меваси пишиб етилганда, териб олиниб қуритилади ва курук жойда сақланади. Новдалари гуллаш вақтида кесиб, бойланган холда илиб қўйиб, салқин жойларда қуритилади.

Дори сифатида учқат меваси янги пишиб етилган холида ва мураббо тайёрлаб истеъмол қилиш мумкин.

Дамлама тайёрлаш: бунинг учун 1 чой қошиқ қуритилган меваси ёки қуритилиб майдаланган новдаси 200 мл қайноқ сувга 15-20 дақиқа дамланади, сузилади ва 2 кун давомида ичишга яроқли бўлади.

Халк табобатида учқат қон босимини пасайтирувчи, антисептик (микробларга қарши), ошқозон ширасини кучайтирувчи дори сифатида қўлланилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Бодомча безлари ва халқумнинг ўткир яллиғланишида учқат дамламаси билан кунига 3-4 махалдан томоқ чайилади ва бир вақтда дамламадан илиқ холда 1 чой қошиқдан 4-6 махал ичилади. Буруннинг ўткир яллиғланишида учқат дамламаси кунига 3-4 махал 3-5 томчидан бурунга томизилади. Бурун ва қулоқ чипқонлари ёрилиб, йиринг ажралиш вақтида эзилиб майдаланган янги новдаси кунига 2 махал докага ўралиб боғланади.

Яллиғланса ўткир холда, халқум, ҳамда бодомча без,
Чайинг томоқ, ичакка яна таъсир қилар дамламаси тез.
Териб новда эзинг дархол, боғланг уни икки махал,
Бурун-қулоқ чипқонлари, тузалади яна иши бўлиб хал.

Хақим Барот

ХАНТАЛ

ГОРЧИЦА САРЕПТСКАЯ

BRASSICA JUNCEA

Хантал Ўрта осиеда кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятлари, экинзорларида бегона ўт сифатида ўсадиган бир йиллик ўсимликдир

Таркиби: эфир мойлари, уругида аллиргоричич мойи (40%), азотли бирикмалар, мирозин фермента, шиллик, синигрин гликозидларидан иборат.

Ханталнинг уруғи шифобахш дори сифатида ишлатилади. Хантал уруғи пишиб етилгач, териб олиниб, янчилади ва майдалаб куқун холида қуруқ жойларда сақланади.

Дори сифатида хантал уруғи кукунидан ханталли қоғоз қилиб ишлатилади (горчичник).

Хантал халқ табобатида иштаха очувчи ва овқат сингдирувчи дори сифатида ишлатилади. Хантал мойининг спиртдаги 2% эритмаси ва хантал уруғи кукуни юқори нафас йўлларининг шамоллашида, зотилжамда, радикулитда, мушаклар яллиғланишида, бўғимлар бод касалигида, махаллий қон айланишини яхшиловчи дори сифатида ишлатилади.

Қон босими кўтарилганда, бош оғриғида, юрак қон-томирлари қисилиш касаллигида хантал қоғози бўйинга, елкага ва юрак атрофига 10-15 дақиқага ёпиштирилади, уруғини эса гижжа касаллигида ичилади.

Ибн Сино хантал уруғи кукунини асал билан аралаштириб бод касаллигида, турли шамоллашларда суртишни тавсия қилган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида, ёлғон бўғмада кўкрак қафасига айлангириб хантал қоғози 15-30 дақиқага ёпиштирилади. Бир вақтнинг ўзида хантал кукуни билан кунига 3-4 махал оёққа иссиқ хаммом қилинади. Бунинг учун 6-8 литр кайнок сувга 6-8 қошиқ хантал кукуни қўйилади ва оёқлар 10-15 дақиқа давомида хаммом қилинади, керак бўлса бу муолажани 3-4 мартаба қайтариш мумкин. Қулоқ, бурун чипқонларида ёки жароҳатларида ханталнинг спиртдаги эритмаси докага шимдирилиб, кунига 2 махал боғланади.

Бурун ва бурун олди бўшлиқларининг ўткир катарал яллиғланишларида 1 чой қошиқ хантал кукуни 2:1 нисбатда тузга аралаштириб, унга 150 мл 40° спирт қўшиб, аралашмадан кунига 30-40 томчидан 3 махал 5-7 кун давомида ичилади.

Суви, ёгидан томизгач қулоқ,

Оғриғи даф бўлиб кетади узоқ.

Фар-ғара қилинса у билан хар чоғ,

Томоқ оғриғи йўқотар мутлоқ.

Сайид Хасрат

ЧУЧУКМИЯ (ҚИЗИЛМИЯ)
СОЛОДКА ОБЫКНОВЕННАЯ,
GLYCURRHIZA GLABRA

Чучукмия кўп йиллик ўт ўсимлик хисобланади. Ўсимлик Россиянинг Европа қисмида, Кавказда, Қозоғистонда ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида ариқ бўйларида, қумли ерларда бегона ўт сифатида учрайди.

Таркиби: глицирризин, сапонин, флавоноидлар, аспаргин, шилимшик, елим, эфир мойи, аскорбин кислотаси, канд крахмал ва ошловчи моддаларадан иборат.

Шифобахш дори сифатида чучукмиянинг илдизи ишлатилади. Эрта баҳорда ёки кеч кузда илдизи ковлаб олиниб, тозаланиб, ювилиб очиқ хавода куритилади. Қуруқ жойда сақланса чучукмия илдизи 10 йилгача ўз доривор хусусиятини йўқотмайди.

Дори сифатида чучукмиядан дамлама, сироп холида ишлатилади.

Дамлама тайёрлаш: 1 ош қошиқ майдаланган илдиз сирланган идишга солиниб, устига 200 мл қайнаган сув қўшилади, усти берк холда сув хаммомида 15-20 дақиқа қайнатилади, совутилиб сузилади. Хосил бўлган дамламани 2 кун давомида ишлатишга яроқли.

Сироп тайёрлаш: илдиз шарбатидан 4 қисми, шакар киёмидан 86 қисм ва 10 қисм 96° спирт аралаштириб тайёрланади.

Табобатда чучукмия балғам кўчирувчи, ўраб олувчи, юмшатувчи, яллиғланишга ва аллергияга қарши дори сифатида ишлатилади. Сурункали бронхит, зотилжам, нафас қисишда, ошқозон ва 12 бармокли ичаклар ярасида дамламадан 1 чой қошиқдан 3-4 махал овқатдан сўнг ичилади.

Ибн Сино милк яллиғланганда чучукмия ширасини суртишни тавсия қилган. Ўпка йўлларида тўпланган балғамларни кўчириш, овозни тозалашда

ичирган. Теридаги жарохат ва йирингли яраларни даволашда ширасини суртиб боғлаган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Хиқилдоқнинг ўткир ва сурункали яллиғланишида чучукмия дамламаси билан кунига 2 махалдан 6-8 кун давомида инголяция қилинади. Бир вақтнинг ўзида овкатдан сўнг дамламадан 3 махал бир қошиқдан ичилади. Буруннинг ўткир яллиғланишида дамламадан кунига 2 махалдан 3-4 томчидан томизилади. Буруннинг аллергияк яллиғланишида дамлама билан кунига бир махалдан 8-10 кун давомида электрофорез қилинади ва бир вақтда дамламадан бир қошиқдан 3 махалдан ичилади.

Бурун, халкум ва хиқилдоқнинг атрофик яллиғланишида чучукмия сиропи шимдирилган докали пилик кунига 2 махал 2 соатга бурунга қўйилади. Сироп билан кунига 2 махал халкум ва хиқилдоққа суртилади.

Менга қўйган номи ахир қизилмия,
Аташади деб ширин чучукмия.
Майли менга қўйилган оти уч хил бўлсин,
Лекин жуда фойдалиман сизга дўстим.
Томиримни кайнатсалар дархол қочар,
Танадаги турли туман шамоллашлар.
Фойдалиман, хайдаб тезда захарларин,
Очаману бўғиқ овоз ва нафас йўлларин.

Хақим Барот

ШАФТОЛИ

ПЕРСИК ОБЫКНОВЕННЫЙ

PERSICA VULGARIS

Шафтоли ўрта Осиёда, Кавказда, Қримда, Европанинг жанубий давлатларида ва Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида ўстирилади.

Шафтоли уруғи таркибида: эфир мойи, амигдалин гликозиди, мевасида: каротин, канд, витаминлар А, С, органик кислоталар, эфир мойлари бор.

Шафтолининг шифобахш хусусияти уни гулида, мевасида ва мева уруғида (мағизида).

Меваси янги ёки қуритилган холида истеъмол қилинади. Данагининг мағизини эзиб, сиқиш йўли билан мойи олиб ишлатилади. Барги, гули териб олиниб, янгилегича ёки қуритилган холда ишлатилади.

Қуриган барги ёки гулидан дамлама тайёрланиб ишлатилади, бунинг учун 1 чой қошиқ қуритилган гули 200 мл қайноқ сувда 30 дақиқа дамланади, сузилади ва ишлатишга яроқли бўлади.

Халқ табобатида шафтоли ични юмшатувчи, гижжа хайдовчи, ўт ва сийдик юритувчи дори сифатида ишлатилади. Данақ мағизи мойи турли асаб толаларини шамоллашида яхши наф беради. Дамламаси теридаги йирингли яраларни тез битиради.

Ибн Сино шафтоли мевасини ични юмшатувчи гижжа хайдовчи дори сифатида ишлатган. Баргини шираси билан теридаги узоқ битмаган яраларни тuzатган. Мағиз мойини мушакларнинг тиришиб қолишида суртишни тавсия қилган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Қулоқнинг йирингли яллиғланишида шафтоли гули ёки барги шираси тенг миқдорда иссиқ сувга аралаштириб, хар куни икки махал қулоқ ювилади, сўнгра шираси шимдирилган докали пилик тиқилади. Ташқи қулоқнинг тарқалган яллиғланишида ёки турли яраларида шафтолининг мағиз мойи шимдирилган дока билан кунига 2 махалдан боғланади.

Бурун, халқум ва хиқилдоқнинг атрофик яллиғланишида бурунга кунига 2 махал 3-4 томчидан мағиз мойидан томизилади, халқумга суртилади, хиқилдоққа эса махсус шприц орқали қуйилади. Бир вақтнинг ўзида мағиз мойи билан кунига бир махал 8-10 кун давомида инголяция қилинади.

Мижозда хўл-совуқ бўлар шафтоли,
Иккинчи ўринда ўрик мисоли.
Қурт бўлса қорнида ва қулоқда,
Ўлдирар томизса, ичса хар чоқда.

Сайид Хасрат

ШИЛДИРБОШ

СФЕРОФИЗА СОЛОНЦОВАЯ,

HERDA SPHAEROPHYSAE SALSULA

Шилдирбош кўп йиллик ўт ўсимлик хисобланади. Асосан ўсимлик Ўрта Осиё, Қозогистон, Кавказда ўсади. Ўзбекистонда чўл, шўртупрок кумликларда бегона ўт сифатида учрайди.

Шилдирбошнинг таркиби: алколоид, сферофизин, изофлаван, кумаринлардан иборат.

Дори сифатида ўсимликнинг ер устки қисми ишлатилади. Ўсимликни гуллаш (май-июнь) пайтида ўриб олиниб, салқин жойларда сақланса, 2 йилгача ўз доривор хусусиятини йўқотмайди. Шилдирбош дамлама холида ишлатилади, бунинг учун бир чой қошиқ қуритилган ўсимликни 200 мл қайноқ сувга солиб 15-20 дақиқа дамланади, сўнгра сузилади ва 2 кун давомида ишлатишга яроқли бўлади.

Бундан ташқари шилдирбошдан олинган сферофизин моддаси дори ишлаб чиқариш саноатида хафакон касаллигини даволашда инъекция учун чиқарилади.

Халк табобатида хафакон касаллигида, акушерлик шифохоналарида туғиш жараёнини кучайтириш мақсадида ва туғишдан сўнги қон кетишни олдини олиш мақсадида ўсимликдан олинган сферофизин эритмаси тери остига юборилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Бурундан қон кетганда шилдирбош дамламасидан кунига 50-60 мл дан 3-4 маҳал ичилади, бир вақтнинг ўзида дахлама докага шимдирилиб, кунига 2 маҳал бурунга тикилади.

Топасизлар бизда уни, шўртупроғу, кумликларда,
Дори қилиб ишлатишган кўп касалу хафақонда.
Кетса қонлар бурундан-у, яна туғиб бўлса ҳам,
Дамламасин ичинг тез-тез, қўйинг ундан пиликка ҳам.

Ҳаким Барот

ШИРЧОЙ ГРАВИЛАТ ГОРОДСКОЙ GEUM URBANUM

Ширчай кўп йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, кўпроқ Ўрта Осиёда учрайди. Ўзбекистонда Тошкент ва Фарғона водийсининг тоғ ёнбағирларида, ариқ бўйларида, ўрмонзорларида ёсади.

Таркиби: ошловчи моддалар, елим, эфир мойлари, аччик модда, витамин С, А, геин гликозидларидан иборат.

Шифобахш дори сифатида илдизи ва пояси ишлатилади.

Ўсимликнинг пояси гуллаш вақтида май-июнь ойларида ўриб олиниб, салқин жойда қуритилади. Илдизи эса кузда қовлаб олиниб, офтобда қуритилади. Қуруқ жойларда сақланса 2 йилгача ўз доривор хусусиятини йўқотмайди.

Дори сифатида ширчайдан дахлама тайёрлаб ишлатилади.

Дамлама тайёрлаш: бир ош қошиқ қуритилиб, майдаланган ўсимлик илдизи ёки пояси сирланган идишга солиниб, 200 мл сув қуйилиб, усти беркитилиб сув хаммомида 15 дақиқа қайнатилади, совутилиб, сўнг сузилади

ва 2 кун давомида ишлатишга яроқли бўлади. Ширчойни пояси ёки илдизи куритилиб, майдаланиб, кукун холида ҳам ичилади.

Ширчой халқ табобатида буриштирувчи, ошқозон-ичак, жигар ва буйрак касалликларида яллиғланишга қарши дори сифатида ишлатилади. Юқори нафас йўлларида яллиғланишида ширчойнинг майдаланган кукундан 1 гр дан 2 махал ичилади. Аъзолардан қон кетишда, қон тўхтатувчи дори сифатида бир ош қошиқдан 3 махал дамламадан ичилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида кунига 3-4 махал томоқ ширчой дамламаси билан чайилади. Хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида кунига икки махал ширчой дамламаси 8-10 кун давомида ингаляция қилинади. Бурундан қон кетганда кунига бир махал докали пилик дамламага шимдирилиб, бурунга текилади, бир вақтнинг ўзида дамламадан кунига бир ош қошиқдан 3-4 махал ичилади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида дамлама шимдирилган пилик 2 махал 2 соатга қўйилади.

Дамлаб туриб кўп чайқангиз, оғриб турган томоқни,

Тузатади яна бир бор, еллиги бор хиқилдоқни.

Кўп оқсаки қонлар ҳам, бўлса яна шамоллаши,

Бурнингизга қўйинг дархол, докали пилик дамламаси.

Хақим Барот

ЭВКАЛИПТ

ЭВКАЛИПТ

EUCALYPTUS GLOBULUS

Эвкалипт доимо яшил бўлиб ўсадиган дарахт, Украинада, Кавказда, Қримда, Туркистонда учрайди.

Таркиби: эфир мойи, органик кислоталар, ошловчи ва аччиқ моддалардан иборат.

Шифобахш дори сифатида эвкалиптнинг барги ва ёш новдалари ишлатилади. Новдада барглари тўлик ёзилгач, ўриб олиниб, илинган холда салқин жойларда қуритилади. Қурук жойда сақланса, 3 йилгача ўз доривор хусусиятини йўқотмайди.

Дори сифатида эвкалиптдан дамлама тайёрланиб ишлатилади. Бунинг учун 2 ош қошиқ майдаланган эвкалипт барги сирланган идишга солиниб, 200 мл қайнаган сув қуйилади ва усти берк холда, сув хаммомида 30 дақиқа қайнатилади, совутилади, сузилади ва 2 кун давомида ишлатишга яроқли бўлади. Эвкалиптнинг спиртдаги тиндирмаси: майдаланган эвкалипт баргидан бир қисм олиниб, 5 қисм 70 спиртда 10 кун давомида сақланади, сўнгра сузиб олинади. Эвкалипт таркибидан олинадиган хлорофилиптнинг мойдаги 2% эритмаси ва малхами ҳам ишлатилади.

Халқ табобатида эвкалипт дамламаси, мойи, яллиғланишга қарши, антисептик дори сифатида ишлатилади. Дамламаси теридаги турли йирингли яраларни даволашда докага шимдирилиб қўйилади, аёлларнинг бачадон яра касалликларини даволашда ҳам дамлама билан ювиш тавсия қилинади. Юқори нафас йўллари яллиғланишида мойи билан инголяция қилинади ва бир вақтни ўзида дамламадан ичиш тавсия қилинади. Эвкалипт малхами эса асаб толалари ва мушаклар яллиғланишида суртилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқумни ва хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида бир ош қошиқ эвкалипт дамламаси қайнатилиб, совутилган 150 мл сувга аралаштириб, кунига 2 махалдан 8-10 кун давомида инголяция қилинади. Бир вақтнинг ўзида 1 чой қошиқдан илиқ холда овқатдан сўнг, 3 махал дамламадан ичилади. Бодомча безларининг ўткир яллиғланишида томоқ кунига 3-4 махал чайилади. Сурункали тонзиллитда дамлама билан бодомча безлари лакуналари шприц орқали кунига бир махал 10-12 кун давомида ювилади. Бурун ва қулоқ чипқонларида

йиринг ажралиш даврида кунига 2 махалдан дамлама докага шимдирилиб боғланади.

Бурун, халқум ва хиқилдоқнинг атрофик яллиғланишида кунига 2 махалдан хлорофилиптни 2% ли мойдаги эритмаси докали пиликка шимдирилиб, 2 махал бурунга куйилади. Халқум ва хиқилдоққа эса 10-12 кун давомида суртилади. Кулоқда ўтказилган радикал жаррохликдан сўнг бўшлиқ тез битиш мақсадида эвкалипт малхами суртилган докали пилик билан кунига бир махалдан 25-30 кун давомида қўйилади.

Бўлса агар атрофия, хиқилдоқу-бурунда,

Хлорофилитли дори қўйинг, мойда агар эриса.

Жаррохликлар қилинганда, дарди оғир кулоққа,

Қўйинг малхам эвкалиптдан, қаранг у тез тузалмоқда.

Хақим Барот

ЭМАН

ДУБ ОБЫКНОВЕННЫЙ

PURCUS ROBUR

Кўп йиллик дарахт хисобланиб, ер шарининг хамма ерларида кенг тарқалган. Шифобахш дори сифатида эманнинг ёш новдаси, пўстлоғи ишлатилади.

Ўсимлик пўстлоғи асосини ошловчи (10-20%) модда ташкил қилади, ундан ташкари голлат, элаг кислоталари ва флавоноидлар бор.

Эманнинг пўстлоғи ва новдаси эрта бахорда кесиб олинади, салқин жойда куритилиб, куруқ жойда сақланади.

Дори сифатида эманнинг пўстлоғи қайнатма холида ишлатилади. Бунинг учун майдаланган бир ош қошиқ эман пўстлоғи 300 мл қайноқ сувга солиниб, 30 дақиқа давомида қайнатилади, тиндирилиб, сузилади ва ишлатишга яроқли бўлади.

Халқ табобатида эман таркибида ошловчи моддалар кўп бўлганлиги учун пўстлоғининг дамламаси оғиз бўшлиғи яллиғланишида, ич кетганда, сийдик йўллари яллиғланишида, бавосилда ишлатилади. Экземада, тери яраларида пўстлоқ қайнатмаси докага шимдирилиб боғланади.

Ибн Сино эман қайнатмасини қон туфлашда, ичак шилинишида ва ич кетишида ичишини тавсия қилган. Оғз бўшлиғи яллиғланишида эман пўстлоғини куйдириб кулини ярага босган, тери жарохатларида япроғини майдалаб боғлаган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида пўстлоқ дамламаси билан оғиз кунига 5-6 махал чайилади. Бодомча безларининг сурункали яллиғланишида кунига бир махалдан дамлама билан 6-8 кун давомида инголяция қилинади. Қулоқнинг йирингли яллиғланишида кунига бир махал дамлама билан қулоқ ювилади.

Чайқасангиз тузатар-у касал милку, яраси бор тилни,
Йўқотиб у ёмон хидни, хам ўпкангиздан силни.
Пўстлоғини қайнатсангиз, тузалар тезда томоқ оғриқ,
Танангизга кувват бериб, соғайиши сизга боғлиқ.

Хақим Барот

ЭРМОН

ПОЛЫНЬ ГОРКАЯ

ARTEMISIA ABSINTHIUM

Ўрта Осиёда, Европанинг Жанубида, Кавказда кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг хамма вилоятларида ёввойи ўт сифатида ариқ бўйларида ўсади.

Ўсимлик таркиби: эфир мойи, аччик гликозидлар, хамазулин, С ва К витаминлари, каротин, ошловчи ва органик моддалардан иборат.

Шифобахш дори сифатида эрмоннинг пояси ишлатилади. Ўсимлик май-июнь ойларида ўриб олиниб, жойларда илинган холда қуритилади. Қоғоз халталарда 2 йилгача сақланса ўз доривор хусусиятини сақлайди.

Табобатда эрмондан дамлама тайёрланиб ишлатилади. Бунинг учун бир чой қошиқ қуритилиб, майдаланган эрмон 400 мл қайноқ сувга 20 дақиқа дамланади, сузилади ва ишлатишга яроқли бўлади.

Халқ табобатида эрмон яллиғланишга қарши ҳамда ўт ва сийдик хайдовчи восита сифатида ишлатилади.

Эрмондан олинган хамазулин моддаси асосида тайёрланган дори сурункали зотилжам ва нафас йўллари касаллигида ишлатилади.

Ибн Сино – эрмон қайнатмасини кўзнинг яллиғланишида ишлатган. Жигар касаллигида дамламадан ичирган. Ёмон сифатли ўсмаларда эрмонни гуруч билан қайнатиб, сўнгра асал аралаштириб малхам холида ишлатган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Сассиқ тумов (озена)ни даволашда бурун кунига 2 маҳал эрмон дамламаси билан ювилади. Бурун қасмоқдан тозалангандан сўнг докали пилик дамламага шимдирилиб, кунига 2 маҳал 2 соатта қўйилади.

Бодомча безларининг сурункали яллиғланишида дамлама билан кунига бир маҳал 8-10 кун давомида лақуналар ювилади.

Эрмон хосиятин жиндай,

Бу Али, Букротни фикридир жиндай.

Эски иситмага шифодир хар чоғ,

Яна тиш оғриси, оғриси қулоқ.

Сайид Хасрат

ЯЛПИЗ

МЯТА АЗИАТСКАЯ

MENTHA PIPERITA

Ялпиз кўп йиллик ўсимлик ҳисобланади. Ўзбекистонда ялпиз ҳамма вилоятларда ёввойи ўт сифатида учрайди.

Таркиби: эфир мойлари (3%), ментол, ошловчи моддалар, органик кислоталар бор.

Ялпизни эрта баҳорда ўриб олиниб, салқин жойларда қуритилиб, қуруқ жойда 2 йилгача сақлаш мумкин.

Дори сифатида ялпиз барги ва пояси дамлама холида ишлатилади, бунинг учун 5 гр. қуритилиб, майдаланган ялпиз баргини 200 мл қайноқ сувга солиб, 30 дақиқа дамланади, сўнг сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади. Ялпиз малхами: 1 қисм қуритилиб талқон қилиб майдаланган ялпиз барги 4 қисм вазелинга мойига аралаштириб тайёрланади.

Халқ табобатида – ялпиз таркибидаги ментол томирларни кенгайтирувчи хусусиятга эга бўлганлиги сабабли юрак ва бош миёна қон томирлари торайиши вақтида ичиш тавсия қилинади. Асабни тинчлантирувчи дори сифатида қўлланилади. Ялпиз малхами асаб томирлари яллиғланиши туфайли келиб чиққан оғриқларида, мигренларда терига суртилса яхши фойда қилади. Овқат хазм қилиш аъзолари фаолияти бузилиб, кўнгил айниб, қусишда ялпиз дамламасидан 10-15 томчидан ичиш яхши фойда қилади. Ошқозонни яллиғланишида нахорда дамламадан 1 чой қошиқдан ичиш яхши фойда беради. Жигар ва ўт пуфаги касаллигида ўт хайдовчи ва оғриқ қолдирувчи дори сифатида фойдаланилади.

Ибн Сино ялпизни овқат хазм қилувчи, қон тўхтатувчи, гижжа хайдовчи дори сифатида қўллаган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқум ва хиқилдокнинг ўткир яллиғланишида ялпиз шарбати билан қунига 1 маҳалдан 8-10 кун давомида инголяция қилинади. Бир вақтнинг ўзида ялпиз дамламасидан 1 чой қошиқдан қунига 3-4 маҳал ичилади. Буруннинг ўткир яллиғланишида ялпиз шарбати 2 томчидан қунига 2 маҳал бурунга томизилади. Бурун ва қулоқ чипқонларида янги узилиб майдаланган ялпиз барги билан қунига бир маҳал бойланади.

Бизга таниш экан ялпиз, Осиёда тарқалиб,
Қон тўхтатар, гижжа хайдар, бизга ўзин кўрсатиб.
Ширасини тенг қўшилса ўсимлик мойига,
Қулоқдаги қуртни қўймас ўз холига.

Хақим Барот

ЁНҒОҚ, ОРЕХГРЕЦКИЙ

Ёр шарини музли ўлкаларидан ташқари барча жойларида ўсадиган кўп йиллик дарахт. Ўзбекистонни барча вилоятларида ўстирилади. Ёнғоқни мағизи, мағиз пўстлоғи, барги ва хом меваси доривор хусусиятга эга.

Ёнғоқ баргларида ва мевасига ёпишиб турувчи кўк пўстлоғида инсон организми учун зарур бўлган кўпгина моддалар мавжуд: хушбўй моддалар, С ва Е витаминлари, алкалоидлар ва каротин моддалари бор. Бундан ташқари барги, пўсти, пўстлоғида катта миқдорда ошловчи моддалар, мағзи таркибида 45—72% ёғ, 8—21% оқсил, 20% углеводлар, витамин В, С, провитамин А ва бошқа моддалар бор. Ундан ташқари, унинг таркиби йодга бой, ярим тўйинган ёғ кислоталари жуда кўп миқдорда мавжуд, антиоксидантларга бой. Меваси Август сентябрь ойларида пишиб етилади.

Табобатда мияга ва белга қувват берувчи сифатида, ақлий ва жисмоний меҳнат билан шуғулланувчиларга, овқатланиш таркибига ёнғоқ қўшишлари тавсия этилади. Қондаги холестерин миқдорини пасайтиради. Юрак қон-томир тизимига ижобий таъсир этади. Ким ёнғоқ ёки ер ёнғоқни мунтазам истеъмол қилиб юрса, саратон, диабет, нафас йўллари хасталиклари, асаб тизими фаолиятига хос касалликларидан ўлиш ҳоллари пасайиши маълум бўлган.

Халқ табобатида Ёнғоқ мағизи қувват оширувчи, инсон танасида витамин С етишмовчилигида кунига 5 дона ёнғоқ истеъмол қилиш тавсия қилинган. Аёллар мастопатиясида доимий қўлланган. Терини софлигини сақловчи восита сифатида барги дамламаси билан хаммом қилдирган. Шизофрения ва Альцгеймер касаллигида тановул қилдирилган.

Ибн Сино хотира пасайишида кунда 2 дона ёнғоқ истеъмол қилиш тавсия қилган. Ёнғоқнинг майиз, асал билан қўшиб юрак мушакларини бақувватлаштиришда истемол қилдирган. Кам қувват беморларга мағиздан истемол қилиш, мағиз ёғини эса асал билан аралаштириб теридаги яраларга суртган. Юрак етишмовчилиги бор беморларга буюриган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида ёнғоқ барглари дамламаси билан ангиналарда, ўткир фарингитларда томоқ кунига 4 махал чайилади. Қулоқ ва бурун чипқонларида баргини эзиб докали боғлов қилинади.

Агар мавжуд бўлса доимо ёнғоқ

Дард кетар, тўхтар бирдан ох-вох

Табибий

ҚАРИҚИЗ

ЛОПУХ ВОЙЛОЧНЫЙ

ARCTIUM TOMENTOSUM MILL

Қариқиз икки йиллик ўсимлик. Россиянинг Европа қисмида, Кавказда, Узоқ Шарқда ва Ўзбекистонда, Фаргона водийсида ёввойи ўт сифатида кенг тарқалган.

Таркиби: инулин (45%), эфир мойлари (0,17%), органик кислоталар, арктинин гликозиди, флавоноидлар, фитостерин, смола, аччиқ ва ошловчи моддалардан иборат.

Ўсимликнинг доривор хусусияти унинг илдизи, гули ва баргида. Қариқизнинг гули май ойида, барги эса апрель-сентябрь, илдизи кузда ковлаб олинади. Очик хавода салқинда қуритиб, қуруқ жойларда сақланса, 3 йилгача ўз доривор хусусиятини йўқотмайди.

Табобатда ўсимликдан дамлама холида фойдаланилади. Бунинг учун 15-10 гр. қуритилиб, майдаланган илдизи қайноқ сувда 60-80 дақиқа дамаланади, сўнгра сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади. Бундан ташқари қариқиз томиридан малхам холида ҳам ишлатилади. Бунинг учун майдаланган қуруқ илдиз ўсимлик мойида 1:2 нисбатда аралаштириб тайёрланади.

Халқ табобатида қариқиз сийдик, ўт хайдовчи, терлатувчи ва яллиғланишга қарши дори сифатида фойдаланилади. Қариқиз дамламаси бод касаллигида, подаграда, сийдик ва ўт пуфаги тошларида, қабзиятда, ошқозон яллиғланишида, қанд касаллигида 50-60 мл дан 3-4 маҳал 10 кун давомида ичилади. Тери касаллигида, чипқонда, хуснбузарда, тери яраларида дамлама билан кунига 3-4 маҳал ювилади, яраларга янги узилган баргидан қўйиб боғланади. Шу билан бир вақтда 50-60 мл дан 3-4 маҳал дамламадан ичилади. Соч тўкилишида қариқиз қайнатмаси билан бош 3 кунда бир маҳал ювилади ёки қариқиз малхами икки кунда бир маҳал 10 кун давомида суртилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида дамлама билан кунига 5-6 марта 6-7 кун мобайнида томоқ чайилади. Бир вақтнинг ўзида дамламадан кунига 4 маҳал 40-60 мл дан ичилади. Хиқилдокнинг ўткир яллиғланишида дамламани ичиш билан бирга, кунига икки маҳал 6-8 кун давомида инголяция қилинади. Ўткир ринитда бурун дамлама билан кунига икки маҳал чайилади. Қулоқнинг йирингли яллиғланишида кунига 2 маҳал дамлама билан ювилади. Қулоқ ва бурун жароҳатларида ўсимлик малхами докага суртиб, кунига 2 маҳал боғланади.

Қайнатмасин қариқизни, ичинг доим сочлар қариса,
Уч кунда бир ювинг бошни, агар улар кўп тўжилса.
Ювинг кулоқ агар хеч бир оққан йиринг тўхтамаса,
Қўйинг дархол дока пилик, кулоқ, бурун бузилса.

Хақим Барот

ҚАТТИҚ СИМФИТУМ ОКОПНИК ЖЁСТКИЙ, SUMRNUTUM ASPERAM

Қаттиқ симфитум кўп йиллик ўсимлик хисобланади. Сибирь ўрмонларида, Кавказда ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

Таркиби: алкалоид (/циноглоссин, глюкоалколоид), сапонин, ошловчи модда, шиллиқ елим, камет, пурин хосилалари, галла кислотаси, эфир мойларидан иборат.

Дори сифатида ўсимлик илдизи ишлатилади. Қаттиқ симфитум илдизи куз ойларида ковлаб олиниб, тозалаб, салқин жойда қуритиб, қуруқ жойда сақланса, 3 йилгача шифобахш хусусияти йўқотмайди.

Табобатда қаттиқ симфитумдан дамлама, қайнатма ва спиртдаги тиндирма тайёрлаб ишлатилади. Дамлама тайёрлаш: қуритиб, майдаланган икки чой қошиқ ўсимлик илдизи 200 мл қайнатилган сувда 6-8 соатга дамлаб қўйилади, сўнгра сузилади, сузилгач қолдиқ илдизини 200 мл қайноқ сув қуйиб, 30-40 дақиқа дамланади ва яна сузилади. Биринчи ва иккинчи дамлама аралаштирилади ва ишлатишга тайёр бўлади. Қайнатма тайёрлаш: 2 чой қошиқ майдаланган ўсимлик илдизи 200 мл сувга солиб, усти берк идишда 30 дақиқа қайнатилади, тиндирилади, сузилади ва истеъмол яроқли бўлади.

Қаттиқ симфитумнинг спиртдаги тиндирмаси тайёрлаш: бир қисм майдаланган илдиз, 5 қисм 40⁰ ли спиртга 6-8 кунга солиб, идишни усти

беркитилади ва қоронғи хонада сақланади. Сўнгра тиндирма сузилади ва ишлатиш мумкин. Қаттиқ симфитумни янги илдизи майдаланиб, тенг миқдорда чўчка ёгига аралаштирилиб, малхам тайёрланади ва теридаги турли яраларни даволашда ишлатилади.

Халк табобатида каттиқ симфитумни ўраб олувчи, юмшатувчи, яллиғланишга қарши, микроблар ривожланишини тўхтатувчи дори сифатида ишлатилади. Ўсимлик илдизи тўқималарни қайта тикланиш жараёнини кучайтириш хусусиятига эга бўлганлиги учун, айниқса суяк синганда, бўғимдан чиққанда, суяк ва бўғим жароҳатларида дамлама ёки қайнатма холида бир ош қошиқдан 3-4 маҳал ичилади ва бир вақтнинг ўзида жароҳатланган жойларга дамлама докага шимдирилиб, кунига 3-4 маҳал иссиқ холида боғланади. Бўғимлар бод касаллигида терини йирингли яраларида, чипқонларда кунига 2-3 маҳалдан ўсимлик малхамидан суртилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Қулоқ ва бурун чипқонларида кунига 2-3 маҳалдан қаттиқ симфитум малхами боғланади. Бурундан қон кетганда дамламаси ёки поясидан олинган шираси дока пиликка шимдирилиб, кунига 2-3 маҳал бурунга тикилади, бир вақтнинг ўзида дамламадан ёки қайнатмадан кунига бир ош қошиқдан 3 маҳал 5-7 кун давомида ичилади. Ташқи бурун ёки қулоқ супраси жароҳатида (урилиши, эзилишида) ўсимликнинг спиртдаги тиндирмаси докага шимдирилиб, кунига 3-4 маҳалдан боғланади. Буруннинг уткир яллиғланишида дамламадан 2 томчидан 2 маҳал томизилади. Қулоқдаги радикал жаррохликдан сўнг кунига бир маҳал 25-30 кун мобайнида жаррохлик бўшлиғига дамлама докага шимдирилиб қўйилади. Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида кунига 3-4 маҳал иссиқ дамлама ёки қайнатма билан томоқ чайилади.

Ковлаб олинг янги илдиз тенг кўшишда чўчка ёг,
Уч махалдан суртинг малхам, яра қочар хар қаёк.
Қилинсаки ташрих энг ўртанги кулоқда,
Қўйинг малхам тез битади, тиг теккан чоғда.

Хақим Барот

ҚАШҚАРБЕДА ДОННИК ЛЕКАРСТВЕННЫЙ, MELILOTUS OFFICINALIS

Қашқарбеда икки йиллик ўсимлик ҳисобланади. Ўрта Осиёда, Сибирда, Кавказда кенг тарқалган. Таркибида: кумарин, дикумарин, гликозидлари, каротин, мелилотин, ошловчи моддалар, эфир мойлари, оксил ва витаминлар (С, Е) бор. Қашқарбедани шифобахш дори сифатида пояси, барги ишлатилади. Ўсимлик гуллаган вақтида (июль-август) юқори, сербарг қисми ўриб олиниб, илинган ҳолда салқинда қуритилади. Сўнгра майдалаб элакдан ўтган қисми идишларда сақланса, 4-5 йилгача шифобахш хусусиятини йўқотмайди.

Дори сифатида қашқарбеда дамламаси ишлатилади. Бунинг учун 400 мл қайнатиб, совутилган сувга 2 чой қошиқ майдаланган ўсимликдан солиб 30-40 дақиқа дамланади, сўнгра сузилади ва дамламани 2 кун давомида ишлатиш мумкин. Қашқарбеда қайнатмаси: 400 мл қайноқ сувга 2 чой қошиқ майдаланган ўсимлик поясини солиб 10 дақиқа сув хаммомида қайнатилиб, 1 соат дамланади, сўнг доқада сузилади ва 5-7 кун давомида ишлатишга яроқли бўлади.

Қашқарбедани малхамини тайёрлаш: қуритилиб, майдаланган пояси тенг миқдорда ўсимлик мойи билан аралаштириб тайёрланади.

Халк табобатида қашқарбеда балғам кўчирувчи, оғриқ қолдирувчи, тинчлантирувчи, яллиғланишга қарши дори сифатида ишлатилади.

Дамламаси ва қайнатмаси сурункали бронхит, хафакон касаллигида 40-60 мл дан кунига 2-3 махалдан ичилади. Юрак тож артериялари тромбозларида 40-60 мл дан кунига 2-3 махал ичилади. Теригаги яралар ва чипқонларда кашқарбеда малхами билан кунига 2 марта боғлов қилинади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Қулоқ ва бурун чипқонларида кунига 2 махалдан кашқарбеда малхами билан боғлов қилинади. Бунда чипқон тез етилиб ёрилади, ёрилиб, йиринг ажралиш вақтида эса дамлама билан ювилади ва дока пиликка шимдирилиб, кунига 2 махал боғланади. Буруннинг ўткир яллиғланишида кунига 2 махалдан 5-6 томчидан бурун ичига дамламадан томизилади. Қулоқ ва буруннинг янги жароҳатларида ўсимлик малхами билан кунига бир махал боғланади.

Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида кунига 3-4 махал иссиқ дамлама билан томоқ чайилади. Сурункали тонзиллитда кунига бир махал 8-10 давомида махсус шприцлар билан лакуналар ювилади.

Томоқ атроф яллиғланса, чайинг хар кун – у билан,
Туғаб дардлар, равон бўлар, оғиз халқум сиз билан,
Тенг миқдорда қўйинг унинг, бўлса сизда суёқ мойинг
Бу малхамидан қўйсангизлар, жароҳатлар бўлар мулойим.

Ҳаким Барот

ҚИЗИЛЧА – ЛАВЛАГИ

СВЕКЛА ОБЫКНОВЕННАЯ

BETA VULGARIS

Қизилча икки йиллик илдиз мева ўсимлик ҳисобланиб, ер юзининг совуқ ўлкаларидан ташқари ҳамма жойларда кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларида ўстирилади.

Таркиби: қанд (20%), оксил (1, 5%), ёғ, клетчатка, олма ва лимон кислотаси, магний, мис, кальций, йод, калий ва темир тузлари, бўёқ моддалар, витаминлар С, В₁, В₂, Р, РР лардан иборат.

Қизилчанинг дори сифатида илдизи ва барги ишлатилади. Баргини май-август ойларида узиб олиб, янгилигида ишлатилади. Илдиз меваси кузда ковлаб олиниб, салқин ва қуруқ ерда сақланади.

Дори сифатида қизилча шарбати, янги ковлаб олинган илдиз мевасидан тузланган ва мураббоси холида истеъмол қилинади.

Халқ табобатида цинга касаллигида қизилча хом холида кунига 100-150 гр. истеъмол қилинади. Таркибида темир моддаси кўплиги учун хам кони кам беморларга қизилча шарбатидан ичиш тавсия қилинади. Сурункали қабзиятда хам қизилча истеъмол қилиш ич юришини яхшилайти. Йод миқдори кўплиги туфайли атеросклероз бўлган беморларга қизилчани хом холида истеъмол қилиш тавсия қилинади. Хафақон касаллар қайнатилган илдиз меваси ёки унинг шарбатини тенг миқдорда асал билан аралаштириб танаввул қилсалар, қон босими тезда пасаяди ва асаблари тинчланади.

Кулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Бурун ва кулоқ чипқонларида майдаланган қизилчадан бўтка тайёрлаб, чипқонга кунига 2-3 махал қўйилади. Буруннинг ўткир яллиғланишида қизилча шарбати кунига 3-4 махал икки томчидан томизилади. Бурун олди бўшлиқларининг ўткир йирингли яллиғланишида қизилча шарбати билан бурун орқали 2 махалдан инголяция қилинади ва бир вақтда 3-4 томчидан 5-7 кун давомида бурунга томизилади.

Ташқи кулоқнинг ўткир тарқалган яллиғланишида кулоқ қизилча шарбати билан ювилиб, бўтқаси докага суртиб, кунига 2 махал боғланади. Сассиқ тумовда (озена), шарбат шимдирилган докали пилик 20-25 давомида кунига 2 махал, 1,5-2 соатга бурунга қўйилади.

Икки дирхам лавлаги суви яна бир дирхам,

Дарахт пўкагин ичсанг, меъда ундан пок бўлар.

Қорин санчик, томоғу, белу бошинг оғриғи,

Ичу ташқи дарди билан йўқ бўлиб, рангги сўлар.

Юсуфий

ҚОВУЛ

КАПЕРЦЫ КОЛЮЧИЕ

CAPPARIS SPINOSA

Қовул кўп йиллик ўсимлик, Ўзбекистонда кенг тарқалган, ёввойи холда ўсади.

Таркибида: флавоноидлар, витамин С, буёқ моддалар, қанд моддаси витамин С, тиоликозид, стресид, сапонинлар, флавоноидлар ва ёғ моддалари бор.

Шифобахш дори сифатида унинг илдизи, гули ва меваси ишлатилади. Қовулни гули май ойида, гуллаш вақтида меваси-августда ва илдизи куз ёки баҳорда териб олиниб, сояда қуритиб қуруқ қоғоз халталарда сақланса 3 йилгача ўз шифобахш хусусиятини сақлайди..

Табобатда қовул илдизи ва мевасидан дамлама тайёрлаб ишлатилади. Бунинг учун бир ош қошиқ қуритиб майдаланган илдизи ёки меваси 200 мл қайнатилган сувга 20-30 дақиқа дамланади, сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади. Бундан ташқари қовул гулининг шираси ҳам ишлатилади. Гул шираси гулни майдалаб сиқиш йўли билан олинади.

Халқ табобатида қовул ўт ва сийдик хайдовчи, яллиғланишга қарши дори сифатида ишлатилади. Илдизидан тайёрланган дамлама сариқ касаллигида 50-60 мл дан кунига 5-6 маҳал ичилади. Мевасининг дамламаси билан тиш ва милклар яллиғланганда кунига 5-6 маҳалдан оғиз чайқалади. Гули шираси эса, теридаги хар хил йирингли яраларга малхам сифатида суртилади.

Ибн Сино бош оғриқларида қовул илдизини чайнашни тавсия қилган. Гулининг ширасини қулоқ қуртларини даволашда ишлатган. Тиш ва милклар яллиғланишида баргини чайнашни буюрган. Қовулни тузланган баргини нафас қисишда истеъмол қилдирган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида қовул дамламаси билан кунига 5-6 марта

томоқ чайқалади. Буруннинг ўткир яллиғланишида гул шираси бурунга 2 томчидан кунига 2 маҳал томизилади. Қулоқ ва бурун чипқонларида гул шираси билан кунига икки маҳал боғлов қилинади.

Қўйинг ундан оғриқ бўлса, яна бурун касал бўлса,
Қулоқ хамки тузалади, доим шуни қайтарилса,
Баргин чайнанг деган эди, бош оғриси Ибн Сино,
Тузланг яна, ичинг уни, агар нафас қисиб турса.

Хақим Барот

ҚОРА АНДИЗ ДЕВЯСИЛ ВЫСОКИЙ INULA HELENIUM

Қора андиз кўп йиллик ўт ҳисобланади. Ўсимлик Россия ўрмонларида, Қозоғистонда, Кавказда ва Ўрта Осиёда учрайди.

Ўзбекистоннинг Тошкент, Фарғона водийси вилоятларида, Самарканд, Жиззах вилоятларида, тоғ ёнбағирларида, нам ўтлоқларда ўсади.

Таркиби инулин, эфир мойи, сапонин, елим, шилимшиқ ва аччиқ моддалар, пектин ва мумдан иборат.

Шифобахш дори сифатида қора андиз илдизи ва пояси ишлатилади. Илдиз ва илдиз пояси эрта баҳорда ёки кеч кузда қовлаб олиниб, қуруқ жойларда сақланса, 3 йилгача ўз доривор хусусиятини йўқотмайди.

Табобатда қора андиздан қайнатма тайёрлаб ишлатилади. Бунинг учун 1 ош қошиқ майдалаб қуритилган илдизи сирланган идишга солинади, устига 200 мл. сув қўшилиб, усти беркитилган ҳолда сув хаммомида 30 дақиқа қайнатилади, совутилиб, сузилади. Хосил бўлган дамлама 2 кун давомида сақланади.

Халқ табобатида қора андиз антисептик, қон тўхтатувчи, балғам кўчирувчи, гижжа хайдовчи, сийдик юритувчи дори сифатида қўлланилади.

Юқори нафас йўллари яллиғланишида, ошқозон-ичак касаллигида, жигар ва ўт пуфаги яллиғланишида дамламадан бир чой қошиқдан 3-4 махал овкатдан сўнг ичилади. Теридаги турли йирингли яралар дамлама билан ювилиб ва докага шимдирилиб боғланади.

Ибн Сино юқори нафас йўллари шамоллашида қора андиз илдизини кукунини асалга аралаштириб, истеъмол қилишни буюрган.

Кулоқ, томоқ ва бурун касалликлари: Халқумнинг ўткир ва сурункали яллиғланишида қора андиз дамламаси билан кунига 2 махалдан 10-12 кун давомида инголяция қилинади. Бир вақтнинг ўзида дамламадан бир ош қошиқдан 3 махал овкатдан сўнг ичилади. Бурун ва кулоқ чипқонида, жарохатда дамлама докага шимдирилиб, кунига 2 махал бойланади. Бурун олди бўшлиқлари йирингли яллиғланишида ювилиб тозалангандан сўнг дамламадан кунига бир махал 8-10 мл. миқдорда қуйилади.

Кулоқнинг йирингли яллиғланишида кулоқ йирингдан тозалангандан сўнг дамлама докали пиликка шимдирилиб, кунига икки махал қўйилади.

Дамламаси йўқ килади, бўлса томоқ шамоллаши,

Олинг нафас ундан, бўлса кулоқ, бурун яраси,

Илик холда ювинг уни, қора андиз сувида,

Йиринг кулоқ, бурун хам, сизни узоқ қийнаса.

Хақим Барот

ҚОРА ҚАРАГАЙ

ЕЛЬ ОБЫКНОВЕННАЯ

PICEA ADIES

Қора қарагай йирик, доимо кўкариб турадиган кўп йиллик дарахтдир. Россия ўрмонларида, Кавказ ва Ўрта Осиёни тоғ жойларида кенг тарқалган.

Таркиби эфир мойлари, ошловчи модда, елим, фитонцидлар, витамин С (400 мг/%), темир, хром, марганец, мис ва алюминий тузларидан иборат.

Табобатда шифобахш дори сифатида куртаги, барги ва гудда меваси ишлатилади. Қора қарағайнинг янги новдалари ва мевалари қиш, баҳорда териб олиниб, салқин жойда, қуритилади ва қуруқ жойда, қоғоз халталарда сақланади.

Дори сифатида ўсимликнинг куртаги, барги ва мевасидан қайнатма тайёрлаб ишлатилади. Бунинг учун майдаланган мевасидан 40 гр 200 мл сувга солинади ва 30 дақиқа усти берк идишда сув хаммомида қайнатилади, тиндирилиб, сузилади ва 4 кун давомида ишлатишга тайёр бўлади.

Қорақарағай малхами: тенг миқдорда қарағай елими, мум ва сариеғ аралаштириб тайёрланади. Бундан ташқари қарағайдан скипидар олиниб ҳам ишлатилади.

Халқ табобатида куртаги ва мевасининг қайнатмаси микробларга қарши восита, спазмолитик ва десенсибилизация қилувчи восита сифатида ишлатилади. Шу сабабли юқори нафас йўллари, буйрак ва сийдик йўллари яллиғланишида қайнатмадан 40-60 мл. кунига 3-4 ичилади. Баргининг қайнатмаси эса терлатувчи, сийдик ва ўт хайдовчи дори сифатида 40-50 мл. дан кунига 3-4 маҳал ичилади. Бўғимларнинг яллиғланишида (подагра, бод касаллиги) қарағай баргидан ванна қилинади. Теридаги турли йирингли яраларда қорақарағай малхами кунига 2 маҳал суртилади. Бундан ташқари витамин С етишмовчилигида ҳам ичиш тавсия қилинади.

Ибн Сино қарағай барглари бўғимлардаги шишларга қўйиб даволаган. Пўстлоғининг майдаланган кукунини теридаги йирингли яраларга боғлаган. Дамламасини сиркага қўшиб, тиш оғриганда чайқашни тавсия қилган. Уруғини балғам кўчирувчи дори сифатида қўллаган.

Кулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Куртаги ва мевасининг дамламаси билан халқум бодомча безларининг ўткир яллиғланишида кунига 3-4 маҳал томоқ чайқалади. Сурункали тонзиллит ва ларингитда мевасидан тайёрланган қайнатма билан кунига 1-2 маҳалдан 6-8 кун давомида инголяция қилинади. Бир вақтнинг ўзида бодомча безлари лакуналари кунига бир маҳал қайнатма билан ювилади. Буруннинг катарал ва аллергия

яллиғланишида меваси дамламаси билан кунига 3-4 махал бурун чайқалади ёки томизилади.

Сурункали йирингли гайморитларда бўшлиқ пункция қилингандан сўнг қайнатма билан ювилади. Қулоқ ва бурун чипқонларида кунига 2 махал қора қарағай малхами билан боғланади.

Бўлса сизда эски дардлар, бурун, томоқ оғриғи,
Ховурида нафас олинг, кетар сиздан унинг салмоғи,
Яна бўлса агар сизда еллик хастаси,
Шамоллаши, йўқ бўлади доим бурун чайилса.

Хаким Барот

ҚОРАТОМИР

ЧЕРНОКОРЕНЬ

CYNOGLOSSUM OFFICINALE

Қоратомир икки йиллик ёввойи ўт ўсимлиги Россия ўрмонларида, Кавказ тоғларида учрайди. Ўзбекистоннинг тоғи ерларида ёввойи ўт сифатида ёсади.

Ўсимликнинг таркиби: циноглоссин ва консолиди алкалоидларидан: смола, бўёқ, аччиқ моддалар, эфир мойларида иборат.

Дори сифатида барги ва илдизи ишлатилади. Барги гуллаш даврида (май-июнь), илдизи кузда (сентябрь-октябрь) ойларида қовлаб олиниб, салқин жойда қуритилади. Қуруқ жойда сақланса 3 йилгача ўсимлик ўз доривор хусусиятини йўқотмайди.

Табобатда қоратомирдан дамба тайёрлаб ишлатилади. Бунинг учун унинг бир чой қошиқ қуритилиб, майдаланган илдизи ёки барги сирланган идишга солиб 200 мл қайноқ сув қўшилади ва усти берк холда 10 дақиқа қайнатилади, сўнгра сузилади ва 2 кун давомида ишлатишга яроқли бўлади.

Янги ковлаб олинган илдизини майдалаб, сиқиш йўли билан шираси олиниб ишлатилади.

Халқ табобатида қоратомир тинчлантирувчи, оғрик қолдирувчи, дори сифатида ишлатилади. Куйган, хашорат ва илон чаққан жойларга боғланади.

Кулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Бурун ва кулоқ чипқонларида янги ковлаб олинган қоратомир илдизи майдаланиб бўтқа холига келтирилади ва докага суртиб 2 маҳал боғланади. Чипқон ёрилиб йиринг ажралиш даврида докали боғлов дамламага шимдирилиб боғланади.

Истанг уни тоғ бағрида, ўсар доим ёввойи ўт,
Табобатда қўллаганлар, бўлса оғриқ, фойдаси кўп.
Ковлаб олиб янги илдиз, майдалаб бўтқа қилинг,
Ёрилмаган чипқонларга тез-тез уни боғлаб туринг.

Хақим Барот

ҚОРА ҚОРАҚАТ

СМОРОДИНА ЧЕРНАЯ

RIBES NIGRUM

Қора қорақат кўп йиллик бутасимон ўсимлик ҳисобланиб, асосан Россия ўрмонларида кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида усади. Таркиби: аскорбин кислотаси, каротин, витаминлар С, В, В₂, В₆, Р, қанд, лимон ва олма кислоталари ошловчи ва бўёқ моддалари калий, магний, натрий, фосфор тузларидан иборат.

Дори сифатида барги ва меваси ишлатилади. Қора қорақатни барги гуллашдан олдин, меваси эса пишгандан сўнг териб олиниб, салқин жойларда қурилади. Қуруқ жойда сақланса 2 йилгача ўз шифобахш хусусиятини йўқотмайди.

Ўсимликдан дамлама тайёрлаб ишлатилади, бунинг учун 2 чой қошиқ курутилган мева 400 мл. қайноқ сувга солиб, 30 дақиқ дамланади, совутилиб сузилади ва 2 кун давомида ишлатишга яроқли бўлади.

Халқ табобатида терлатувчи, сийдик хайдовчи, ич кетишни олдини олувчи дори сифатида ишлатилади. Янги мевасининг шарбати ошқозон яллиғланишида, ошқозон яра касаллигида ичилади. Атеросклерозда, хафакон касаллигида ва витаминлар етишмовчилигида яхши фойда беради.

Ибн Сино қора қоракатни асаб фаолияти сустлашганда, ошқозон-ичак касалликларида ва қулоқ, томоқ ва бурун аъзоларининг яллиғланиш касаллигида тавсия қилган.

Қулоқ, бурун ва томоқ касалликларида: Хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида кунига 2 махалдан 5-7 кун давомида қора қоракатни шарбати тенг миқдорда асал билан аралаштирилган малхам билан инголяция қилинади. Бир вақтнинг ўзида иссиқ шарбатдан 50-60 мл. дан кунига 5-6 махал ичилади. Бодомча безлари ва халқумнинг ўткир яллиғланишида мурраббодан 1 чой қошиқни 200 мл. қайноқ сувга аралаштириб, кунига 4-6 махал ичилади.

Терламасдан сийдик тутса, кам бўлсаки қуввати,

Сино деган қабул қилинг, сустлашганда асабин.

Қора бўлса, бўла қолсин, лекин бизга берсин маза,

Мураббосин ичингизлар, қалб-асаблар бўлсин тоза.

Хақим Барот

ҚЎЙ ПЕЧАК

ВЬЮНОК ПОЛЕВОЙ

CONVOLVULUS ARVENSIS

Қўй печак кўп йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, Ўзбекистоннинг ҳамма туманларида ёввойи ўт сифатида ўсади.

Таркиби: флавоноидлар, қахва кислотаси, каротин, витамин С, елим, конвольвин, конволамин алкалоидларидан иборат.

Шифобахш дори сифатида ўсимликни ер устки қисми ишлатилади. Қўй печакни гуллаган вақтида ер устки қисми ўриб олиниб, салқин жойда қуритилади. Қуруқ жойда сақланса 2 йилгача ўз доривор хусусиятини йўқотмайди.

Дори сифатида қўй печакдан дамлама тайёрлаб ишлатилади. Дамлама тайёрлаш: 1 чой қошиқ қуритилиб, майдаланган қўй печак пояси сирланган идишга солиниб, устига 200 мл қайноқ сув қуйилади ва усти беркитилиб, сув хаммомида 10 дақиқа қайнатилади, совутилгандан сўнг сузилади. Хосил бўлган дамламани 2 кун давомида ишлатиш мумкин. Бундан ташқари янги баргдан сиқиб олинган шираси ҳам ишлатилади. Янги узилган баргининг шираси 1:4 га нисбатан кунгабоқар мойи билан аралаштириб, малхам холида ҳам ишлатилади.

Халқ табобатида қўй печак юқори нафас йўлларининг шамоллашида, теридаги хар хил йирингли касалликларни даволашда, мушакларни қотиб қолиш касалликларида ишлатилади.

Ибн Сино ўпка шамоллашида, жигар тикилмаларини очишда, талоқ ва кўкрак оғриқларида қўй печак дамламасини ичишни тавсия қилган. Ширасини гул ёғи билан аралаштирилиб, қулоқдан йиринг оқишда томизишни буюрган.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Қулоқнинг йирингли яллиғланишида аввало қулоқ қўй печак дамламаси билан ювилиб, қуритилиб, сўнгра ўсимлик ширасининг 1:4 нисбатдаги ёғдаги аралашмаси билан кунига

2 махал дока пиликка шимдирилиб, қўйилади. Халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида қўй печак дамламасидан кунига 3-4 махал 6-8 кун давомида томоқ чайқалади. Қулоқ ва бурун чипқонларида янги узиб майдаланган қўй печак барги кунига 2 махал бойланади. Чипқонлар ёрилиб, йиринг оқиш даврида дахлама билан ювилиб, сўнгра ярага кунига 2 махал куритилган барг кукуни сепилади.

Ширасига тенг қўшилса гул ва мол ёғи,
Барбод бўлар ташки кулоқ яра доғо.
Майдаланиб тез сепилса ун толқони,
Тўхтаб қолар ўрта кулоқни йирингли қони.

Хақим Барот

ҚУРУҚ ЗУФО

ИССОП ЛЕКАРСТВЕННЫЙ

HYSSOPUS OFFICINALIS

Қуруқ зуфо кўп йиллик бутасимон ўсимлик. Россияда, Кавказда ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида кўп учрайди.

Таркиби: эфир мойлари (1,5%), ошловчи модда, олеонол, уросол кислоталаридан иборат. Ўсимликнинг шифобахш дори сифатида пояси ва барги ишлатилади.

Қуруқ зүфонинг барги ва янги новдаси май-август ойларида ўриб олиниб, салқин жойларида куритилади ва куруқ жойда қоғозли халталарда сақланади. Дори сифатида ўсимликдан дахлама тайёрланиб фойдаланилади. Бунинг учун 1 чой қошиқ куритиб, майдаланган куруқ зуфо 200 мл сувга 15 дақиқа дамланади, сўнгра сузилади ва ишлатишга тайёр бўлади.

Халқ табобатида ўсимлик дамламаси юқори нафас йўллари яллиғланишида, бронхит ва бронхиал астмада, балғам кўчирувчи дори сифатида 50-60 мл дан кунига 3-4 махал ичилади. Ошқозон-ичак йўлларининг сурункали яллиғланишида ҳам дамламадан 50-60 мл кунига 5-6 махал ичилади. Терининг турли йирингли касалликларида дамлама билан яралар ювилади ва докага шимдирилиб қўйилади.

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларида: Халқм ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида ўсимлик дамламаси билан кунига 4-6 махал 5-7 кун давомида томоқ чайилади. Хиқилдокнинг ўткир яллиғланишида дамлама билан кунига 2 махал 5-7 кун давомида ингальция қилинади ва бир вақтнинг ўзида 1 чой қошиқдан дамламадан иссик холида кунига 2 махал ичилади. Қулоқ ва бурун чипқонларидан йиринг ажралиш даврида дамлама билан кунига 2-3 махал яралар ювилади ва докага шимдирилиб қўйилади. Ўрта кулоқнинг йирингли яллиғланишида кунига 2 махал дамлама билан кулоқ ювилади.

Етти кунлаб чайинг томоқ агар сизда бўлса касал,
Қилинса ҳам муолажа, тузалади хиқилдок, яраси сал.
Оқса йиринг оғриқ билан ўша ўрта кулоқда,
Тўхтатади йирингини кулоқ ювилган чоғда.

Хақим Барот

Қулоқ, томоқ ва бурун касалликларини даволашда доривор ўсимликлар йиғиндисидан фойдаланиш

1.	Эвкалипт барги	15,0
	Мармарак барги	20,0
	Мойчечак гул халтаси	10,0
	Ялпиз барги	10,0
	Карагай куртаги	15,0
	Кора андиз илдизи	20,0
	Тог жамбил пояси	10,0

Бу ўсимликлар йиғиндисидан 2 чой қошиқ олиниб, сирланган идишга солиниб, устига 200 мл қайноқ сувга қуйилади, усти беркитилиб, сув хаммомида 10-15 дақиқа қайнатилади. Совутилгандан сўнг докада сузилади. Хосил бўлган дамлама билан бодомча безларининг ўткир яллиғланишида томоқ кунига 3-4 махал 5-7 кун давомида чайилади. Халқум ва хиқилдокнинг ўткир яллиғланишида, бодомча безларининг сурункали яллиғланишида кунига 2 махал 8-10 кун давомида инголяция қилинади. Қулоқнинг йирингли яллиғланишида кунига бир махал дамлама билан ювилади.

2.	Эвкалипт барги	20,0
	Тирнок гули	15,0
	Марварак барги	15,0
	Газакут	10,0
	Қора андиз илдизи	10,0
	Қизилмия илдизи	10,0
	Жўка гули	10,0
	Ботқоқ ледуми	10,0

Бу ўсимликлар йиғиндисидан 2 чой қошиқ олиниб, сирланган идишга солинади. 200 мл қайноқ сув қўшилади, усти ёпилиб, 10 дақиқа сув хаммомида қайнатилиб, совутилади. Хосил бўлган дамлама билан бодомча

безлари ва халқумнинг ўткир яллиғланишида томоқ кунига 3-4 маҳал 4-6 кун давомида чайилади. Хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида кунига 2 маҳал 6-8 кун давомида дамлама билан инголяция қилинади. Бодомча безларининг сурункали яллиғланишида томоқ дамлама билан кунига 3-4 маҳал чайилади ва бир вақтнинг ўзида шприц билан бодомча безлари лакуналари кунига бир маҳал 8-10 кун давомида ювилади.

3.	Гулхайри илдизи	20,0
	Мойчечак гул халтаси	20,0
	Игир илдизи	10,0
	Қашқарбеда пояси	20,0
	Зиғир уруғи	30,0

Бу ўсимликлар йиғмасидан 2 чой қошиқ олиниб, сирли идишга солиниб, 200 мл қайноқ сув қуйилади ва 4-6 соатга дамланади. Сўнгра сузилади, хосил бўлган дамлама билан бодомча безлари ва халқумнинг ўткир яллиғланишида томоқ кунига 4-6 маҳал 5-7 кун давомида чайилади.

4.	Жўка гули	30,0
	Эман пўстлоғи	70,0

Бу йиғмалардан дамлама тайёрланиб (2 чой қошиқ 200 мл қайноқ сувга) халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида томоқ кунига 4-6 маҳал 5-7 кун давомида чайилади.

5.	Жўка гули	30,0
	Мойчечак пўстлоғи	70,0

Йиғмадан қайнатма тайёрлаб, (200 мл сувга 2 чой қошиқ аралашма) халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида кунига 4-6 маҳалдан 5-7 кун давомида томоқ чайилади.

Буруннинг ўткир яллиғланишида кунига 2 махал дамламадан 2 томчидан томизилади.

6.	Эман пўстлоғ	50,0
	Тоғ райхон пояси	40,0
	Гулхайри илдизи	10,0

Йиғмадан дамлама тайёрланиб, халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида томоқ кунига 4-6 махал 5-7 кун давомида чайилади.

7.	Мармарак барги	25,0
	Далачой пояси	25,0
	Маржон дарахт	25,0
	Эман пўстлоғи	25,0

Бу йиғмадан қайнатма тайёрланиб, халқум ва хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида кунига 4-6 махал 5-7 кун давомида чайилади. Буруннинг ўткир яллиғланишида бурунга кунига 3-4 махал 2 томчидан томизилади.

8.	Мармарак барги	35,0
	Гулхайри илдизи	30,0
	Маржон дарахт гули	35,0

Ўсимликлар йиғмасидан дамлама тайёрланиб, халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида кунига 4-6 махал 5-7 кун давомида томоқ чайилади. Буруннинг ўткир яллиғланишида кунига 3-4 махал 2-4 томчидан дамламадан бурунга томизилади.

9.	Укроп уруғи	10,0
	Яллиз барги	30,0
	Бойчечак гулхалтаси	30,0
	Мармарак барги	30,0

Бу йиғмадан дамлама тайёрланиб, бодомча безларининг ўткир яллиғланишида томоқ 4-6 маҳал 5-7 кун давомида чайилади. Хиқилдоқнинг ўткир яллиғланишида кунига 2 маҳал 5-7 кун давомида инголяция қилинади. Буруннинг ўткир яллиғланишида кунига 3-5 томчидан 3-4 маҳал томизилади.

10. Ботқоқ ледуми пояси	10,0
Оққалдирмоқ барги	10,0
Бинафша пояси	10,0
Мойчечак гулхалтаси	10,0
Тирноқгул гули	10,0
Қизилмия илдизи	10,0
Қора андиз илдизи	10,0
Арпабодиён меваси	10,0
Ялпиз пояси	10,0
Зубтурум барги	10,0

Аллергик ринитда дамлама билан (200 мл. қайноқ сувга 2 чой қошиқ йиғма солинади) кунига 1 маҳалдан 6-8 марта бурунга электрофорез қилинади. Шунинг билан бирга кунига 3 маҳал дамламадан овқатдан сунг 40-60 мл. дан ичилади.

11. Қизилмия илдизи	10,0
Қорақиз пояси	10,0
Маньчжурия аралияси илдизи	10,0
Дала қирқ бшғини	10,0
Наматак меваси	10,0
Қумлоқ бузночи гули	10,0
Қора андиз илдизи	10,0
Ольха меваси	10,0
Момақаймоқ илдизи	10,0
Қариқиз илдизи	10,0

Бу ўсимликлар йиғиндисининг қайнатмаси билан (200 мл. қайноқ сувга 1 чой қошиқ йиғмадан солиб, усти берк холида 30 дақиқа сув хаммомида қайнатилади, сузилади) аллергия ринитларда кунига 5-6 махалдан бурун ювилади, бир вақтда кунига 3 махал овқатдан сўнг 40-60 мл. дан ичилади.

- | | |
|----------------------------|------|
| 12. Гулхайри илдизи | 50,0 |
| Тоғ жамбил пояси | 50,0 |

Ўсимликлар йиғиндиси қайнатмаси билан аллергия ринитларда бурун кунига 4-6 махал дамлама билан чайилади ва бир вақтда кунига 40-60 мл. дан 3 махал овқатдан сўнг ичилади.

- | | |
|----------------------------|------|
| 13. Қарағай куртаги | 40,0 |
| Зубтурум барги | 30,0 |
| Оққалдирмоқ барги | 30,0 |

Ўсимликлар дамламаси билан аллергия ринитларда бурун кунига 4-6 махалдан чайилади ва бир вақтда 40-60 мл. дан кунига 3 махал овқатдан сўнг ичилади.

- | | |
|-----------------------------|------|
| 14. Арпабодиён уруғи | 30,0 |
| Шивит (укроп) | 30,0 |
| Кунжут уруғи | 20,0 |
| Тоғ жамбил пояси | 20,0 |

Ўсимлик қайнатмаси билан аллергия ринитларда кунига 4-6 махал бурун чайилади ва бир вақтда илиқ холда 40-60 мл. дан кунига 3 махал ичилади.

- | | |
|-----------------------------|------|
| 15. Арпабодиён уруғи | 20,0 |
| Шивит (укроп) | 20,0 |
| Тоғ жамбил пояси | 20,0 |

Қизилмия илдизи 20,0

Қарағай куртаги 20,0

Ўсимликлар дамламаси билан аллергия ринитларда кунига 4-6 махал бурун чайилади, бир вақтда 40-60 мл. дан 3 махал ичилади.

16. Мармарак барги 25,0

Тугмачагул гули 25,0

Маржондарахт гули 25,0

Эман пўстлоғи 25,0

Ўсимликларнинг бу йиғмаларидан бир қошиқ олиниб, 200 мл. қайноқ сувга дамланади, сузилади. Хосил бўлган дахлама билан бодомча безлари ва халқумнинг ўткир яллиғланишида томоқ кунига 4-5 махал 5-7 кун давомида чайилади.

17. Мармарак барги 25,0

Сигирқуйруқ гули 25,0

Оққалдирмоқ барги 25,0

Гулхайри илдизи 25,0

Бу ўсимликлар йиғиндисидан бир ош қошиқ олиниб, 200 мл. қайноқ сувга 30 дақиқа дамланади, сузилади. Хосил бўлган дахлама билан бодомча безлари ва халқумнинг ўткир яллиғланишида кунига 4-6 махалдан 5-7 кун давомида чайилади.

18. Қарағай куртаги 40,0

Зубтурум барги 25,0

Оққалдирмоқ барги 25,0

Шивит (укроп) меваси 10,0

Бу ўсимликлар йиғиндисидан бир ош қошиқ олиниб, 200 мл. қайноқ сувда бир соат дамланиб, сузилади. Хосил бўлган дахлама билан аллергия

ринитда бурун кунига 3-4 махал чайилади ва бир вақтнинг ўзида шу дамлама билан кунига бир махал 6-8 кун давомида бурунга электрофорез қилинади.

19. Тоғ жамбил пояси	20,0
Оққалдирмоқ пояси	20,0
Бинафша пояси	20,0
Қора андиз илдизи	20,0
Арпабодиён меваси	20,0

Ўсимликлар йиғиндисидан бир ош қошиқ олиниб, 200 мл. қайноқ сувда бир соат дамланади, сўнгра сузилади. Хосил бўлган дамлама билан аллергик ринитда бурун кунига 3-4 махал 6-8 кун давомида чайилади. Бир вақтда шу дамлама билан кунига бир махал 6-8 кун мартаба бурун ичига электрофорез қилинади.

20. Парманчак барги	30,0
Қора андиз илдизи	35,0
Игир илдизи	35,0

Бу йиғиндидан 2 ош қошиқ олиб, 10 дақиқа 100 мл. пахта ёғида қовурилади ва 4 соат совутилади, хосил бўлган малхам қулоқ ва бурун чипқонларида кунига 2 махалдан қўйилади.

21. Тоғ арникаси гулхалтаси	35,0
Янтоқ пояси	35,0
Торон пояси	30,0

Ўсимликлар йиғиндисидан 2 ош қошиқ олиб, 10 дақиқа 100 мл. писта ёғидан қовурилади. Хосил бўлган малхам қулоқ ва бурун чипқонларида ва жарохатларида кунига 2 махалдан докага суртилиб бойланади.

22. Қашқарбеда гули	25,0
Парманчак барги	25,0

Қорақарагай меваси 25,0

Учқат меваси 25,0

Ўсимликлар йиғиндиси майдаланиб, 2 ош қошиқ олиб, 100 мл. кунгабоқар мойида 5 дақиқа қовурилади, сўнгра тиндирилади. Хосил бўлган малхам ишлатилишдан аввал яхшилаб аралаштириб, кулок, бурун жароҳатларида ва чипқонларида кунига 2 маҳалдан докага суртилиб, бойланади.

23. Қаттиқ сифитум илдизи 50,0

Итузум барги 50,0

Ўсимликлар аралашмаси майдаланиб, 2 ош қошиқ олиб, 5 дақиқа 100 мл. кунгабоқар ёғида қовурилади. Хосил бўлган малхам билан кунига 2 маҳалдан кулок ва бурун жароҳатларида, чипқонларда докага суртилиб, боғланади.

24. Шивит (укроп) меваси 40,0

Гозпанжа илдизи 15,0

Гулхайри илдизи 15,0

Эман пўстлоғи 15,0

Мармарак барги 15,0

Ўсимликлар йиғмаси 500 мл. қайноқ сувда бир соат дамланади, сўнгра сузилади. Хосил бўлган дамлама билан халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида кунига 4-6 маҳалдан томоқ илиқ холда чайилади. Бодомча безларининг сурункали яллиғланишида безларни лакуналари кунига бир маҳалдан 8-10 кун давомида шприц билан ювилади.

25. Парманчак барги 25,0

Оққалдирмоқ барги 25,0

Мармарак барги 50,0

Бу ўсимликлар йиғиндиси 500 мл. қайноқ сувда бир соат давомида дамланади, сўнгра сузилади. Хосил бўзлган дамлама билан халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида томоқ кунига 4-6 маҳал илик холда чайилади. Бодомча безларининг сурункали яллиғланишида без лакуналари шприц оркали кунига бир маҳалдан 8-10 марта ювилади.

26. Газагут илдизи 50,0

Мойчечак гулхалтаси 50,0

Ўсимликлар йиғиндиси куритилиб майдалаб, кукун холига келтирилади. Аралашмадан 2 чой қошиқ олиниб, 100 мл кунгабоқар мойида 5 дақиқа қовурилади, совутилиб, яхшилаб аралаштирилади. Хосил бўлган малхам кунига 2 маҳалдан докага суритилиб, кулоқ ва бурун чипқонларига боғланади.

27. Тирнокгул гули 40,0

Мойчечак гулхалтаси 30,0

Бўймадарон пояси 30,0

Ўсимликлар аралашмасидан бир ош қошиқ олиб, сирланган идишга солиниб, 200 мл қайнаган сув қуйилиб, усти берк холда сув хаммомида 10 дақиқа қайнатилади, совутилиб сўнгра сузилади. Хосил бўлган қайнатмани 2 кун давомида ишлатиш мумкин. Дамлама билан халқум ва бодомча безларининг ўткир яллиғланишида кунига 4-6 маҳалдан томоқ чайилади. Сурункали тонзиллитда кунига бир маҳал 8-10 кун давомида лакуналар шприц билан ювилади.

28. Наврўзгул илдизи 20,0

Мойчечак гулхалтаси 20,0

Тирнокгул гули 20,0

Ойболтирган илдизи 20,0

Арпабодиён меваси 20,0

Ўсимликлар аралашмасидан бир ош қошиқ олиб, сирланган идишга солинади, устига 200 мл. қайнаган сув қуйилиб, усти беркитилган холда 30 дақиқа сув хаммомида қайнатилади, совутилиб, сўнгра сузилади ва 2 кун давомида ишлатишга яроқли бўлади. Бу дамлама билан халқум ва хиқилдоқнинг сурункали катарал ва гиперпластик яллиғланишида кунига 2 махал инголяция қилинади ва бир вақтнинг ўзида дамламадан илиқ холида бир ош қошиқдан 3 махал ичилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Аюпов. Р. Х. Доривор ўсимликлар ва улардан фойдаланиш, Тошкент 2016, 86 бет
2. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. – Тошкент: «Фан» нашриёти, 1982 йил
3. Мадраҳимов. А. Ибн Сино шифобахш ўсимликлар ҳақида (дамлама, қайнатма ва малҳамлар). – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти. 2012 йил. – 128 бет.
4. Холматов Х.Х., Қосимов А.И.. Русча-ўзбекча доривор ўсимликлар луғати. – Тошкент, Ибн Сино нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1992 йил. – 200 бет.
5. Каримов В.А., Шомахмудов А.. Халқ табobati ва замонавий илми тибда қўлланиладиган шифобахш ўсимликлар. – Тошкент, Ибн Сино нашриёт-матбаа бирлашмаси. 1993 йил. – 320 бет.
6. Абдулазиз Саиднуриддин ўғли. Ўзбек халқ табобатидан ўғитлар. Тошкент, «Экстремум Пресс», 2009 йил.
7. Хожиматов К.Х. ва бошқалар. Шифобахш гиёҳлар – дардларга малҳам (фитотерапия). Тошкент, Ўзбекистон, 1994 йил.
8. Боқиева Р. Минг дард давоси. Туркистоннинг шифобахш гиёҳлари. Тошкент, Янги аср авлоди (2002).
9. Мовлонқулова Х. ва бошқалар. Исириқ ва янтоқ. Тошкент, Абу Али ибн Сино нашриёти, 1995 йил.
10. Каримов В.А., Шомахмудов А. Халқ табobati ва замонавий илми тибда қўлланиладиган шифобахш ўсимликлар. Тошкент, Ибн Сино нашриёти, 1993 йил.
11. Аҳмад Муҳаммад. Седана барча дардларга даво. Тошкент. «Ворис», 2007 йил.
12. Ибн Сино шифобахш ўсимликлар ҳақида (тузувчи А.С. Мадраҳимов). Тошкент, Меҳнат, 1990 йил.
13. Қўзиев И. Шифобахш ичимликлар. Тошкент, «Фан», 2007 йил.
14. Эргашев Ш. Юз дардга юз даво – шифобахш гиёҳлар, табиий неъматлар ва турли беозор омиллар билан даволаш. Тошкент, «Истиқол», 1999 йил.

15. Зуннунова Д.Наъматак – 100 дардга даво. Тошкент, «Давр Пресс», 2009 йил
16. Сафар Муҳаммад. Табиат неъматларининг шифобахш хусусиятлари. Тошкент, «Истиклол», 2007 йил.
17. Дилноза Зуннунова. ЛИМОН – барча касалликларга даво. Тошкент, «Давр Пресс», 2008 йил.
18. Ўлжабоева Н. Халқ табобати хазинасидан жавоҳирлар. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2009 йил. 1135 бет.
19. Усмонова М.К., Тулаганов А.А., Тухтаев Б.Ю., Жалилов Ф.С. Зафарон (*Crocus Sativus L*) ўсимлигини етиштириш ва тиббиёт амалиётига татбиқ этиш. Ўзбекистон фармацевтик хабарномаси №3, 2018. 44-46 бет
20. Толипов Ю. Мойчечак (Ромашка). -Т.: «Юрист-медиа» маркази, 2011. - 40 бет.
21. Dodopoulos S. Cultivation of Saffron // Athens, - 1977. - P. 130
22. Angelo Gismondi, Mariagiovanna Serio, Lorena Canuti, Antonella Canini. Biochemical, Antioxidant and Antineoplastic Properties of Italian Saffron (*Crocus sativus L.*) // American Journal of Plant Sciences, - 2012. - №3. - P. 1573-1580
23. Erol O., Kaya H., Şik L., Tuna M., Can L., Tanyola? M. The genus *Crocus*, series *Crocus* (Iridaceae) in Turkey and 2 East Aegean islands a genetic approach // Turkish Journal of Biology, 2014. №38. - P.48-52